



# Дақиқа қадри

## I. Инсон мияси

80 килограммлик инсон танасининг бор йўғи 80 дан бир бўлагини ташкил қилувчи орган. 1,5 килограмм атрофида. Айнан шу орган сизу-бизни бошқаради. Агар шу икки килограммлик тана аъзойимизни пайтида ишлов бериб турмасак, янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, ишлашга мажбур қилиб турмасак, унга ижодий руҳ бағишламасак, у танамиздаги ортиқча эт бўлиб тураверади. Инсон танасини бадантарбия билан қандай чиниқтириб борса, мия фаолиятини ҳам ривожлантириб бориши керак. Арасту «арфада бирон бир куйни чалиш учун, арфа чалишни билиш керак» деб қайд этган жойлари бор. Бу билан айтмоқчики, мияни ўстириш учун энг камида аввал уни ишлатиш зарур.

Шахсининг интеллектуал салоҳиятини оширишда таълим тизими муҳим роль ўйнайди. Мактаб, коллеж, лицей, институт ва университетлар. Соҳибқирон Амир Темур даврини эсланг. Айнан шу даврлардан илму-урфон ривожини кузатилади. Чунки ўқиш, ўқитиш тизими мукамал йўлга қўйилганди. Жоҳилликда ном қозонган Англия қироли ГенрихVIII даврида ўнга яқин университетлар очилган. Хатто Кембридж университети пештоқиға унинг бу сўзлари зарҳал ҳарфларда битиб қўйилган: «Жаноблар, сиз-у биз бу дунёдан ўтиб кетамиз. Хатто суякларимиз ҳам чириб кетар, аммо Университетлар Англияни оқилна бошқаради». Тўғри гап. Ҳар бир мамлакатни ўткир ақл соҳиблари бошқаради. Қуруқ университет очиш билан мамлакатда ақл соҳиблари кўпайиб қолмайди. Уларни аввало топиш, кейин тарбиялаш керак. Ўзбекларда бир ажойиб нақл бор, «Бола бошидан...» деган. Томас Эдиссонни болаликдаги ён дафтарчасида ҳар хил мавзудаги савол-жавоблар бўлган. Масалан, «Плутарх ким?», «Волга дарёси қаерда жойлашган?», «Олтингургурт кислотаси қандай олинади?» ва хоказо. Мактабда «қизиққан соҳангиз?» деб берилган саволга Эдиссон «Хамма нарсага» деб ёзиб берган. Бу нимани англатади, мияни доимо машқ қилдириб туриш, унга доим озуқа бериб туриш дегани. Мияга бундай даражада ишлов бериб туришнинг ижобий натижасини Томас Эдиссонда кўриш мумкин.

300 дан ошиқ ихтиролар муаллифи, 1000 га яқин илмий шарҳлар, мияга тинимсиз бериб турилган ишловнинг ёрқин самарисидир. Кейинчалик фирмасига оддий ходимларни ҳам тест асосида қабул қилган. Савол-жавоблар даражаси сизга маълум. Мен бу китобни аввалида бекорга мия фаолиятига шарҳ бераётганим йўқ. Айнан «ЗАКОВАТ» интеллектуал клубида ўтган 7-8 йил мени интеллектуал ўйинлар тарғиботчисига айлантирди. Интеллектуал ўйинларни эса танасидаги 1,5-2 килограммлик этни муносиб бошқара олган кишиларгина ўйнай олишади. Зора шу китобнинг 1-чи бобида айтган гапларимизни ўқиб, ўзингизга хулоса қилсангиз ва мия деб аталмиш органни ўзингиз хоҳлаганча ишлаташни ўргансангиз. Токи танангиздаги бу аъзойингиз сизни бошқармасин, аксинча сиз уни измингизга сола олинг.

## II. Ҳаёт бу нима? Ҳйин!

Интеллектуал Ҳйинларда иштирок этиш кўпчиликда бир зумда пайдо бўлувчи хоҳиш ва истак. Чунки бирон қизиқ саволни топиб ундан роҳат туйган кишини, бу соҳада анча вақт қолиб кетиши тайин. Нега одамлар интеллектуал Ҳйинларни хуш кўришади?

Ҳйлаб кўрганмисиз?

Буни жавоби оддий Ҳаётимиз давомида рўпарамиздан кўндаланг чиқарадиган саволларга, муаммоларга жавоб ахтариб ўрганиб қолганлигимиздан. Инглиз психологи Г.Айзенк фикрича Ҳаётда учраган муаммони, масалани ечганда қанақа роҳатлансак, биз ўзимизни шунча қудратли эканимизни гўё, ҳис қилгандек бўламиз. Турмушни олдимизга кўядиган масалаларига жавоб қидириш Ҳаётимиз ўзагига айлангандек. Худди Ҳйинда бўлган каби осон ёки қийин саволлар учрайди. Уларни кимдур осон еча олади, яна кимдур ожизлик қилади. Ўз-ўзидан Ҳаёт билимдонларни саралай бошлайди. Ўз-ўзидан кишилар билимдон, донишманд, доноларга ажрала бошлайди. Шарқ алломалари ҳикматларида айтилади, доно одам бир марта адашса, кейинги сафар бу хатони қайтармасликка ҳаракат қилади. Хўш донишмандлар-чи? Донишманд одам умуман хато қилмайди. Францияда Халқаро Интеллектуаллар Ташкилоти(MENSA) фаолият олиб боради. Унга ҳар-хил касбдаги ўта билимдон ва иқтидорли инсонлар аъзо ҳисобланишади. Уларнинг асосий вазифалари инсон интеллектуал имкониятларини сарҳисоб қилишдур. MENSA чиқарган мантиқий тестлар бирон бир ҳудудни ўрганишда, унга баҳо беришда мезон бўлиб хизмат қилади.

“Нима? Қаерда? Қачон?” Ҳйинининг қалдирғоч «Биллур бойўғли» соҳиби фарғоналик Нурали Латипов ўз пайтида MENSA аъзоси бўлган. Уни фикрича қаерда таълим давлат томонидан рағбатлантириб турилса, ўша халқнинг, миллатнинг интеллектуал салоҳияти ривожланишда бўлар экан. Айнан Ўзбекистонда бу борада энг илғор таълим тизимига эга.

Ҳаётда учрайдиган муаммо, масала ечими шахсан сизга аҳамиятли бўлгани учун ҳам, у масала ечими учун бор истеъдодингизни, маҳорату-билимингизни йўналтирасиз. Кўп ҳолларда ғалаба қозонасиз. Хўш интеллектуал Ҳйинларда нега билимдонлар кўп саволлар олдида ожиз қолишади? Бу хусусда Нуралини бир фикрини эшитиб кўрайлик:

«Менда “Нима? Қаерда? Қачон?” Ҳйинида қатнашиш орзуси туғилди. Жуда қаттиқ хоҳиш эди бу орзу. Ва мен саралаш турнирларидан жуда юқори балл билан ўтдим. Аммо Ҳйин столига ўтиришим билан қалтироқ тутиб, ўзимни йўқотиб кўя бошладим. 3-4 марта ўйнагач, бу Ҳйин мен учун эмас экан деб Ҳйинлардан кетмоқчи бўлдим. Шунда Андрей Каморин янги жамоа тузаётганини ва унга мени таклиф этаётганини билдирди. Шунда мен охириги маротаба Ҳйинларда иштирок этиб ўрмоқчи бўлдим. Охириги Ҳйин бўлгани учун ҳеч нарсани ўйламасдан ҳеч қанақа масъулиятни ҳис қилмай ўйнадим. Ва айнан ўша Ҳйинда мен ўзимни топдим. Кўпчилик билимдонлар руҳий тўсиқларга учрашганда мен шу мисолни айтиб бераман».

Ҳаёт кўндаланг кўядиган саволларни ижобий ечими биз учун ниҳоятда зарур. Керак бўлса руҳий ва физиологик тўсиқлар ҳам мақсадга эришимизда бизга тўсиқ бўла олмайди. Телеэкран қаршисидаги Ҳйинларчи? Шу ҳолатни шахсий муаммога айлантира олган билимдонда масала ечими осон кечади. Бу

китоб ҳар-ҳил тоифа инсонлар учун мўлжаллангани боис, эътиборингизга бир латифа ҳавола этмоқчиман:

Хўжа Насриддин бозордан 3 мисқол гўшт олиб келиб хотинига яхши манти қилишни буюрибди. Хотини эса гўшни билмасдан ариққа оқизиб юборибди. Хўжа Насриддин келгач унга гўшни мушук еб кетди-деб баҳона қилади. Афанди тарозни олиб келиб мушукни ўлчаб кўрса роппа – роса 3 мисқол чиқибди. Шунда хотинига: Сен мени ахлоқ деб ўйлаяпсанми? Агар бу гўшт бўлса мушук қайга кетди, агар бу мушук бўлса гўшт қани?

Бу ҳаётий муаммоларга ҳазил бир назар эди.

«Заковат» интеллектуал ўйинида саволлар ҳаётий ва ҳолатий танланади. Украиналик дўстим Борис Бурдага: “Нега билимдонлар кадр ортидаги бор билимларини телевизион ўйинида кўрсата олишмайди”, - деб берган саволимга унинг жавоби:

-Айниқса дебютантларда бу ҳолат кўп кузатилади. Токи камерани эсдан чиқармас экан, у билимдон 50 фоиз, балки 30 фоиз ўйинни ҳам кўрсата олмайди

Борисни фикрига қўшиламан. Актёр ҳам сахнада ёки кино майдонида томошабинни ёки камерани унутса ролни мукамал ўйнаган бўлади. Аммо бу жуда қийин масала. Қийинлиги шундаки актёр Гамлетни ўйнаса, Гамлет образида бошдан оёқ ҳаракатланади. Бу ерда эса ҳеч қандай образ йўқ, ўзини ўйнаш керак. К.С.Станиславскийнинг шундай бир ибораси борки, у билимдонларга ҳам жуда таалуқли. Масалан актёр учун энг қийин рол бу ўзини ўйнаш ёки секин шошилинг деган (Спешите медленно). Нақадар билимдонлар учун мўлжалланган фикр: Секин шошилинг.

Энди асосий мавзуга қайтайлик. Сенека инсонларни 4 қисмга бўлади.

1. Ниманидур билишини, ўзи ҳам билмайдиган донадан ўрганиш кераклигини маслаҳат беради.

2. Ниманидур билишини, ўзи билмайдиган одам-уйкудаги одам, уни уйғотиш керак деб айтган.

3. Ҳеч нимани билмаслигини ўзи ҳам билмайдиган одам уйғоқ одам.

4. Ҳеч нарса билмаслигини билмайдиган одам тентақдур, ундан қочишни маслаҳат беришади.

Агар тўрттала қисмни яхшилаб ўргансангиз, албатта охириги 4– банд энг ҳавфли ва кераксизлигини яққол билинади. Чунки 4–тоифа кишиларида фикр йўқ. Инсон мукамал фикрлаши билан бошқа жонзотлардан фарқланади. Инсон ҳеч нарсани билмаслиги мумкин. Аммо ҳеч нарсани билмаслигини билмаслик - бу инсонни фожеаси. 3-чи банддаги кишилар ҳеч нарсани билмаслигини билмаслиги ўзи – фикр.

Ўз-ўзидан интеллектуал ўйинлардаги муҳим жиҳатлардан бири фикрни ифодасига ҳам етиб келдик. Худога минг қатла шукр қиламизки тилимиз ниҳоятда бой ва гўзал. Хўш, ўша бойликдан ва гўзалликдан тўлиқ баҳра олаяпмизми? Менимча йўқ. Мен албатта «Заковат» мисолида айтаётганим йўқ. Ҳаммамиз тўлиқ ифодалай олмаймиз. Тил туғилган фикрни ифодаловчи рамз ҳисобланади. Сўз бор экан ундан хоҳлаганча сўзлар гулдастаси яшаш мумкин. Савол тузганимизда сўзлардан жумлаларни шундай тузишга ҳаракат қиламизки, жавоб пайтида бир сўзни етмаслиги ҳам бу гулдастани кемтик қилиб қўяди. Жавоб пайтидаги бу каби носозликлар охири оқибат фикрни яроқсиз ҳолга келтириб қўяди. Фикрингизни тўлақонли сўзлар билан ифода эта олмадингизми, тамом сизда туғилган гениал фикр дунё юзини кўрмаёқ жон беради.



Билимдонларда бир дақиқа ичида шунчалар кўп фикр туғиладики, уларни ташқарига чиқариш учун моҳир филолог бўлиш керак. Ёки шунчалар кўп китоб ўқиган бўлиши керакки, маҳорат билан заргорона шу фикрларни сайқаллаб керак, ноқераклигини аниқлаб ифода этиш талаб этилади. Тағин бир дақиқа ичида бўлиб ўтиш керак бу жараён. Яхши билимдон бўлиш учун керак воситалардан ўндан бири бу.

Айрим пайтлари мен билимдонларни дунё қарашидан шундай ҳайратга тушаманки, гўё жавоби ёлғиз менга аёндек туюладиган саволни осонлик билан топиб қўйишади. Бундай саволларнинг деярли ҳеч қандай манбаси йўқ, кичкинагина илмоқдан ўзим асар тузиб юбораман гоҳо. Масалан, мана бу саволни эшитиб кўринг. Бу қушнинг 20 га яқин тури мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда фақат бир тури учрайди. Бундай қушлар кўп бўлиши мумкин. Бир ойда тухумдан жўжа очиб чиқаради. Бир ойда тухумдан жўжа очувчи қушлар ҳам кўп бўлиши мумкин. Юнон файласуфлари у қушни ўзларига рамз қилиб олишганлиги, билимдонлар учун яхшигина илмоқ бўлиши мумкин. Савол эса қуйидагича. Сизлардан бу қайси қуш деб сўрамаймиз, бу қушнинг энг қимматини уйда сақлаётган ёзувчини топинг.

Очиғи III республика фестивалида бу савол бироз қийинлик қилиши очиқ-ойдин эди. 20 та жамоа ичида Андижон шаҳридан келган А-Z жамоаси бу саволни жавобини топгани диққатга молик. Жавобни топиш учун бир неча босқични кўриб чиқиш керак эди. Биринчидан бу қайси қуш эканлигини топиш керак, иккинчидан уни энг қиммати қаерда бўлишини билиш керак, учинчидан қайси ёзувчини уйда сақланиши мумкин. Агар уни бойўғлилиги топилса, энг қиммати Москвада “Что? Где? Когда?” ўйинида бўлишини аниқлаш қийин эмас. Бу ерда ҳатто чалғитиш ҳам кетяпти. Биз ёзувчи деб айтмоқчи бўлган кишини кўпчилик телебошловчи, кулинар – ошпаз ва оддий билимдон деб билади. Уни ёзувчи эканлиги деярли ошкор этилмас эди. Лекин у 4-5 та яхшигина китоблар муаллифи. Саволнинг тўғри жавоби Одессалик Борис Бурда эди. 2007 йил якунларига кўра йилнинг энг кучли билимдонига берилган бриллант бойўғли совринининг соҳиби. Бундай саволларни тайёрлаш ҳам, унга жавоб топиш ҳам мароқли. Аммо, айрим саволларда билимдонларни беражак нотўғри жавоблари, интеллектуал ўйинларда руҳий ҳолатни нақадар аҳамиятлигини билдиради. Руҳий ҳолат қандай туғилади, Яъни нима оқибатида пайдо бўлади? У бевостта ўйин жараёнида туғилади, пайдо бўлади. Масалан, тўғри жавобни топиб ўрнига буткул нотўғри жавобни айтишда, йирик ҳисобда ютқазиб тириш пайтида, бошловчи ё ташқаридан берилажак руҳий зарбалар оқибатида пайдо бўлади. Бунга ҳам бир мисолни кўрсатаман. Ғанишер Раҳматуллаев жамоаси 1-5 ҳисобида ютқазётган пайтда, уларга ўта оддий, жўн, осон деб аташ мумкин бўлган бир савол тушди. Савол матни тахминан қуйидагича: Бу егуликни 5-6 ёшлик болалар кўпроқ ўйинчоқ деб билишади. Ўйинчоқликка мойил кўринишга эгаллиги учун ҳам шундай жумла билан таърифини келтириш мумкин. Япон ёзувчиси Харуки Мурогами «Қўй ови» романида ҳам у егуликни тилга олган. Ўртаси бутун бўлганда ҳам, уни мазаси ўзгармаслигини айтади. Сандиқча ичида шу егулик бор. Савол қандай егулик?

1-сониядаёқ ҳамма бир овоздан тешиккулчани топишди. Аммо, мулоҳаза давомида аста-секин бу фикрга ўзлари қарши чиқа бошладилар. Бу ҳолатда уларни енга бошлаган нарса нарса саволни осон ё қийинлиги эмас, ҳисобни қалтислиги. Яна бир очко ютқазилса ўйинни бой бериш мумкинлигини ҳис қилиб

туриш, уларни енгди. Тешиккулча ўрнига, ҳеч қаерда зикр этилмаган қовоқ варианты билан алмаштирилди. Охир-оқибат ўйин бой берилди.

Энди шундай савол қўйсақ, руҳий ҳолатни енгил мумкинми? – деб. Бунга ҳам аниқ ҳа, ёки йўқ деб айтиш мушкул. Кимлардур ўзларидаги ҳолатни енгил мумкин, аммо атрофдагиларни салбий таъсирида иккиланиб қолиши мумкин. Иккиланиш эса салбий руҳий ҳолатни келтириб чиқаради. Бу ўйинда билимдонларни 2 та асосий рақиблари мавжуд, биринчиси саволи ўйналаётган телетомошабин, иккинчиси ўйлаш учун берилган бир дақиқа. Иккинчи рақиб анча ашаддийроқ ва жиддийроқ ҳисобланади. Жарроҳга ёки заргарга ишингизни фалон вақт ичида бажаринг деб, буйруқ берингда, кейин уларни аҳволини томоша қилинг. Вақтни кетидан қувса, сифат эсдан чиқади, сифатли бажарай деса вақт ўтиб кетмоқда. Тажрибасиз билимдонлар шунинг учун ўзларини йўқотиб қўйишади. Уларга йўлланма бераётган пайтимизда бир дақиқа деб эмас, ўн дақиқа деб фойдаланишини маслаҳат берамиз. Мени энг севимли иборам билан яъни, К.С.Станиславскийнинг «Секин шошилиш керак» фикрини қайта-қайта тушунтириб, қандай қилиб секин шошиш йўлини уларга ўргатиш орқали йўл-йўриқ кўрсатамиз.

Билимдонларга яна бир салбий таъсир воситаси бор, бу кўринмас бошловчининг овози. Бир одамни юзини кўрмай суҳбатлашингда, кейин рўпарама-рўпара гаплашинг. Тасаввур қилаяпсизми? Юзма-юз ўтирган кишингизни кўриб турсиз, уни қандай кийимдалигини, соч турмагини, юз тузилиши, гаплашиш манераси ҳар қалай аниқ бўлади. Суҳбатдошингиз хозир нима дейди, ёки нима демоқчилигини олдиндан билишга сизда имконият бўлади. Умуман шоу кўрсатувлар борки, барчаси экрандаги бошловчига қурилади.

“Нима? Қаерда? Қачон?” ўйини бу телевизион қоидаларни инкор қилганлаги билан ҳам бу лойиҳани оригиналлигини белгилаган. Билимдонлар бошловчини фақат овози орқали мулоқотга киришадилар. Бошқа лойиҳаларда, ё ток-шоуларда бу усул самара бермаслиги мумкин. Аммо бу интеллектуал ўйинда бошловчининг кўринмаслиги ўйиндаги зиддиятни, қарама-қаршилиқни, сирлилиқни янада кучайтиради. Мен охириги пайтларда нега экранда кўринмайсиз, деган саволни камайганидан сезяпманки, томошабинлар, мухлислар юқоридаги жиҳатларни тушуниб етишмоқда. Бу ерда бошловчининг ўзи, унинг кийими, юз тузилиши, сочи ортиқча диққатни тортувчи, керак бўлса чалғитувчи восита бўлиб қолиши мумкин. Буни устига томошабинлардан келадиган кучли ақл баровар қилмас саволлар бир бўлиб билимдонларга қарши ўйнашади. Ва уларни кўп ҳолларда енгилшади ҳам.

Энди бошқа масалага ўтаамиз. Ютқазган жамоа ҳақиқатдан ҳам кучсизми? Ёки бошқа сабаблар ҳам борми? Биринчидан «Заковат» ўйинига кучсиз жамоалар чиқарилмайди. Бир неча чиғириқдан ўтган йигит –қизларгина экрандаги ўйинга чиқариладилар. Жамоаларни ютиш-ютқазилари аввало ўзларига боғлиқ. Ўйин олди жараёнларидаёқ, ўйинга чиқмасданоқ уни бой бериб қўядиган жамоалар бор. Албатта бундай жамоалар тарқалишга маҳкум. Тўғри улар ичида ҳам лойиқлари бору, руҳий тайёргарлик етарли эмас. Кимларнидур руҳшуносга, яна кимнидур қуйи лигага, токи тайёргарлиги етарли бўлгунича машғулотларда ушлаш керак. Кейин албатта юзма-юз синовлар, имтиҳонлар қилиш, руҳий тест ўтказиш, шундан кейингина ўйинларга жалб этиш мумкин. Бу билан сифатли билимдон тайёр бўлди дегани эмас. Унинг қисмати яна қандай жамоага

тушишига боғлиқ. У ерда ўзини топа оладими-йўқми бу ҳам муаммо. Жамоада, профессионал жамоада ҳаммани ўз ўрни, вазифаси ампуласи бўлади. Худди футболдагидек. Ҳужумчи, дарвозабон, ярим ҳимоячи, ҳимоячилар сингари. Кимдур жамоани юраги, яна кимдур вариантлар генератори, диспетчери. Ичларида албатта эрудитлар, яъни эслаб қолиш қобилияти кучли кишилар бўлгани мақсадга мувофиқ. 6 киши 6 соҳадан бўлиши керак деган ақидалар ўзини унчаям оқлай олмади. Қисқа тарихимиз давомида буни синовдан ўтказдик. Яна ҳаяжон, ҳаяжон деб икки кара айтаман, ҳаяжонсиз ҳеч нарсага эриша олмайди. Мен фақат ташқи ҳаяжонни назарда тутмаяпман. Баланд овозда, столларни уриб, бекорчи бақир—чақирларни керакли ҳаяжон деб айта олмайман. Ҳар бир саволни ўз темпи, ритми, усули мавжуд.

Айрим саволлар ўта босиқлик билан топилади, айримларига шиддат керак. Яна қайсидур савол кучли мулоҳазани талаб қилса, яна бир саволда тассавурни ишлатиш самара беради. Ҳар бир савол юқорида айганимиздек кичик бир бадий асар. Ҳар бир асарда бўлиб ўтадиган жойи, манзили, муддати, қаҳрамони бўлади. Режиссёр ойлар давомида бажарган ишни билимдонлар бир дақиқада амалга оширишлари керак. Яъни воқеалар ечими, кульминациясини ҳал қилиши керак. Кўраяпсизми қанча машаққат ва меҳнат талаб қилинадиган жараён, билимдонлик касби. Шубҳасиз уни касб деб аташ мумкин. Тўғри бугун бу касбга ҳаммаям берилиб, бор маҳорати ва вақтини сарф қила олаётгани йўқ. Бу кейинги бобимиз учун мавзу. Яъни «Заковатнинг билимдонлари» бўлимида сўз юритамиз. Ҳозир эса эътиборингизга «Заковат» телеўйинида ўйналган энг сара саволларни ҳавола этаман. Бу саволлар тамошабинлардан келган, лекин ҳаммасида каминани меҳнати бор.

### III. Саволлар

1-савол: Бир спорт мутахассиси у спорт турини роял чалишга ўхшатади. Роялдаги бир хил рангдаги клавишларни босаверсангиз овозлар хунуклашиб, тезда жонга тегиб қолади. Мен ҳам у спорт билан кўп шуғуллана олмайман. Зерикаман. Бу спорт мутахассиси таърифлаётган спорт турини топинг.

2-савол: Мўғул чўпонлари сахрога кўй боққани кетишаётганида ўзлари билан айрим егуликлар олишиб, бу озиқ-овқатли халтани “хоол” деб аташган. Яна бир халтада кийим-кечак, латта-путта, пойабзал ва бошқа майда-чуйдалар олиб кетишган. Егулик олиб кетилган халта хоол деб аталса, кийим-кечак халтасининг номи нима бўлиши мумкин?

3-савол: Турналар қишда жанубга томон учадилар. Куз келиши билан йўлга тушмайдилар. Кутадилар. Айнан қиш-қировли кунлар бошланиши билан жанубга уча бошлашади. Нима учун улар кунларни совишини кутишади?

4--савол: Йўл ҳаракати қоидалари автомобиллар ихтиролар ихтиросидан анча олдин ҳам бўлганига ишонасизми? Ҳатто Юлий Цезар даврида ҳам бундай қонунлар бўлган. Агар Цезар қонунлари ҳозир ҳам ўз кучида бўлганда, жуда кўпчилик ҳайдовчилар нафақат автомобил, велосипед ҳам ҳайдай олмасди. Бир дақиқадан сўнг, Цезар қонунинда нима тақиқланганини топиб айтасиз.

5-савол: Дунёдаги энг ақлли жонзот, бу албатта инсон. Етуклик борасида инсонга ҳеч бир жонзот тенглаша олмайди. Лекин инсон ҳам бошқа жонзотлар сингари хом сут эмган. У ҳам адашиши, бир гапни айтиб иккинчи ишни бажариши мумкин. Масалан, ўз фикридан қайтиши мумкин. Бу борада бугунги кишилар айниқса уста бўлиб кетишган. Худди шу масалага замонавий инглиз шоири Дэвид Лоуэлл ажойиб ўхшатиш қилган. “Фақат аҳмоқлар билан уларгина ўз фикрларидан қайтишмайди” деб Савол: аҳмоқлар билан яна кимлар ўз фикрларидан қайта олмайди?

6-савол: *Наманган вилояти Норин тумани Норинкапа қишлоқ фуқаролар йиғинидан Шаҳобиддин Яхшибоев.*

Орангизда музейларда бўлмаган одамни ўзи бўлмаса керак. Сиз борганмисиз, киришдан олдин чипта сотиб олганмисиз? Албатта олинади. Музейларга кириш баҳоси унчалик қиммат эмас. Нархлар шартли равишда белгиланади. Англиядаги Оксфорд музейига кираётганингизда пул тўламайсиз. Чиқаётганда тўлайсиз. Ходимлар кираётганингизда сизга жетон беришади. Чиқаётиб топшириб кетасиз. Ҳурматли билимдонлар, музей маъмурияти нега бу тартибни жорий қилган?

7-савол: *Дадаев Хушнуд. Фарғона вилояти Сўх тумани Ғазнов қишлоғидан.*

Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр” достони. Ўша асарларида ҳазрат Навоий: “Тоғига қараб кишини шоҳ деб ҳисоблама, агар тоғ билангина киши шоҳ бўлар экан, у чоғда уни ҳам шоҳ дегин, чунки унда ҳам тоғ бор. Савол: у ким?”

8-савол: Ёзувчи Курцио Малапарте (Малапарте – унинг тахаллуси) ўз тахаллуси ҳақида шундай ёзади. Малапарте – бу итальянчасига “Қаттиқ улуш” дегани. Нега қаттиқ, юмшоқ эмас десангиз, чунки “юмшоқ улуш” бошқа зот томонидан банд қилинган. Айтингчи, юмшоқ улуш билан ким аталган?



9-савол: *Холида Очилова. Тошкент шаҳридан врач-гастроэнтеролог.*

Холида опа жуда серқирра инсонлар тиббиётдан ташқари жуда кўп соҳаларга қизиқадилар. Эммануэль Кант жуда оддий ҳаёт кечирган. Уйда меҳмонлар учун санокли приборлари бўлгани боис, шогирдлари, дўстлари “неча киши бўлиб борайлик” деганда файласуфларга хос, “музалар сонидан 3 та кам, грациялар сонидан 3 та кўп бўлиб келинлар”, дер экан. Айтингчи, Эммануэль Кант уйда нечта вилка-қошиқ тўплами бўлган?

10-савол: *Фарида Осмонова. Сурхондарё вилояти Денов шаҳри М.Шайхзода кўчаси 46 “б” уйдан.*

Бир интернет сайтининг ғаройиб касб эгалари бўлимида Стокгольмлик Стив Губтосман ҳақида шундай маълумот берилган. У 20 хил зотдаги ит каби хура олади. У биласизми, қаерда ишлар экан. Шаҳар солиқ идорасида. Уйлаб кўрингчи, унинг иш фаолияти нимадан иборат бўлиши мумкин? Вақт кетти.

11-савол: *Ғайрат Бозоров. Қашқадарё вилояти Нишон туманидан, иқтисодчи.*

Ўзбек халқи учун, миллатимизнинг ҳар бир вакили учун у қадрли бўлмоғи зарур. Энг ками беш бора унга мурожаат этган киши ундан одобни, турмушни, тилни, сиёсатни, тарихни ўрганиши тайин. Айтингчи, нима ҳақида сўз кетмоқда?

12-савол: *Фарғона вилояти Қува шаҳридан Маҳамадали Мамажонов.*

Александр Дюма, Пиримқул Қодиров, Жек Лондон, Антон Павлович Чехов, Ремарк, Моруа ва бир ўзбек халқ эртаги. Ҳурматли билимдонлар, бир сўз билан айтингчи, юқоридагиларни қайси сўз бирлаштиради?

13-савол: *Мадаминжон Исоқов. Андижон вилояти Балиқчи туманидан.*

Эраимизнинг биринчи асарида яшаган машҳур муҳандис Витрувий, от-аравалар учун махсус амортизаторлар, ўриндиқлар ясаган. У яна шундай мослама яратганки, 2 та қутичани ҳаракатланувчи қисмга бирлаштирган. Маълум бир йўл босиб ўтилгач, 2 та қути тешиклари бир-бирига яқинлашган. Тешикчаларидан темир зўлдирчалар иккичи қутига ўтиб турган. Маълум бир йўл юрилгач, бу ҳол қайтарилиб турган. Айтингчи, ҳурматли билимдонлар муҳандис Витрувий яратган бу мосламани Римликлар нима деб аташган?

14-савол: 1820 йили Лондондаги бир паркда қуриб қолган бир дарахтни расман кесиш маросими бўлиб ўтган. Жуда кўп журналистларни ҳам бу маросим бефарқ қолдирмаган. Айтингчи, бу қандай кароматли дарахт эди?

15-савол: Чеховнинг “Отга ўхшаш фамилия” ҳикоясини ўқиган бўлишингиз мумкин. Ҳикоя персонажи отга ўхшаш фамилияли кишининг шарифини ўйлаб охири топади. Худди шундай ҳолатга тушиб қолган яна бир бошқа асарнинг персонажи ҳам бир фамилияни ахтармоқда: Вагнер, Вайнер, Венгнер, Винтер... Ўйлаб кўриб айтингчи, бу асар персонажи қайси фамилияни ахтармоқда?

16-савол: Ер юзида улар сони 6000 тача деган тахминлар бор. Аммо ҳар йили улар ичидан 25-30 таси йўқ бўлиб бормоқда. Бориб-бориб йўқ бўлиб кетар экан-да, деб ўйлашингиз мумкин. Йўқ, ер юзида ҳаёт бор экан, у йўқ бўлмайди. Сиз нима сўраётганимизни айтмасангиз ҳам, бир дақиқадан сўнг унинг омонимини бизга кўрсатинг.

17-савол: *Бобур Ёқубов саволи.*

Улар равоқсимон, қанотсимон, гумбазсимон бўлиб, узунлиги ярим км.гача етади. Сиз унинг энг катта қурбонини айтинг.

18-савол: 1991 йили Нигерияда, 3 кун ҳеч ким ишга чиққани йўқ, соат 7 дан кейингина кўчага чиқишга рухсат берилган. Ҳукумат махсус қарор чиқариб, ҳеч ким кундузи кўчада юришини маън этди. Кимда-ким буйруқни бузса, қаттиқ жазоланиши айтилди. Ҳурматли билимдонлар ҳукумат нега ҳеч кимни кўчага чиқмаслигини буюрди ва Нигерияда шу кунлари нима бўлиб ўтди?

19-савол: Уларнинг биринчисининг номи ҳажмидан келиб чиққан, иккинчисининг номи муҳим бир вазифани бажаришга моил бўлганидан, учинчиси эса жуда қулай жойлашганлиги туфайли бу номни ўзига олган. Ҳурматли билимдонлар, мен санаётганларим умуман нечта, агар бўлса уларни номини сиз топиб айтинг. Вақт кетти.

20-савол: 1999 йили 6 июн куни эсингизда бўлса, Парижда Россия футбол термаси Французларни мағлубиятга учратади. Айрим газеталар ушбу ғалабани қуйидагича шарҳлайди: Биз аламимизни олдик – деб. Кенгроқ ўйлаб кўриб айтингчи, 1999 йил 6 июндаги ғалабани, улар қандай алам билан изоҳлашган.

21-савол: *Яшнар Хусаинов. Тошкент шаҳар Яккасарой туманидан.*

Яшнарбек яқинда Англияга бориб-келиб, шундай савол йўллабдилар. Лондон кўчаларида баландлиги 2,5-3 метрли махсус устунчалар йўл четларига қўйилгани диққатни тортади. Яна қизиғи, устунни энг баланд қисмига гул туваклари илиб қўйилган. Айтингчи, ҳурматли билимдонлар баландда очилган бу гуллар кимлар учун осиб қўйилган?

22-савол: *Алишер Тошбоев. Наманган вилояти Норин тумани Дўшар қишлоғидан.*

Орангизда молбозорга борганлар борми? Бозордан олинган молни янги арқон билан олиб кетилишидан хабардор бўлгансиз. Мол бозордан олиб келинган сигирларни кўпроқ чап томонида ифлос доғлар бўлиши кузатилган. Алишер Тошбоев сўраяптилар, бу доғ қаердан пайдо бўлади?

23-савол: *Бобожонова Узро. Чирчиқ шаҳар 1-микрорайон 49-уйдан.*

Ўтган йили Парижда анъанавий итлар виставкаси бўлди. Дунёнинг ҳамма бурчагидан келтирилган итларга нарҳлар қўйилди. Япониядан келтирилган “Дўст” лақабли 8 та ит, ҳар бири 10 минг доллардан сотилди. Нега у итлар бошқаларидан 3-4 баробар қимматга сотилди деб ўйлайсиз?

24-савол: *Маҳфуза Имомова. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Ибн Сино 3-уй.*

Ёзма манбаларда кўрсатилишича, уни дастлаб Юнон-Бақтрия подшолиги даврида кўчманчи-чорвадорлар яратишган. Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистонда ҳам кенг тарқалган. Кейинчалик бизда ҳам оммалашган. “Заковат” столи атрофида ҳозир ҳам уни 6 тасини кўриб турибман. Балки 5 тадур. Бештадан кам бўлиши мумкин эмас. Нима ҳақида гап кетмоқда?

25-савол: *Жуманазар Наврўзов. Хоразм вилояти Шовот тумани Ўзбекистон ш/хдан.*

Қуруқликдаги энг катта жонзот бу фил. Фил броконьерлар томонидан суяги учун овланади. Болаларини уларга кераги йўқ, яъни броконьерларга 4-5 ойлик ёлғиз қолган фил болаларининг жуда кўплари тезда нобуд бўлиб кетишади. Чунки уларни кулоқ

пардалари нозик бўлиб, унга микроб тушиб, касалланиб ўлади. Агар онаси ҳаёт бўлса, улар бу касалга чалинишмайди. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи ёлғиз қолган фил болалари нимадан касалланади?

26-савол: *Хуслида Мирзаева. Фарғона вилояти Данғара тумани Ғалаба қишлоғидан.*

“Заковат” биласиз, тасаввурлар ўйини. Тасаввур қилинг, олтиталангиз шимолий эскимосларсиз. Бобур Ёқубов қабила бошлиғи. Утовлар қуришга жой ахтариб юрибсизлар. Ёзда сиз ўтовни кам сонли ўрмонлар ичига, ўтлоқларга яқин жойларга қуришга ҳаракат қиласизлар. Мана ҳозир қаҳратон кунлар бошлангани учун қишлашга жой қидириб кетаётибсизлар. Бир дақиқадан кейин, эскимослар учун қишда энг илиқ жой қаер эканини топинг.

27-савол: *Бахтиёр Тоғаев. Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани Сарой қишлоғидан.*

Бахтиёр Тоғаев кўрсатувимизнинг илк йиллари кўп савол йўллардилар. Бироз танаффусдан кейин яна савол юборибдилар. Фараз қилинг, Бобур сиз чўпонсиз. Анчадан бери соғиниб қолган мавзуинглар.

Кечқурун чарчаб ухлаб қолдингиз. Тунда ўрнингиздан турсангиз, қўй подаси йўқ. Нима бўлгану, қўйлар қаергадур йўқ бўлиб қолибди. Бобир анча тажрибали чўпон, бошқа жамоадаги чўпонлардан кўра. Тунда ўрнидан туриб, шу турган жойидан қўйлар қаёққа кетгани у аниқ бўлади. Ва ҳеч қанақа из ҳам ахтармайди ва йўлга тушади. Тезда топади ҳам. Ҳурматли билимдонлар, тажрибали чўпон шу турган жойидан қайси томонга йўл олади?

28-савол: Кўпчилик ҳайвонат боғларида “Душанба синдроми” номли шартли касаллик мавжуд. Диққат савол, кўп ҳайвонларга душанба синдроми қаердан келади?

29-савол: Ундай курслар аввал Амстердамда очилиб, кейинчалик Истанбулда, Ослода, Лондонда ҳам ишляпти. У курсларга ҳайдовчиларни агар экстремал ҳолатларга тушиб қолишса қандай ҳаракат қилишга ўргатишади. Савол: аниқ қилиб айтингчи, курс тингловчиларига у ерда нимани ўргатишади?

30-савол: 1900 йили Олимпиада ўйинлари орасига янги спорт турлари киритилиб, сув билан боғлиқ бир спорт тури дастурдан чиқариб юборилди. Чунки томошабинлар учун зерикарли кўриниш касб эта бошлаган эди. Аммо уни қуруқликдаги аналогига ҳалиям Олимпиада дастуридан муқим жой эгаллаб келмоқда. У спорт тури номини 3 та сўз билан топинг.

31-савол. 1903 йили уларни сони дунё бўйича 75 млн. эди. 40 млн.и Европада, 9 млн.и Осиёда, 2 млн. Австралияда, 1 млн Африкада. Афсуски, уларни сони бугун жудаям камайиб кетган. Бунга айбдор деб 2 та немис билан, бир америкаликни кўрсатишади. Диққат, савол рақамлар нимани сонини билдирган?

32-савол. Бугунги кунда Голландия деҳқонлари эришаётган натижалар бутун дунёга машҳур. Айниқса, иссиқхоналардан фойдаланишда уларни олдиға тушадигани топилмаяпти. Деярли ҳамма мева ва сабзавотларни йилига 3-4 мартадан ҳосили олинмоқда. Биз сўрамоқчи бўлган маҳсулотни улар йилига 7-8 марта иссиқхонада етиштириб сотадилар. Бир квадрат метрдан йилига 2-3 тонна ҳосил олишади. Айнан ўша ер неъматини биз табиий ҳолда йилига бир мартаба ҳосилини оламиз. Бизни

фермерларимиз ҳам ҳозир уни иссиқхоналарда етиштиришни ўрганишмоқда. Айтингчи, қандай ер маҳсулоти ҳақида сўз кетмоқда.

33-савол. *Қирғиз халқ мақолидан.*

Мен уни қорнини тўлдириб чиқариб юборсам уйга бўм-бўш қайтиб келади. Сиз ҳам эрталаб уйдан чиқишингиз бирон қарасангиз у тўла бўлади. Уйга қайтиб кириб унга қаранг, яна бўм-бўш. Ҳаммамизда бор бўлган у очофатни сандиқча ичига солиб қўйганмиз. Савол сандиқчада нима бор?

34-савол. Гомер “Илиада” достони. 6-қўшиқ.

Камбағалда тор, бойваччада омбор,  
Йиллаб денгиз кезган сайёҳу-кулни ҳам.  
Мусофирни муроди ҳам, оддий халқнинг  
Истаги ҳам, фақат уни эркалаш,  
Борди ю, жировин инсон қўлдан чиқарса,  
Ўз бошига етади, ўзи.

Ҳурматли билимдонлар, Гомер бу қўшиғида қандай нарсага таъриф бермоқда?

35-савол. Шимолий Америка ҳиндуларида шундай қурол бўлганки, уни ишлатганда бизон ҳатто ҳушидан кетган, ундан айиқлар қўрқиб дарахтга чиқиб кетган. Бу қуролни ишлатишга ҳинду болалари эрта ўргата бошланади. Бу машқни улар тоғлар тагида, дараларда машқ қилишган. Савол: у қуролни номини топинг.

36-савол. *Луқмон Асадов. Самарқанд вилояти Қўшработ туманидан.*

Амир Темури қўшинида ҳар 10 жангчига 1 дона керки, бир донадан ўроқ, арра, теша, болта, 2 дона белкурак, игна, ип каби оддий нарсалар ҳам берилган. Энг асосийси ўн кишига бирдек керак нарса ҳам бўлганки, уни алоҳида бир отда олиб юришган. Савол: отда олиб юрилган нарса номини топинг.

37. Иероглифларни соғиниб қолган бўлсангиз, бугун Шимолий Африка аборигенлари иероглифидан, саволимиз. Қизиғи, Шимолий Африка аборигенларининг иероглифи ёзма эмас, қўл ҳаракатлари билан ифодаланган. Марҳамат, ходимимизнинг қўллариغا эътибор беринг. Агар қўл кафтлари тепага қараган бўлса, бу одамлар маъносида тушунилган. Агар кафтлар пастга қараса, бу ҳайвон маъносини билдирган. Энди саволни эшитинг, агар қўллар олдинга чўзилиб кафтларнинг бири тепага, бири пастга қаратилса, қандай маънони англатган?

38-савол. Ушбу рўйхатни Францияда Сент-экзюпери бошлаб берган. Кейин Густав Эйфель, ака-ука Лемьерлар, Пьер ва Мария Кюрилар давом эттиришади. Худди шундай рўйхат бизда ҳам мавжуд. Сизлар бир дақиқадан кейин биздаги рўйхат ичидан энг ками иккитасини номини топиб айтинг.

39-савол. *Баҳодир Ҳолиқов. Қирғизистон Республикаси Баткен вилояти Халмиён қишлоғидан.*

Орангизда ким ёввойи ҳайвонлар овида қатнашган. Ҳеч ким? Майли ҳозир сизлар билан овга чиқамиз. Овчи Нозим Раимқулов бўлсин. Тасаввур қилинг, найза ва камонлар билан ов қиладурган замонлар. Узоққа борманг, Қўқон атрофидаги дашт-биёбонларда, ўта сергак кийик овидасиз. Сиз уни камон билан йиқитишингиз керак. Кечирасиз-у, камон бу милтиқ эмас, 500-600 метрдан нишонни бехато урадиган. Сиз

нечоғлиқ унга яқин боришингиз керак. Сиз уста овчисиз, бемалол кийикни чалғита оласиз. Бунинг учун устингизга кийик терисидан ёпиниб олиб аста кийикка яқинласиз. Ва ўтлаётган кийикни отиб овингизни бароридан келтирасиз. Нозим овчини усталиги хийла-ю-найранги ё мерганлигида ҳам эмас. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг, у кийикка максимал яқинлаша олишда қандай усулдан фойдаланганини айтинг.

40-савол. *Нўмон Болтаев. Бухоро вилояти Ғиждувон тумани.*

Идора бўлмаса, итоатнинг борлиги ёлғон. Рустам Жабборов, бирон нима тушундирганими? Ушбу иборани ишлатган Навоий бобомиз, толибларга тушунарли бўлсин деб қўлларига қарашларини буюрган. Сиз ҳам қўлингизга қаранг ва бир дақиқадан кейин энг итоатгўй жойни топиб кўрсатинг.

41-савол. Бу психологик саволни ечими унчалик қийин ҳам эмас, тагин билмадим. Бу ҳолатни акс эттириш пайти французлар 4 та кўз, инглизлар иккита 2 та сигара, немислар 2 та пешона каби сўзлардан фойдаланишади. Ҳурматли билимдонлар, юқоридаги жумбоқни тагига етингда, айтинг. Бу ҳолатни биз қандай сўз билан ифодалаймиз?

42-савол. Фурқат! Шекспир трагедияларини ўқиганмисиз? Айнан пьесаларини. Шекспирнинг пьеса қаҳрамонларини асар бошида таништирувда ўзига хослик бўлган. Масалан, “Ромео ва Жульетта” асарида Ромеони олтинчи бўлиб, Жульеттани 23-бўлиб рўйхатда таништирган. Ёки “Гамлет” фожеасида қаҳрамон Гамлет иккинчи бўлиб, Офелия рўйхатни 12-ўринидан жой эгаллаган. 2 та сабаб туфайли Шекспир бу рўйхатни тузган. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқа муҳлат ичида ҳар иккала сабабни ҳам алоҳида-алоҳида топиб айтинг.

43-савол. *Саодат Жалилова. Тошкент вилояти Қибрай тумани.*

Қадимги юнонларнинг етти донишмандларидан бири Клеобул шеър ва дostonлардан ташқари топишмоқлар ҳам ёзиб турган. Қадимги Юнонистонда ҳам билимдонлик турнирлари ўтказиб туришган. Жумбоқни эшитинг.

Бир отанинг.....ўғли, шайдур унинг хизматида,  
Ҳар бирида нечтадандур қизи бўлиб,  
Ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамас,  
Қора опа, оқ сингил, ё аксинча  
Опа оқу, сингил қора.

Энг қизиғи улар бирин-кетин ўлаверсаям, ҳеч қачон сони камаймас. Саволим: тинглаган азиз закийлар, отанинг

ўғли-ю, неваралари умумий сонин нечталигин топиб айтингиз.

44-савол. Айрим спорт турларида спортчининг келиб чиқиши ҳам муҳим ўрин эгаллайди. 1948 йили Швециялик Гунарсеон от спортдан Олимпиада олтин медалига сазовор бўлади. Кейин маълум бўлишича, у бу спорт билан мусобақада қатнашишига рухсати бўлмаган экан. Гунарсонни Олимпиада медалидан ажралишига қандай сабаб етишмаган.

45-савол. А.Дюма асарларини ўқигансизлар, шундайми? “Граф Монте Кристо” асарида у бир персонажга изоҳ бериб, одатда отадан етим қолган ака-укаларни энг каттаси шундай аталганлигини тушунтиради. Италия тилида отадан етим қолган ака-укаларнинг энг каттаси қандай аталади?



46-савол. Инсоннинг тўрт оёқли дўсти бу – Лион Измайлов қикрича, айнан удир. Кўпгина христиан қайдномаларида уни ўлим белгиси экани ёзилган. Игор полки қиссасида у кўп ҳолларда ногиронлар фойдаланадиган предмет деб таърифланган. Савол: сиз биз сўраган предметни юнонча номини ёзиб беринг.

47-савол. Дунёда долларлар кўп. Тасаввур қилинг, қўлингизга бир долларлик танга тушиб қолди. Унда Англия қироличаси Елизаветани сурати туширилган. Тангани иккинчи томонида ҳалокатга йўлиқаётган кема тасвирланган. Бу қайси давлат тангаси эканлиги бизни унча қизиқтирмайди. Бир қарашда бошқа тангалардан нимаси билан ажралиб туради. Аниқ айтинг.

48-савол. Ботир Усмонов. Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Носиров кўчаси 31-уйдан.

Биз сўрамоқчи бўлган нарсаларнинг сони инсоният пайдо бўлгандан бери ўзгармаган. Ташқи таъсир туфайли камаймаса, улар сони ўзгармас. Улар 2-гуруҳга бўлинади. Ўз навбатида улар ҳам иккига бўлинади. Уларни ҳар бири 5 турга бўлинади. Агар сиз саволни тушунган бўлсангиз, улар ичидаги ҳаёт-мамонт масаласини ҳал қилувчиси номини топиб айтинг.

49-савол. Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчадаги предмет пайдо бўлганига 40 асрдан ошди. Людовик 14, Наполеон, Гёте, Анатоли Франс ва бир қанча машҳур инсонлар уни коллекцияси билан шуғулланишган. Герберт Уэлс у ҳақида ҳатто китоб ёзган. Биз ўзбеклар кўп ҳолларда уни хизматидан воз кечиб, ота-боболаримиз усулини ишлатамиз. Айтингчи, сандиқчада нима бор?

50-савол. 1981 йили Таиланд билан Лаос орасида Меконг деган катта кўприк қурилди. Аммо у кўприқдан автомобиллар у давлатдан бу давлатга ёки аксинча ўтишига рухсат берилмади. Чегарачилар Лаос автомобилларини Таиландга, Таиланд автомобилларини Лаосга киритмадилар. Чунки ҳар иккала давлатда қонун бор эди. Айтингчи, қандай қонун ва қандай автомобилларни чегарада ушлаб қолган.

51-савол. Венгер халқида шундай бир ўхшатиш мавжуд: суҳбат буғдой, узум ва каноп устида қизийди деган. Буғдой – бу нон, узум вино ё шарбат. Хўш, унда каноп нима?

52-савол. 1924 йили Лондонда Тельма Урсула Беатрис Элеонор исмли қизча дунёга келади. Нима бўпти, дерсиз. Қизиғи, у жойда биринчи туғилган чақалоқ эди деб рўйхатга олиб қўйишган. Яна ҳам қизиғи, Ўзбекистонда ҳам шундай воқеалар рўй берган. Анча кейин. Сизга 2 та савол берамиз, хоҳлаганингизга жавоб беришингиз мумкин. Нечанчи йилдан кейин бизда бундай чақалоқлар дунёга келган, ёки Тельма Урсула қаерда туғилган?

53-савол. 2004 йили Гонконгда замонавий Хитой композитори Тань Дуннинг катта концерти бўлиб ўтди. Концерт эр. ав. I-II асрларда яшаган Цай Лунга бағишланган эди. Концерт маълум бир санага атаб ёзилган. Барча мусиқачилардан ўта маҳорат билан куй чалиш талаб этилган. Уларнинг диққати чалғимаслиги учун, бастакор нота

варақларини варақлаб олишлари учун махсус пауза қолдирган эди. Ҳамма бир вақтда варақлаб, бир вақтда куйни бошлаган. Савол: оддий Цай Лун нимани ихтиро қилгану, буни у концертда қандай намойиш эта олган?

54-савол. Марҳамат, ходимимиз қўлидаги таёқчани олиб кўришингиз мумкин. Дирижёр таёқчаси. Таёқча французчасига нима деб аталишини биласизми? Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичидаги егуликни узунлигиям тахминан шу таёқчадек келади. Аммо анча қалинроқ. Савол: таёқча французчасига нима деб аталади-ю, сандиқчада қандай егулик бор?

55-савол. Жомолунгмани забт этувчи гуруҳлар феврал ойидан бошлаб, Тибетда тўпланиб тайёргарликни бошлашади. Ҳамма гуруҳлар ўзларига йўлбошловчи танлашда бироз қийинчиликка дуч келишади. Айниқса, европаликлар билан ҳамма маҳаллий аҳоли ҳам боравермайди. Фақат шерп мазҳабидаги йўлбошловчилар уларга йўл бошлашга рози бўлишади. Айнан шерплар ҳам европаликларни қониқтиради. Айтингчи, нега бошқа мазҳабидагилар уларга шериклик қила олмайди?

56-савол. *Очил Нарзиев. Навоий вилояти Нурота шаҳар Охунбобоев кўчаси 66-уйдан.*

Бир овчи кексайиб нафаси қисадиган бўлиб қолганидан кейин табибни уйга чақиртиради. Табиб бемор ётган уйга кирибоқ уни дарди нимадан кўзғалаётганини топади. Тезда кўрсатма бериб беморни давосини топади. Айтингчи, у қандай кўрсатма берган?

57-савол. *Азамат Шарипов. Янгиер шаҳар Феруза кўчаси 15-уйдан.*

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичида аёлларга тааллуқли бир предмет турибди. У сўзни келиб чиқиши форсга бориб тақалади. Ўзаги форсий сўз. Хусусан, Фирдавсий шохномасида унга алоҳида урғу бериб тушунтирилган, ҳатто вазифаси ҳам. Сандиқчада замонавий кўринишга эга, аммо номланиши, қадимги форсий сўз билан бошланувчи нарса бор. Савол: сандиқчада нима бор?

58-савол. *Холқўзи Мусурмонов. Жиззах вилояти Зомин туманидан.*

Эрамиздан аввалги 5-асрда яшаган Хитой файласуфи Конфутцийни император саройига ишга таклиф этишади. Унга аниқ бир вазифа юклатилган эди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун истеъдодли кўзи ожизларни тўплайди. Конфутцийдан кейин ҳам қарийиб бир неча аср бу гуруҳ саройда хизмат қилди. Албатта таркиб ўзгариб турган ҳолда. Айтингчи, бу гуруҳни асосий вазифаси нима эди?

59-савол. *Боқижон Тўхтаев. Навоий вилояти Қизилтепа тумани “Ўрта чўл юлдузи” фермер хўжалигидан.*

Ўрта чўл – чўпон-чўлиғлар маскани. У ерда миллионлаб қўй-қўзилар боқилади. Энг тажрибали чўпонлар ҳам шу ерда яшашади. Тажрибали чўпонлар фикрича, қўй-қўзиларни 3 та кушандаси бор экан 1-бўри, 2-ўғрилар, 3-чиси бир қараганда у қўйларга кушанда эмас, аксинча керак нарсадек туюлади. Аммо қўйларга энг катта хавф ундан бўлиши мумкин экан. Савол: қўйларга ҳам керак, ҳам кушанда нарсани номини топинг.

60-савол. *Муборакхон Маҳмудова. Тошкент шаҳар Олмазор маҳалласи 10-уй 31-хонадондан.*

Муборакхон опа шеър машқ қилиб турар эканлар. Савол ҳам шеърий:

Қадимда боболар сақлаб жонини,

Дўппилар ичига солиб юришган.

Момолар жиҳозлаб келин уйини

Палаклар қатига тиклаб қўйишган.

Бир шоири замон-таърифи майса

Унга суянганди гар ўлиб қолса.

Хурматли ҳамкасблар, айтингчи бир дақиқадан сўнг ташқаридан шеърда таърифланган қандай нарсани олиб кирамиз. Вақт кетти.

61-савол. *Шерзод Шукуров. Тошкент вилояти Бекобод шаҳри Усмон Носир кўчаси 30-уйдан.*

Германия, Англия каби давлатларда парранда гриппи таъсирида миллионлаб товукларни қирилиб кетиши кузатилади. Парранда гўшти ишлаб чиқаришда дунёда биринчи бўлиб турган Бразилияда эса гарчи парранда гриппи бот-бот учраб турсада, ишлаб чиқаришда узилиш кузатилмади. Чунки паррандахона қурилаётганда у қатъий принципга асосланган ҳолда бунёд этилади. Савол: у қандай принцип?

62-савол. *Саид Раҳмонов программалаш мухандиси.*

Бу мактубни Россиядан Челябинск шаҳридан юборибдилар. Ҳозир кўрсатувимиз спутник орқали ҳам намойиш этилмоқда.

Ҳаммангизга маълум, Ҳиндистонда жанговар филлардан урушларда фойдаланиб келишади. Филларни – филбон, яъни маҳаут бошқаради. У жанг пайти филни бошида ўтириши талаб этилади. Уни қўлида кичкина темир найзача бўлади. Белида ўткир қозиқ билан болғача қачон керак бўлади?

63-савол. 2006 йили Германияда ўтган жаҳон чемпионатида Италиянлар ғолиб бўлишди. Финал куни сергап италян спорт шарҳловчилари жамоа ҳимоячиларини Колизей деворига, хужумчиларни енгилмас гладиаторларга қиёслашади. Жамоалари чемпион бўлганидан илҳомланган италян журналистлари негадир дарвозабон Буффонни “Севилья сартароши” операси қаҳрамони Фигарога қиёсладилар. Савол нима учун?

64-савол. Пьер де Кубертен гарчи оламдан ўтиб кетган бўлсада, ҳар тўрт йилда ўтадиган олимпиада ўйинларида уни сўзларини эслаб қўйишади. Масалан, бехатар манзилга етиб олинглар – ибораси ҳозир ҳам барча олимпиадаларда айрим спортчиларга нисбатан ишлатилади. Айтингчи, Кубертен кимларга бу иборани ишлатган эди?

65-савол. Кейинги вақтларда Англиялик ўсмир болалар орасида кўз шифокорига мурожаат қилувчилар кўпайиб кетган. Нима қилсаю, кўзойнак тақса, кўзойнак кўриниши думалоқ ва оправаси қора бўлишини хоҳламоқда. Кўзойнак усталари бу хилдаги кўзойнакларни кўплаб сотишаётганидан, хурсанд. Айтингчи, улар бу кўзойнакларни қандай ном билан аташмоқда?

66-савол. 16-асрдан бошлаб, елпиғич Европага кириб кела бошлаган. Айнан шу пайтдан бошлаб, у аёллар аксессуарига айлана бошлади. Ва дўконларда сотила бошланади. Уни турли кўринишда ясай бошлашади. Елпиғичларни келиши билан Европада ишсиз юрган бир соҳа кишиларига талаб кўпая бошлаган. Айтингчи, у қайси касб эгалари эди?

67-савол. Буюк Британия қироличасининг туғилган куни йилда 2 марта нишонлашади. Қиролича Елизаветта II 21-апрелда таваллуд топган. Шу куни барча ўз уйида бу санани оилавий нишонлайди. Ҳар йили июн ойининг бирор шанбасида Буюк Британияда расман умумхалқ байрами қилиб нишонланади. Айтингчи, қандай сабаб туфайли қиролича таваллуд куни июн ойида ўтади?

68-савол. *Султон Алиев. Денов тумани Чамбул қишлоғидан.*

Шерлок Холмс ҳақидаги ҳикоялардан: Жиноят содир бўлган жойда қолдирилган панжа изига қараб машҳур у жиноятни аёл киши қилганлигини, бу қўл аёл кишиники эканлигини айтади. Холмс бармоқларни нозиклигига қараб билмаган. Савол: бу қўл изи аёлларники эканини у қаердан билган?

69-савол. *Хотам Жўраев. Жиззах вилояти Бахмал тумани Новқа қишлоғидан.*

Зарафшон водийсининг Фалгар деган воҳасида ажойиб хунармандлар яшашган. Улар ўз хунарларини бошлашдан аввал, отнинг думига лойдан суртиб дарёнинг у қирғоғидан бу қирғоғига ҳайдаб ўтишган. Маъқул бўлса, шундан кейин ўз ишларини бошлашган. Айтингчи, 11-12 асрларда яшаган бу хунармандлар қандай маҳсулот тайёрлашган?

70-савол. “ZWEI MACHTEN SEX UND GABEN NICHT ACHT”

Немис тилида бу фразада 3 сонли рақам келтирилган. Айтмоқчи, бу фразадаги рақам бизда ҳам шунча кунни ташкил этади. Савол оддий, юқоридаги фразадаги рақам неча ва у қайси жараённи билдиради?

71-савол. *Орифжон Бобоназаров. Навоий Давлат Педагогика институти талабаси.*

Ҳинд чойини ҳеч қайси чой таъми билан адаштириб бўлмайди. Чунки Ҳиндистонда чой етиштириш, қадоқлаш, дамлаш, ичиш ҳам катта бир фанга айланган. Ҳатто чой дегустаторлари чойни синаётганда қуйидаги қоидаларга амал қилганида синов ишончли ўтар экан. Дамланган чойни биринчи пиеласини ичиши, маълум бир граммга маълум миқдорда сув қўйилиши (қайнаган сув), ҳатто дегустаторнинг кийган кийими ҳам талабга жавоб бериши керак. Яна қайтараман, жой. Савол: улар чойни қаерда ўтириб синашлари шарт?

72-савол. *Жамшидбек Умрзоқов. Сирдарё вилояти “Оқ олтин” тумани Фарғона қишлоғидан.*

Жамшидбек, сизларни олди-соттига таклиф этмоқчилар.

Фалончи! Сиз кўн соҳаси бўйича, тери савдоси бўйича брокерсиз. Сизни олдингизга 2 та бир хил катталиқдаги, бир хил рангдаги мол териси олиб келишди. 2 та бир хил терини сиз 2 хил баҳоладингиз. Айтингчи, нега бирини арзон, иккинчисини қиммат баҳоладингиз.

73-савол. *Хусниябону Раҳимбекова. Жиззах вилояти Пахтакор тумани Ержар қўрғонидан.*

Кўпгина фильмлардаги қишги манзаралар ёзда суратга олинади. Сунъий қор ташкил қилинса, актёрлар қишки кийимлар кийишса бас. Аммо айрим ҳолларда қишда ёзги сахналар олишга тўғри келиб қолади. Қишда оғиздан буғ чиқиш ҳолати рўй бериб қолмаслиги учун актёрларга бир нарса беришади. Савол нима беришади?

74-савол. *Маҳкам Турдиалиев. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Яйпан қишлоғидан.*

Марҳамат “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчадаги мосламани дунёга келиши учун икки хужжат қадрли. 13 июл 1944 йил конструктор ва шоира оиласида туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома бўлса, 2-чиси 29 январ 1975 йил, патент олинган кун. Энг қизиғи гувоҳнома ҳам, патент ҳам бир кишини номига олинган. Савол: сандиқчада нима бор?

75-савол. *Собитхон Эшонхонов. Чилонзор тумани Фуломов кўчаси 1-уйдан.*

Қирол Людовик – 14 даврида дворянлар, қирол оиласи аъзолари хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин матога гул солиш билан шуғулланишган (вишивка). Аммо у сўзаналар бугунгача етиб келмаган. Людовик-14 ни ўзи уларни ёқишни буюрган. Айтингчи, қирол ўзи ёқтирган, ўз кўли билан тиккан матоларни нега ёқтирган?

76-савол. *Эркин Ғаниев. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳаридан.*

Умар Ҳайём “Наврўзнома” асарида уни севги-муҳаббат майдони, қариллик дарахтини узоқ вақт гуллатадиган марҳамат ёмғири деб зикр этилган. Ҳақиқатда ҳам “Наврўзнома”да унга аталган таъриф ўта ўринли. У инсонни безаги ва муҳаббат савдоси ундан ўт олиши аниқ. Қуйидаги таърифга лойиқ инсонлар орангизда талайгина. Ҳаммангиз дея олмайман. Баъзилар ундан оқилона ва айёрона фойдаланиб юрадилар. Саволни анча очиб юбордим, шунинг учун ўта аниқ жавоб беришингиз лозим бўлади. Савол: гап нима ҳақида кетмоқда?

77-савол. *Маъруфхон Эшонхонов. Интернет орқали олинган. Савол манзилни иложи бўлса ёзиб юборинг.*

Австралиянинг Флиндер ороли аҳолиси умуман яшил кийим кийишмайди, яшил предметлардан ҳам фойдаланишмайди. Айтингчи, нега бу орол аҳолиси яшил рангли кийимлар кия олмайди?

78-савол. *Фалончи ўзингизни санъатни тўлиқ тушунадиган киши деб биласизми? Чала ярим.*

Ҳаётни бор ҳолича намоён этишда санъатни роли беқиёс деган фикрга қўшиласизми? Демак, ҳаётни ифода эта оладиган одам ҳис-туйғуларга бой бўлмоғи керак. Энди машҳур адиб Анатол Франсинг учқур фикрларини ёзиб олинг. Санъатнинг иккита энг ёвуз душмани бор, 1-чиси истеъдодсиз ҳунар, 2-чиси... 2-чисини сиз топинг.

79-савол. *Абдусаттор Парпиев. Бекобод шаҳридан интернет орқали юборилган савол.*

Яқинда Санкт-Петербургда бўлиб қайтган савол муаллифи шаҳарда шундай дўконларни кўрибдики, уларни эшикларига бир рақам ёзилганига гувоҳ бўлибди. Қизиғи - бизда рақамлар билан эмас, сўз билан билдирилади, у маълумот. Янаям қизиғи, бир



кўчада 10 та дўкон бўлса, 2-3 тасида шундай рақамларни кўриш мумкин. Савол: оддий қайси рақамли сон сўралмоқда?

80-савол. *Фозилжон Мамадалиев. Сирдарё вилояти Гулистон тумани Темирқадам кўчаси 44-уйдан.*

Мўғулистон давлатининг эски 1952 йилгача бўлган гербида 2 та жонзот тасвирланган. 1952 йилда қабул қилинган янги гербда жонзот битта қолган. Сиз ҳар иккала гербда тасвирланган жонзотларни топинг.

81-савол. *Абдуқаям Мирсолмонов. Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Кавардон қишлоғидан.*

Файласуфлар у ерни тафаккур ва ибрат манзили, аммо беғамлар жойи эмас деб аташади Шоир Чустий у ерни сариси ҳам, сўриси ҳам, акрабо-ю ҳам азиз меҳмони йўқ эканлигини ёзганлар. Бир сўз билан айтинг, бу жой номини.

82-савол. *Омонжон Абдуллаев. Фарғона вилояти Сўх тумани Чумоқча қишлоғидан. Сурати бор.*

Фалончи! Сиз 16-асрда яшаган Индонезиялик фуқаросиз. Чўнтагингизни қаппайтириб бозорга ҳарид қилиш учун тушдингиз. Албатта пул дея олмадик, пул ўрнига ерлик аҳоли ундан фойдаланган. Ҳозир студия ичида анча-мунча Индонезия муллажиринги бор. Мен аниқ айта оламан. Савол: бир дақиқадан сўнг сиз ўша давр пул бирлигини бизга кўрсатасиз.

83-савол. *Султонмурод Файзиев. Тошкент вилояти Бўка шаҳридан.*

Уни пайдо бўлиши ҳақида фанда 3 та фараз мавжуд. 1-чиси геофараз - нефт билан боғлаш; 2-чи фараз Биофараз - ўсимликларга боғлаш; 3-чи фараз Зоофараз, ҳайвонларга боғлаш. Яна кимлардур уни тошдан олинадидеб фараз билдирадилар. Барча фаразларда жон бор, ҳақиқатга яқин. Ўзбеклар уни қандай атайдилар?

84-савол. *Дилфуза Жапакова. Хоразм вилояти Гурлан тумани Холматов фермер уюшмасидан (сурати бор).*

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. “Буюк ипак йўли” савдогарлари асосан айнамайдиган, ачимайдиган товарлар билан савдо қилишган. Аммо улар айнамайдиган деб ўйлаган бир товар йўл-йўлакай ўзини ҳолатини йўқотаверган. Шундан кейин уни транспортировкасига ўзгартириш киритишади. Уни махсус қалин бўз қопларга солишиб, пахта тойлари орасида жойлаб олиб кетишган. Сиз у товар йўлда нимани ҳисобига айнаганини ва албатта сандиқчадаги ўша товар номини топиб айтишингиз шарт.

85-савол. Миллий энциклопедиямизда метр сўзи 3 марта кетма-кет келган. 1-ҳолатда ўлчов бирлиги см, км, барометр, термометр. 2-ҳолатда халқаро бирликлар тизими СИ даги узунлик бирлиги яъни алгебрада ишлатилади. 3-ҳолатда ҳам метр ишлатилганлаги ҳақида маълумот берилган. қайси соҳадалигин ёзиб берсангиз бўлди.

86-савол. Зоологлар фикрича, у жонзотнинг эркаги гулнинг нектари билан кун кечириб кетаверади. Аммо урғочилари тухум қўйиши учун, уларга кўп миқдорда протеин керак бўлади. Улар протеинни биздан олишади. Жонзот номини ёзиб беринг.

87-савол. Россияда 1714-йилдан, 1741-йилга қадар Пётр I нинг қарори ҳукм сурган. Бу қарорга биноан, Петербургдан ташқари барча ҳудудларда тошдан уй қуриш тақиқланган. Савол, осон туюлиши мумкин, лекин сиз ўйлагандек осон эмас. биринчи рус шохи бу фармойишни нима учун чиқарган эди?

88-савол. Яна бир Европа фуқароси, қаҳвахона ҳўжайини ўз миллати ҳақида фикрлари шундай: ҳеч бир нарса бизни дунёга дастурхонимизчалик машҳур қила олмайди – деган. Савол, бу қайси миллат?

Тасканиялик машхур хайкалтарош Жони Гонелли уз хайкалларини коп-коронгу ертула ясар экан. Савол: Хайкалтарош нима сабабдан ер тулада ижод қилган?

328-савол. *Наманган шаҳар Чархий кучаси 78-уйдан Холдорев Мадамин.*

Тундрада, умуман шимолда асосий транспорт - бу бақувват бугулар.

Узок ва хавфли экспедицияларга эса ит қушилган чаналарда юришади. Савол: нега узок сафарларда бугу эмас, итлардан фойдаланишади?

329-савол. *Бухоро вилояти Жондор тумани Ибн Сино фермер хужалиғидан Усмон Розиков.*

Турмушда сиз билан биз хар куни унга дуч келамиз. қурилиш стандартига мувофиқ у хонада 15 кишидан ортик киши ишласа ё яшаса, албатта бошқача қуринишда булиши керак. 15 кишига етмаса аксинча булиши мумкин. Савол қандай стандарт хақида гап кетмоқда?

330-савол. *Эркабоев Худойкул. Булунгур тумани Х.Олимжон ж/хдан.*

Мархамат "Заковат" сандикчаси олиб чиқилсин. Сандикчадаги нарсага шоирлар куп ухшатишлар қилишган. Масалан, Шавкат Раҳмон унга Ернинг қонга буялган мушти деб таъриф берган. Савол: сандикчада нима бор?

331-савол. Самарканд вилояти Каттакургон тумани А.Навоий ж/хдан Арслонова Юлдузхон.

Самурайлар мактабига оёк-кули бакуват булган болалар кабул килинган. Мабодо асирга тушиб колса, оёк-кулдан хам бир аъзо зарур булган. кайси аъзо?

332-савол. Тошкент вилояти Урта-Чирчик тумани А.Темур ж/хдан Рамазон Хонкелдиев.

Хиндлар уз зиммасига олган бирор ишини хавф-хатарсиз бажармок учун шу ишни килиб юришади. Хатто Хинд космонавти Раки Шарма фазога кутарилаётганда шу амални килиб олган. Савол бу факат хиндларга хос кандай амал?

333-савол. Тошкент вилояти Тошкент тумани Навоий ж/хдан Хикматилла Тойиров.

17-18 асрларда Лондон кучаларида ёмгирпуш/зонтик/ кутариб юриш хавфли ишлардан бири эди. Негадир зонтикли кишиларни извошчилар ёктиришмас эди. Кимни зонтиги булса арава билан туртиб кетиш, жарохат етказиш холлари жуда куп учраган. Савол нега извошчилар зонтли кишиларни ёктиришмаган?

334-савол. Тошкент шахар Ю-Обод тумани 10-мавзедан Гулбахор Ёкубова.

Германияда 19-асрда шундай конун хукм сурган. Уларни врач, педагог, судья, парламент депутаты булишига хаккилари булмаган. Савол кайси тоифа эркакларда бундай хукук булмаган?

335-савол. Наманган шахри Навбахор кургони 90-уйда Абдувосит Комилов.

Хотамтойдан сурашибди: "узингиздан хам сахий кишини учратганмисиз" - деб сурашганда жавоб килибди. Сафарда пайтимда бир йигитнинг хонадонида мехмон булдим. Унта куйидан биттасини суйиб олдимга пишириб олиб келди. Мен куй гуштининг бир жойидан озгина олиб едим ва ширин экан дедим. Шунда йигит хозир келаман деб чикиб кетиб бир ишни амалга ошириб келдики, унинг килган ишини 500 куй билан тақдирладим. Савол йигит чикиб нима ишни бажарган?

336-савол. Собит Ашуров Бахмал тумани А.Темур ш/хдан.

Виктор Гюго узини куними йук инсон деб биларди. Шу туфайли узини телба куринишларга солиб юрарди. Масалан сочини ярмини олдириб, ярмини олдирмай юрарди ва х.к. Ёзувчи нега бунака ахмокона холатларга узини соларди?

337-савол. Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидан фермер Назрулла Қодиралиев.

каттик курккан одам ярим улик холига тушар экан. Негадир инсон курккан пайтида унга шундай мурожаат киламиз. Савол курккан одамга кандай мурожаат киламиз.

338-савол. Тошкент вилояти Паркент тумани Кумушкон кишлогидан Муаззам курбоналиева.

18-аср охирларида опералар учун махсус заллар курила бошланди. Спектакл 30-40 дакика утиб тухтатилар, 10 дакикадан сунг яна бошланар. Яна 30-40 дакика опера ижро этилиб, тухтатишга мажбур булишар эди. Савол спектаклни 30-40 дакикадан сунг тухташига нима сабаб булган?

339-савол. Қоракалпогистон Республикаси Хужайли туманидан кутубхоначи Раиса Эшниёзова.

Лондонда археологияга, тарихга, этнографияга оид кимматбахо китоблар сакланадиган музей-кутубхона мавжуд. кизиги шу ердаки, китоблар давлат томонидан каттик курикланади. Нафакат угрилардан. Бир хил сарик кийимда юрадиган махсус гурух булиб китобларни химоя килишади. Савол нимадан химоя килишади?

340-савол. *Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани Сайхунобод ж/хдан молия ходими Юнусали Салимов.*

Эрнест Хемэнгуэй кувваи-хофизаси, хотираси паст кишиларни шундай кишилар деб таъриф берган. Савол хотираси паст кишиларни кандай кишилар деб таърифлаган?

341-савол. Француз меъмори Ле Корбюзье "Улар коинотнинг энг катта ва энг яхши асарларидур". Ле Корбюзье нимага бу таърифни берган.

342-савол. *Навоий вилояти, кизилтепа тумани Тошработ ш/хдан Шукрилла Иброхимов.*

Шогирд-чупонлар мустакил булиши учун, яъни хакикий чупон булиб етишиши учун куй бокишдан ташкари жуда куп касблардан хабардор булиши керак. Лекин 2 та касбни мукамал билмаса, уста чупон номини ололмайди. Айнан куйлар билан боглик.

Савол: кайси касбларни мукамал билиш керак?

343-савол. *Хоразм вилояти Хива тумани 2-лицей 10-синф укувчиси Элбек Болтаев.*

Мукимий домла уз шеърларидан бирида ёзганлар:

"У зохида-обид, факиру-бой демасдан, ногахон оёгидан чалиб ерга йикитадиган полвондир".

Савол: шоир Мукимий полвон деб нимани назарда тутганлар. Уша нарса топилса, шеърнинг сарлавхаси хам чикади. Савол тушунарли булса вақт кетти.

344-савол. *Навоий вилояти Кармана шахри А.Темур кучаси 14-уйдан Шерзод Санаев.*

Махмуд аз-Замахшарий уз ҳаётини кузатишлари буйича инсонга таъриф берадилар. "Инсоннинг уша пайтда кузлари гуё бошнинг оркасига жойлашиб олади, нукул оркага карайди. Олдинда ҳеч нарса курмайди.

Савол аллома инсоннинг кайси даврига бу бахони бераптилар?

345-савол. *Камолов Убайдуллахон. Фаргона вилояти Ёзёвон тумани Сойбуи кишлогидан.*

Чилла сузи соф узбекча суз хисобланади. Чилла-бу саратон пайти. Саратон эса биласиз, ёзда булади. Ёз пайтини, чилла пайтини кадим юнонлар шундай номлашганки, бизга маъкул булгани сабаб у суздан хали-хануз фойдаланиб турамыз. Савол чилла юнончасига кандай номланади?

346-савол. Мархамат, "Заковат" сандикчаси олиб чикилсин.

Сандикча ичида бир ракам ёзилган. 1994 йил 1 июлдан бошлаб, то шу бугунгача узбек валютаси(сумнинг) канча ишлаб чикарилгани, якуний раками курсатилган. Муомалага канча сум чикарилганини бир дакикадан сунг бизга айтасиз.

347-савол. *Қумқургон туманидан Абдумумин Эшмуродов.*

Ота-боболаримиз айнан уларда куйидаги хислатлар булса танлаб олишган.

Юввош булса, калласи кичик булса, икки жаг суяги ораси кенг булса, бурун катаги йирик булса, кулоги юпка булса. Савол ота-боболаримиз бундай хислатли нимани танлаб олишган?

348-савол. *Хоразм вилояти Янгибозор туманидан Абдураимова Мухайё.*

Рус шифокори Подвойский, уни дипломсиз, мухрсиз, кабинетсиз ва бепул даволовчи шифокорга ухшатади.

Нимани у шифокорга ухшатган?

349-савол. *Тошкентдан Яйра Шодиева саволи.*

кадимда баликчилар негадур кечкурун овга чикиб эрталаб кайтишган. Нега улар ушбу анъанани бузишган?

350-савол. *Букадан Шариф Эгамбердиев.*

1572 йили 24 августдан 25 августга утар кечаси Парижда, фитна окибатида католиклар протестантларни кириб ташлашди. Савол бу киргин тарихда кандай ном билан аталган?

351-савол. У ерда сичкондан тортиб каламушгача, чучкадан тортиб итгача, юзлаб пашшалар, уз тупроги билан гулдан тортиб, нухот, бугдойгача булган. Савол юкоридаги жонзотлар каерга боришган?

352-савол. У шундай катта комплекс эдики, у ерда спортзал, корт, турк хаммоми, Версаль мехмонхонаси, пальма боги, турли салонлар, кутубхона хам мавжуд эди. Афсуски у комплекс тезда уз иш фаолиятини тухтатишга мажбур булган. Савол XX-аср бошида иш бошлаган кайси комплекс тугрисида гап кетмоқда?

353-савол. Лондоннинг Темза дарёси сохилида бир нечта бинолар мавжуд. Уз вақтида бу биноларда Шотланд кироллари шахарга келган пайтлари вақтинча яшашган. 19-асрга келиб бу биноларга бир ташкилот жойлашди. кайси ташкилот?

354-савол. Айтишларича, 1943 йил ёш француз антифашисти немис харбий кемаларини кузатишга, яъни разведка ишларига ёлланади. Чунки у 10 соатлаб сув ичида суза олар эди. Немислар унинг боши эвазига катта пуллар тикишади. У антифашистнинг исми-шарифи ким?

355-савол. Қадимги Юнонлар байрамларда худолар хайкалларини бош кисмига порлаб турувчи моддалар суришган. Аник кузга ташлансин деган максадда килишган. Савол, купчилик хозир хам куллайдиган бу жараённи Юнонлар нима деб аташган?

356-савол. Улар санъатига пирамидаларни барпо этган. кадимги Миср усталари хам койил колишлари аник. Уинстон Черчилль уларга тенглашимиз учун бироз Эверестни кул билан барпо этмогимиз керак деб айтган. Савол Черчилль кайси курувчиларга бу таърифни берган?

357-савол. Дунёда шундай бир уйин борки, уни монахлар уйини деб айтишади. Эхтиросли (азарт) уйинлар уларга мумкин булмагани учун хам улар шу уйинни уйлаб топишган. Савол монахлар уйини бугун кандай номланади?



358-савол. Кипр газеталаридан бири у жиддий хаста эканлигини ёзади. У деярли бурнидан жудо булган. Чап кузи хам шикастланган. Асосий хавотирлик муттасил буйини ингичкаланиб бораётганида. Олди олинмаса, буйни дош беролмаслигини ёзади. Юкоридаги таъриф эгасини топинг?

359-савол. Бир машхур Америка учувчиси самолётни оптимистлар кашф этишган, пессимистлар уни кашф этишган. Савол пессимистлар кашфиёти нима эди?

360-савол. 1873 йили Ллойд сугурта компанияси дараксиз йуқолган кемалар руйхатини китоб килиб босмадан чикарди. Савол китоб кандай номлана бошланди?

361-савол. Чилилик мактаб укувчиси Нефтали Рейеснинг отаси углини шоир булишига карши эди. Шунинг учун узига псевдоним олади. кандай псевдоним олганини бизга айтасиз.

362-савол. 30 йилча олдин Испанияда бир клуб расман иш бошлади. Бу клубнинг бир канча имтиёзлари бор. Масалан театрларга олдинги катордан билет сотилиши шарт ва х.к. Савол бу кандай клуб?

363-савол. У эр 450 йил илгари дунёга келди. Факатгина 1896 йилдагина дунё микёсида танилди. Унинг чап кули унг тиззасида, унг кули эса орка томонида баланд кутарилган. Савол унг кулида нимани тутиб турибди?

364-савол. Уни ясаш учун лицензияни Чикагодаги кичик бир устахона олган. Уни ясаш учун 3 кун вақт кетади, холос. Нархи хам арзон 200 доллар. Аммо устахона хар йили уни хурсандчилик билан ясаб беради. Савол хар йили эхтиросларни жунбушга келтирувчи кандай нарса хакида гап кетмоқда?

365-савол. *Булокбоши туманидан Бекзод Туракулов.*

Уни Кипрда Василий, Данияда Юлеманден, Норвегияда Юлебуқк, Руминияда Мош Жариле, Швецияда Юм темтен. Савол бизда у кандай аталади?

366-савол. Дастлаб соат ихтиро килинган пайтлари сония миллари булмаган. 17-аср охирига келиб, Жон Флоуэр сония милларини соатга киритади. Савол Жон Флоуэрнинг касби нима эди?

367-савол. Агарда сиз кишда Австралияда бир булсангиз, бахорда Францияда, ёзда Англияда, кузда АҚШда тенгсиз булсангиз, нимага эга буласиз?

368-савол. *Нодира Бозорова Ромитан шахридан.*

У кимёвий махсулотни тайёрлаш учун албатта ош тузи кушилади, чунки нур, ультрабинафша нури утмаса, ривожланиш кам булади. Нурлар тусилиб колмаслиги учун хам унга ош тузи кушиш зарур. Савол кайси кимёвий махсулотига ош тузи ишлатилади?

369-савол. *Фузор туманидан Олтибой Тогаев.*

Бухоро хонлигида Амир Олимхоннинг 5-10 чоглик хизматчилари булган. У аёллар тилло-кумушдан ясалган заргарлик буюмларини уйма-уй юриб сотиш билан шугулланишган. Савол улар нима учун бу иш билан шугулланишган?

370-савол. *Исмоил Нурманов Гурлан туманидан.*

У сиёсий арбобнинг номи бизга лотинчадан утган. Савол элчи маъносини англатувчи суз бизда кандай аталади?

371-савол. *Худойбердиева Чамангул Китоб туманидан.*

Амир Темур, Хисрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб. Юкоридаги инсонларни нима боглаб туради?

372-савол. *Улугбек Қурбонов Урганчдан.*

Кузгу 16-асрда кашф килингунча хар жойда кузгу урнида хар хил нарсдан фойдаланишган. Масалан, Урта Осиёда бир булак кумуш парчасини тарошлаб, сайкал бериб пардоз ашёсига айлантиришган. Лекин кузгу ёнида албатта бир идишда сув турган. Савол сувни кандай вазифаси бор булган?

373-савол. *Пастдаргом туманидан Нуркулов Абдугофир.*

Утган йили Англиянинг Кармонсити шаҳарчасида бир мусобака булиб утди. 50-март утказилди. Зални тулдириб утирган конкурсантларга факат сахнада уз махоратларини курсатиш талаб этилади. Генри Форд, Жон Рокфеллер, Теодор Рузвельтларгача бу соҳада қобилият соҳиб булишган. Ташкилотчилар ҳазиллашиб, факат бизнинг конкурисимиздагина муҳлисларга қарата шу ишни қилишади. Савол бу кандай конкурс?

374-савол. *Сариосиё туманидан ~айбуллаева Гулшода.*

Амир Темур лашкарлари жанг пайтида темирдан, жездан ясалган совутлар қийиб юришган. Айтингчи, нимага бу совутларда майда-майда тешикчалар булган?

375-савол. *Бухоро шаҳридан Муталлиб Қурбонов.*

Дунёнинг жуда қуп давлатларидан ташриф буюрувчи туристлар, Бухоронинг уста-хунармандлари растасини айланишини хуш қуришади. Улар соатлаб зардузларни, темирчиларни, қулолларни иш жараёнини томоша қилиб утиришади ва улар завқ билан томоша қилишади. Лекин негадур кунчилар, тери ошловчилар олдида узок туришмайди. Савол нима сабабдан?

376-савол. *Самарқанд вилояти Тойлок туманидан Шарофиддин Норкулов саволи.*

Тугилиш коэффициентини буйича Кения давлати дунёда 1-уринда турар экан. Савол: охирги уринда қайси давлат туради?

377-савол. *Нигора Мухитдинова. Наманган шаҳар Олмазор маҳалласидан.*

Халқимизда деворни ҳам қулоғи бор деган нақл бор. Ҳаётимизнинг бир жабҳасида деворда қулоқ борлигини гувоҳи буламиз. Бир эмас, бир нечта қулоқлар борлигини қуриб турамыз. Савол: кандай девор хусусида гап кетмоқда?

378-савол. *Шаҳрисабз шаҳридан Буриева Хосият.*

Утган асрнинг машҳур бир рассомининг исми қуйидагича: Диего Хосе Франциско де Пауло Хуан Непомукено Криспин Криспиано ла Сантисима Тринидат Руиз. Ушбу

исми шариф тулик булиши учун яна 2 та ном зарур. Уни бир дакикадан сунг сиз бизга айтасиз.

379-савол. *Пискент туманидан Беғалиев Турсунбой.*

20-аср бошларида киностудияларга актёрлар номига хатлар келарди. Негадир кимгалиги аниқ ёзилмасдан, "муйловли кишига, сарик костюмдаги актёрга, жингалак сочли гузалга" деб манзилига ёзиб куйиларди. Савол: нега мухлислар уларни номлари билан атамас эдилар?

380-савол. *Жондор тумани Охунбобоев ж/хдан Мунаввар Жумаева.*

Орангизда ким Хитойда булган. Хитой кучаларидаги энг чиройли жойларда шириндан-шакар болакайларни расми илиб ташланган. Негадир хамма шунака расмларда бир ракам ёзиб куйилган. Савол: кайси ракам нимага ёзиб куйилган?

381-савол. *Урганчлик Санъат Жуманиёзов.*

Бу орол - давлат гербида "хар томондан минг миля" деган ёзув бор. Хакикатдан хам бу оролга кайси томондан булмасин 1000 миля юрасиз. Савол: Франция молия вазири номи билан аталувчи бу кайси орол-давлат?

382-савол. *Бухоро шахридан Абдуллаев Файратдан.*

Қадимги Юнонистонда хам айрим иероглифик белгилар булган. Халигача ишлатиладиган бир белги бор. Юнончада худо узи асрасин деган. 1 дакика ичида бизга хозирги врачлар ишлатаяпган белгини чизиб берасиз.

383-савол. *Бадриддин Зайнитдинов. Янгийул тумани Эски ковунчи кишлогидан.*

Тиббиётда иммунитет ибораси кандай маъно англатиши сизларга маълум. Тасаввур килинг, қадимги Римдасиз. Дейлик, мен Рим лашкарбошисиман. Хабибулла лашкар. Хабибулла! Эштаман демайсизми? Сизга мен иммунитет эълон киламан. Савол лашкар Хабибулла нимага эга булди?

384-савол. *Зафар Усмонов Шайхонтохур тумани косимов кучаси 5-уйдан.*

Қаршингизда 8-9 аср мугул фукарolari турибди. Уларни диққат билан кузатинг. Улар бир-бирларини хидлашади. Савол улар бу билан кандай амални бажаришди?

385-савол. *Абдували Каримов. Бахмал тумани Тонготар ш/х.*

Алишер Навоий хазратлари "Махбуб-ул-кулуб"да ёзганлар:

Кимлар билан булсанг шулардексан,

Улар ёмон булса, сен хам яхшисан.

Яхши булса сен хам яхшисан

Яхши бул, ёмон бул зинхор буламан дема.

Савол нима буламан дема?

386-савол. *Самарканд вилояти Тойлок тумани Бачки кишлогидан Хасанов Жуман.*

У бешта равон йулнинг уз қалити бор. У йулга белгиларни хохлаганча куйишингиз мумкин. 3-4 аср илгари куйилган белгилар бугун хам гализсиз уқилмоқда. Нима уқилмоқда?

387-савол. *Тожиев Учкун. камаши тумани Учтепа кишлогидан.*

Данияликлар бир иборани кайтаришни яхши куришади. "Бизда иклим ҳам, табиат ҳам, бойлик ҳам, ер ҳам етарли. Аммо шведлар бир нарсада биздан кура омадлироқ, уларда 4 та булса, бизларда бор-йўги битта. Савол Данияликлар нималари битта эканидан афсус чекишмоқда?

388-савол. *Абдугофур Норкулов Пастдаргом тумани Маллаев ш/хдан.*

Лувр музейи ходими профессор Франсуа Гранье буюқ рассомлар асарларида образлар кул харакатларига катта эътибор берганлигини урганиб чиккан. Масалан, кул кафтини юкорига кутариш диккатни узига тортишни, 2 бармокни юкорига кутариш мухим гапни айтишини билдирган. Агар образ бир кулини юзига куйиб турса, уни бембрлигидан далолат, кул белда булса у узига ишонган одамни ифодалаган. Сизларга саволим шундай, мана бундай холатдаги образнинг куллари нимани ифодалайди?

389-савол. *Турсунпулат Дехконов. Ғазалкент шахридан.*

Фалончи сиз ҳаётингизда совга олганмисиз. Купроқ сизга нима совга килишган. Франциянинг Монд журнали ҳукумат раҳбарлари бир-бирларига купроқ нима совга килишини татқиқ этибди. Ҳукумат бошлиқларига уз мамлақати тарихига оид адабиётлар, кулёмалар совга килишар экан. Ундан сал купроқ тилла соат, занжир, олмос, ёкут каби кимматбаҳо металллар совга килишар экан. Лекин куп холатларда раҳбарлар бир-бирига шундай совга тортиқ килишар эканки, бу совга раҳбарларга хос тушунилади. Савол бу қандай совга?

390-савол. Қадимда подшо ва хон саройларига сартарош ва ошпаз танлаш мухим ишларда бири булган. Улар табиати тоза, озода, уз ишининг устаси булиш билан бирга оиласи ҳам талабга жавоб бериш керак булган. Бой ё камбағал оила рол уйнамайди. Савол подшо сартароши қандай оиладан чиккан булиши талаб этилган.

391-савол. *Илхом Беркинов. Жиззах шахри Фориш тумани Банд посёлкасидан.*

Леонардо да Винчи ёзган: "У урмон фарзанди хисобланади. Уни ота-онасидан ажратиб олишгач, ишлов бериб узгартиришгач, яна аждодлари бағрига, урмонга кайтади. Аммо энди уларга душман булиб кайтади".

392-савол. Ривожланган мамлақатларда телефон китоблари мавжуд Тошкентда ҳам пайдо булиши арафасида бу китоб. Уша китобдан дейлик сизга адвокат ё шифокор керак. Марҳамат, хохлаганча топилади. Лекин айрим адвокат ё шифокор манзили сарик ранг билан ажратиб куйилади. Савол нега телефон китобида айрим хизмат курсатиши восита сарик ранг билан ажратилади?

393-савол. XX-асрнинг энг бой кишиларидан бири Аристотель Онассис катта молиявий музокаралар пайтида қадимги Хитой хоконлари учрашувларда фойдаланган усулни ишлатган. Уз фикрини тулик баён этишда, хамсубатини билишда бу усул катта ёрдам берган. Савол: у музокараларда қандай усул куллаган.

394-савол. *Тиллабоева Ойсафар. Жиззах тумани Х.Олимжон ж/хдан.*

Уруш, жангу-жадаллар чуқур тактикани талаб этади. қадимги Миср, Рим, Юнон лашкарларидан тортиб, А.Темур, Шайбонихон, Наполеондан тортиб Гитлер

армиясигача кушинни бир хил рангда кийинтириш катта ахамиятга эга булган. 1-чидан кушиндаги интизомни, тартибни белгилаган. 2-чидан ракибдан ажралиб туриш булса, 3-дан бир хил рангда жангга киришган армиянинг яна бир ютуги булган. Савол кандай ютуги?

395-савол. *Хакназаров Яраш. Сирдарё тумани Богаро махалласидан.*

Уни араблар курсуф, кадимий Мисрликлар Корсизион, Хитойликлар Кусань деб аташган. Европа эса бу нарсадан бир оз кейинрок вокиф булган. Негадир аввал бошда у Европада Баромитц ёки дарахт кузиси деб аталган. Савол: бизда у кандай аталади?

396-савол. *Наманган вилояти Туракургон тумани Сохилобод ш/хдан Тургунов Хабибулло.*

"Заковат" интеллектуал уйини у нарсадан чексиз миннатдор. У нарсадан Ватикан давлати хар йили энг ками 50 млн. долларлик сотади. Михтенштейн давлати даромадининг бир кисми хам айнан уша нарсанинг савдосидан келиб тушади. Савол: "Заковат" уйинига ижобий таъсирини утказиб келаётган кандай нарса суралмоқда?

397-савол. Фуркат Қурбонов сиз А.Темур лашкарлари амалдорларидан бирисиз. Сизни олдингизга лашкарлар навбатма-навбат кириб, муштларини курсатишади. Савол нега хамма лашкару-аскарлар сизга муштларини укталиб чикиб кетишади. Уйлаш учун бир дакика мухлат. Вакт кетти.

398-савол. *Хоразм вилояти Янгибозор тумани Богалон кишлогидан Шахло Шомуродова.*

Финляндияга бориб келганларнинг айтишича, агарда сиз бир ерга тош отмокчи булсангиз, тош кидириб овора булманг. Чунки у ерда тошдан хам сероб нарса бор. Бемалол уни улоктиришингиз мумкин. Савол: нимани улоктиришингиз мумкин?

399-савол. *Навоий вилояти Нурота шаҳри Бахор кучаси 31-уйдан Самиева Раъно.*

Амир Темур бобомиз хар бир лашкарга хам, пиёда навкарга хам биттадан от берар эди. Отлик лашкаргаку маълум, пиёдага-чи? Пиёда аскар отни нима килади? Вакт кетти.

400-савол. *Явмутов Озодбек. Олот тумани Пахтакор ж/хдан.*

Рим лашкарбошилари узлари билан катта-катта жангларга хайкалтарошларни хам олиб юришган. Урушда мардлик курсатган жангчи ё зобитни рагбатлантириш максадида уларнинг хайкали ясалган. Бир хайкал яшашга бир неча хафта ё ой зарур. Улар бир ё икки кунда хайкални тайёрлашган. Савол: хайкалтарошлар бу ишни кандай уддалашган?

401-савол. *Шухрат Ёвмиддинов. Тошкент шаҳар Уч тепа тумани Мардлик кўчаси 35-уйдан.*

Италиянинг пойтахти Рим жуда қадимий шаҳарлардан саналади. Рим ҳақида жуда кўп таърифлар келтирилган. Ёзувчи Данте Алигьери “Илохий комедия” асарида Рим сўзида муҳаббат яширинганини исботлаб берган. Фурқат жамоангиз билан бир дақиқадан сўнг Дантенинг хулосасини бизга изоҳлаб берасиз. Вақт кетти.

402-савол. Англияда биласиз, қуюқ туманлар тушиб йўлларда автомобил бошқариш қийин бўлиб қолганда, жуда кўп йўл транспорт ҳодисалари рўй беради. Энг

қизиғи автомобиллардан ҳам ҳайдовчилар кўп жароҳат олишлари кузатилади. Икки қарама-қарши автомобил бут-бутун, аммо ҳайдовчилари касалхонада. Айтинчи, улар қаерларидан жароҳат олишади?

403-савол. *Мансур Қиличев. Қорақалпоғистон республикаси Нукус шаҳри Бекпўлатов кўчаси 20-уйдан.*

Марҳамат, қадимги Бобил расмли ёзувлари олиб чиқилсин.

1-суратда кўз ва сув тасвирланган. Бу йиғи маъносини билдиради.

2- суратда қуш ва тухум тасвирланган. Бу кўпайиш, туғилиш маъносини англатади.

3- суратда юлдуз ва сув тасвирланган.

3- суратни маъносини бир дақиқадан сўнг сиз топасиз.

404-савол. *Комилжон Қаршиев. Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Оқтош қишлоғидан.*

Қўшработлик миришкор деҳқонлар тарвуз пайкалида пишаётган тарвузларнинг ёнига кичкина идишчаларда сув солиб қўйишар экан. Айтинчи, нима мақсадда бу усул қўлланилади?

405-савол. *Тўхтасин Раҳматуллаев. Андижон вилояти.*

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин.

Азалдан шарқда аёллар эркакларга ўз ҳурматларини изҳори сифатида сандиқчадагини 1-чисини яшашган. Эркаклар ҳам аёлларга беэътибормасликларини, қолаверса аёллар олдида ўз ҳокисорлигини билдириб 2-чи нарсани фақат эркаклар яшашган. Сандиқча ичидаги ҳар иккала нарсани, иложи бўлса ўта аниқликда топиб айтинг.

406-савол. Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчадаги предметни шоир Қайсин Қулиев бир шеърда у марҳамат қилса олма еярсан, бўлмаса қон яларсан – деб таъриф берган. Уни ҳаракатга келтириш учун тўрттаси ён томондан, биттаси тепадан босиши лозим. Буни қарангки, фақат предметни тўрттаси ён томондан, биттаси тепадан босиб турмаса у ҳаракатга келмайди. Қ.Қулиев “Адигейлар” достонида ўхшатган предмет сандиқча ичида турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

407-савол. Экрэн орқали.

20-аср 70-йиллари япон журналистлари узоқ-узоқ оролларга хизмат сафарлари уюштиришганида, ёлғиз боришмаган. Ўзлари билан яна бир неча ёрдамчилар, таҳририят ходимларини ҳам олиб кетишган. Мен ҳозир улар ёнида турибман. Бир дақиқадан сўнг менинг шерикларим номини топинг.

408-савол. Умида Расулова. Тошкент шаҳридан. япон шеърини мухлиси.

Япон шоираси Идзуми Сикуби бир неча ой давомида, ҳар ойда биттадан хокку ёзиб борган. Сизга биринчи ойда ёзган биринчи хоккусини ўқиб бераман.

Умид ўрнини ҳақиқат эгаллаб

Бирдан ҳаётга ҳавасим

Ва ҳавотирим ошди.

Сезган бўлсангиз, шоира умиди ҳақиқатга юз бурган. Савол эса қуйидагича, Идзуми Сикуби ҳаммаси бўлиб шу мавзуда нечта шеър битган?



409-савол. *Латофат Ўрмонова. Навоий шаҳар Лоҳутий кўчаси 98-уйдан.*

Гарчи Франция Республика саналса ҳам, монархия эмас, 50 франкли пул купюрасида шаҳзода тасвирланган эди. 1999 йилгача бўлган маълумот албатта. Айнан шу 50 франкдаги купюрада шаҳзодадан ташқари ўрта яшар бир инсон ҳам тасвирланган эди. Бу киши том маънода шаҳзоданинг отаси эди. Сиз менга айнан шу ўрта яшар кишининг исм-шарифини топинг.

410-савол. Интернет саволи. *Гавҳар Бойқулова. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар Баҳор маҳалласидан.*

Леонардо да Винчининг “оқ сувсарли аёл” асарида ҳайвон мўйнасини елкасига ташлаб олган аёл тасвирланган. Леонардо да Винчи даври аёллари уни нафақат чирой ёки бойликни кўрсатиш учун тақишган. Ҳатто камбағал аёллар ҳам арзон-гаров мўйналардан бўйинларига ташлаб юришган. Хўш, мўйналарни чиройдан ташқари яна қандай вазифаси бўлган?

411-савол. Зуфар Ортиқов. Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Аваз Ўтар ж/хдан.

Сизларни жамоангиз овчилар тўғрисидаги саволларни хуш кўришади. Хусусан, Ф.Қурбонов.

Фурқат тасаввур қилинг, сиз мўйнали ҳайвонлар овловчи овчисиз, тасаввур қилдингизми? Энди сизга шундай савол: Йилнинг қайси пайтида сиз уларни кўпроқ овлайсиз.

412-савол. Қуйидаги ўхшатишни тингланг: Йўл очишда менга тенги йўқ. Нафақат йўл очаман, мен уни ҳатто ейман, у менга керак, мен унга керакман. Табиатдаги бир ҳодиса туфайли мен уни бир оз ўз ҳолига қўйиб юқорига чиқаман. Йўқса мен уни еявераман, еявераман. Юқоридаги таърифни ечилиши учун 2 та ном зарур бўлаяпти. Савол эса қуйидагича, юқоридаги монолог қайси жонзот номидан айтилганини топинг.

413-савол. 1998 йили Францияда бир соҳа ташкил этилганининг 100 йиллигига бағишлаб бир оригинал китоб чоп эттирилади. Бу аниқ бошқа китобларга ўхшатмаган, бу ҳам ўша соҳа кишилари фаолиятига боғлиқ. “Уста ва Маргарита” асари персонажи Воланднинг бир фразаси бежизга бу китоб учун эпиграф қилиб олинмаган. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг ўша машҳур эпиграфни, Воланд фикрини топинг.

414-савол. Бир қурилиш маҳсулотини 638 йили Ҳалифа Умар томонидан Басра шаҳридан ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Савол: қайси қурилиш маҳсулоти сўралмоқда?

415-савол. Достоевский асарларини экранлаштириш жуда оғир эканлигини, унинг асарларини экранлаштираётган кинорежиссёрлар айтишади. Бунга сабаб, Достоевскийни олдин яшаганида деб бир фамилияни айтишади. Савол: кимдан олдин яшаганида дейишади?

416-савол. 1837 йили Францияда кашф этилган бу манбаа, япон тилида Тендза деб аталади. Тен-нуқта, дза-ҳарф. Савол: у қандай манбаа?

417-савол. *Сарвар Абдужалилов. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри Иванова кўчаси 15-уйдан.*

Файласуфлар фикрлари анчадан бери ўйналмаяпти. Шарқ файласуфларидан Бузрукмеҳр айтади: Насиҳатгўйлар менга хўп насихат қилишди, аммо мени энг зўр насихатгўйим удир деб айтган. Сезган бўлсангиз у қайсидир тана аъзосига ишора қилган. Бузрукмеҳр фикрича, энг доно насихатгўй нима экан?

418-савол. *Мухтор Акмалхўжаев. Тошкент вилояти Бўка тумани А.Темур ш/хдан.*

19-асрда яшаб ижод қилган италиялик рассом аёл Вера Анколини, ўз асарларига қуйидагича имзо чеккан:

Ҳақиқийлигига кафолат бериб, Вера Анколини – деб. Айтингчи, нега бу хилда имзо қўйган.

419-савол. “Заковат” сандиқчаси.

Веналик ихтирочи Роберт Адлер уни 1950 йиллари ихтиро қилган. Патент бериш ҳайъатидагилар у ихтирони ҳайрат билан қабул қилиб, негатур унга дангаса деб ном қўйишади. “Заковат” студиясида ҳозир Адлер ихтиро қилган дангасалардан аниқ 4 та бор. Савол: сандиқчада нима бор?

420-савол.. *Сарвар Абдужалилов. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри Иванова кўчаси 15-уйдан.*

1971 йилда чоп этилган Ўзбекистон энциклопедиясида герман қабилалари ҳақида ғаройиб маълумот берилган. Қадимги герман халқлари фақат кечаги куни ва бугуни билан яшашган, улар келажаги, эртанги куни ўйлашмаган. Балки ўйлашгандур, аммо келажаги ҳақида гапира олишмаган. Савол: шундай нега бу халқлар келажаги ҳақида гапира олишмаган?

421-савол.. Ҳурматли билимдонлар, азалдан табиблар бир тоифа беморларни отга боғлаб қўйиб даволашган. Йиқилмаслиги учун боғлаб қўйишган ва отни елдиришган. Узоқ йиллар шу даво усули билан минглаб кишилар тuzалган. Саволим эса қуйидагича, қадимда қўлланилган бу муолажа ўрнида бугун қайси даво усулидан фойдаланишади?

422-савол.. *Ҳусниябону Рустамова. Тошкент шаҳридан.*

Янги йил куни бўлиб ўтган ўйинда энг кўп ижро этилган куй қайси деган саволдан илҳомланиб, қуйидагича саволни йўллаяпман. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи қайси мавзудаги савол: Нима? Қаерда? Қачон? ўйинида қайта-қайта берилган?

Вақт кетти.

423-савол.. *Б. Бурда ўзининг севимли амплуасида савол жўнатган. Немислар ишлаб чиқарган маҳсулотлар энг сифатли ҳисобланади. немислар орасида севимли ибора бор. Блюмен кафе деган. Бу гулли қаҳва дегани. Гулдан кофе олиб бўлмайдир дерсиз. Сиз ҳақсиз. Аммо Борис Бурда сўрамоқда, немислар ичаётган кофеларини қачон Блюмен кафе деб аташади?*

424-савол.. *Ҳафиза Улуғбоева. Фарғона шаҳар Юсупов кўчаси 29-уйдан. Уй бекаси.*

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичидаги зарур предметга жуда кўп таърифлар берилган. Масалан, япон драматурги Рюнеске

Акутагава у билан ўта жиддий муносабатда бўлиш кулгили, енгил-елпи, аҳамиятсиз нарсадек қараш эса ҳавфли. Биз бу предметни сандиқча ичига солиб чиққанмиз. Сандиқчада нима бор?

425-савол.. *Борис Бурдадан* олий лига ўйинлари учун 5-6 та савол олдиқ, шулардан бири.

Марҳамат, Репиннинг “Турк султониға хат ёзаётган казаклар” сурати олиб чиқилсин. Илья Репин бу суратни чизиш учун, уларни ҳаётларини яхши ўрганган экан. Халқ тўпланиб, онда-сонда бир машғулот билан шуғулланиб турган. Буни ўртадаги ярим яланғоч одам мисолида ҳам исботлаш мумкин. Чунки у машғулот пайтида албатта бир одам ярим яланғоч ўтириши талаб этилган. Ҳурматли билимдонлар, энди саволни эшитинг, хат ёзишдан аввал улар нима билан машғул бўлишган, ўртадаги одам нега яланғоч ўтирибди?

426-савол.. Ўтган йили Франциянинг Марсель шаҳрида “Одам олам кўрки” мавзуида кўргазма ташкил этилган эди. Бир бўлимдаги предметлар кўпчиликни қизиқтириб қўяди. охир-оқибат бу экспонатлар нима учун қўйилганлигини билишгач, ташкилотчилар фантазиясига қойил қолишган. Биз ҳам сизни олдингизга ўша экспонатларни олиб чиқамиз. Марҳамат алфавит, бир бокал шарбат, най. Бир дақиқадан сўнг биз ташқаридан яна бир экспонатни олиб кирамиз. Яхшилаб ўйланг ва айтинг, биз нима олиб кирамиз.

427-савол.. *Азизбек Жуманов. Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Қиличбек қишлоғидан .*

Ҳурматли билимдонлар. Тасаввур қилинг, сиз мени ҳурмат қиласиз. Ё ҳурмат қилмайсизларми? Жим бўлиб қолганинглардан ҳайрон бўлаяпманда. Бир оғиз сўз айтмай ҳам сиз менга ҳурмат билдиришингиз мумкин. Буни устига сиз менга соғлиқ ва бойлик тилашингизни ҳам билдириб қўясиз. Тўғри буни исботловчи воситалар олдингизда йўқ, ташқарида турибди. Яхшилаб ўйлаб кўриб айтинг, бир дақиқадан сўнг ташқаридан нималарни олиб кирамиз.

428-савол.. *Алишер Тошбоев. Норинлик мухлисимиз. Наманган шаҳардаги 21-умумтаълим мактаби тарих ва ҳуқуқ таълими муаллими.*

Оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, 2007 йили Рим папаси Бенедикт 16-ни ташаббуси билан Милан шаҳрида мўъжазгина ибодатхона қурилди. Очилиш маросимида шахсан Ватикан раҳбарини иштирок этишига 2 та сабаб бор эди. 1-чидан бу лойиҳа Рим папасиники бўлиб, Ватикан давлати қуриб берган бўлса, 2-чидан бу мўъжазгина ибодатхонадан фойдаланувчи диндорларга чуқур ҳурмат белгиси эди. Ибодатхона ичида биронта ҳам устун йўқлиги ва кириш-чиқиш эшиклари силлиқ ёғочдан бунёд этилганлиги диққатга сазовордир. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи бу ибодатхона зиёратчилари кимлар бўлган?

429-савол.. *Наманган шаҳар 21-умумтаълим мактаби тарих ва ҳуқуқ таълими ўқитувчиси. Алишер Тошбоев Нориндан.*

Фалончи! Агар сизга булоқ сувини ёки ботқоқликда тўпланган сувни ичиш учун таклиф қилишса, сиз ҳам бошқалар ҳам албатта булоқ сувини танлайди. Ботқоқликдан олинган сувни булоқ сувидан устун қўювчи бир соха кишилари бўлган. Ҳурматли билимдонлар, сиз бир дақиқадан сўнг бу касб эгалари ким эканлигини ва нима учун ботқоқ сувини маъқул қўришганлигини топиб айтасиз.

430-савол.. Фалончи! Мабодо касалланиб қолсангиз, нима муолажа қиласиз. Дори-дармон истеъмол қиласиз. Итлар оддий ўт еб ўзини даволайди, айрим қушлар ўзларини клизма қилиб даволашади. Балиқлар ҳам мазаси қочса, сувни ичидан чиқмаган ҳолда албатта шундай бир жойни қидириб қолар эканки, ўша жой уларни дардига шифо бўлар экан. Айтингчи, денгизда балиқлар касалланса, қаерда даво топишади?

431-савол.. *Мадина Шовқиддинова. Бухоро шаҳар Темирўлчилар туманидан.*

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Қадимдан денгизчиларда энг катта муаммо бу ичимлик суви заҳираси бўлган. Кўп ҳолларда ўзларича денгиз сувини чучуклаштириш услубларини ҳам топишган. Масалан, юнон денгизчилари кемада қоплаб қум олиб юришган. Мажбурликдан денгиз сувини олиб ичига бирон соат қум солиб кўйилса, сувни шўрлиги пасайган ва уни истеъмол қилиш мумкин бўлган. Худди шу мақсадда шимолий кутб денгизчилари ўзлари билан сандиқчадаги предметни олиб юришган. Савол шундай, сандиқчада нима бор?

432-савол.. Фалончи! Товуқ паррандами, даррандами ё қушми? Қушми ё паррандами? Дарранда эмаслиги аниқ. Майли, нима бўлгандаям, у фойдали жонзот. Япон олимларини фикрича, у инсониятга 4 та нарса берди. Бир дақиқадан сўнг уни менга санаб берасиз.

433-савол.. “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилин. “Заковат”га савол йўллаш билан бирга, кичик бир адабий жанрга асос солинмоқда. Бир кундалик муаллифлари ёзадилар:

Душанба – Ҳаво очиқ, кун исиб кетди. Биз кечгача уйда ётдик.

Чоршанба – Ҳаво яна чароғон, деярли ёз бўлиб кетди. Биз яна шкафда қолиб кетдик.

Жума – Пайшанба озгина ишлагандек бўлдик, жума – бизга яна иш йўқ. Аҳмоқ бўлиб бир-биримизга термулик кунни кеч қилдик.

Якшанба – О яшасин! Ниҳоят биз кўчадамиз. Пешонамиз қурсин, биз қачон кўчага чиқадиган бўлсак, албатта ёмғир ёғади. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг кундалик муаллифларини хафа қилмасдан аниқ номларини топинг. Савол: сандиқчада нима бор?

434-савол.. Қадимги Шумерликлар инсон тана аъзоларидан бирининг катталигига қараб, соғлом ва бақувватлигини билишган. Бугунги тиббиёт ҳам буни тасдиқлайди. Савол: қайси тана аъзоси?

435-савол.. Қадимги Парфия ҳудудидан топилган тангалар ичида бир учи қирқилган чақалар топилгани кўпгина мутахассисларни ажаблантирган. Сиз эса ажабланмангда айтинг, нега тангаларни бир учи қирқиб қўйилган?

436-савол.. Бобур танқидга муносабатингиз қалай? Кўп ҳолларда сиз танқид қилган одам сиз томондан айтилган, жўнатилган танқидингизни қўшиб чатиб яна ўзингизга қайтаради. Тўғрими? Энди менга айтингчи, Дейл Корнеги танқидни қайси қушга ўхшатган?

.....

437-савол.. Орангизда реклама билан шуғулланувчилар борми? Реклама мутахассислари фикрича, энг яхши афиша – бу энг ишончсиз афиша экан. Савол нега?

438-савол.. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи Хитойда кашф қилинган нимани АҚШ фуқаролари март ойининг 14-чисида байрам қилишади?

439-савол.. Муҳаммад Алида у 2 метрдан ошиқ, гимнастикачи Ольга Корбутда 165 см, Туркиялик энгил вазнли штангачи Ноил Сулаймон ўғлида 1,5 метр ҳам эмас. Савол: бу ўлчовлар нимани билдиради?

440-савол.. Бу машҳур савдо маркасининг бир рекламасида 2 та ўсимлик ёғи, бири юмшатовчи ва яна бири тозаловчи вазифасини бажариши айтилади. Ҳатто қадимги Мисрда ҳам у икки компонентдан тозалаш ва юмшатиш вазифасида фойдаланишган. Сезган бўлсангиз, бу дунёга машҳур савдо белгиси номи 2 та табиий ўсимликдан ҳосил бўлган. Савол: у қайси машҳур савдо белгиси?

.....

441-савол.. Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин.

Сандиқчадаги егуликка бизнинг, яъни савол муаллифининг таърифи қуйидагича: 3 ёшгача уни фарқлашимиз қийин, 5-6 ёшимизгача унга ўйинчоқ мисол муносабат қиламиз. Энг адабий ўхшатишни япон ёзувчиси Харуки Мураками “Қўй ови” романида қилган: “Унинг ораси тўлиқ бўлсаям, очиқ бўлсаям мазаси ўзгармайди”. Ҳурматли билимдонлар, сандиқчада қандай егулик бор.

442-савол.. Александр Дюманинг “45” романи қаҳрамони қария, файласуф Деймоснинг фикрини ёзиб олинг. “Мен 2 та буюк эритмани биламан, 1-чиси тошни эритади, 2-чиси ғурурни эритади. Ҳар иккала эритма номини топинг.

443-савол.. *Зикрилла Холиқназаров. Тошкент вилояти Пискент тумани Тошкент ж/хдан. Физкультура ўқитувчиси.*

Ўзлари спорт мутахассиси бўлганлари учун у кишини спорт тарихи қизиқтирар экан. 1891 йилдан АҚШда баскетбол ўйинидан мусобақалар ўтказила бошланган. Майдонда 2 та жамоа аъзолари ва ҳакамлардан бошқа яна 2 киши ҳам бўлган. Айтингчи, улар майдонда қандай вазифани бажаришган?

444-савол.. Марҳамат, ошхона пичоғи олиб чиқилсин. Ушбу пичоқни Напалеон Бонапарт даврида катта-катта банкетларда ишлатишган. Савол: нега катта базмларда шундай пичоқлардан фойдаланишган?

445-савол.. Бошловчи чиқади: Ўтган 2 та ўйинда осон саволлар билан чиққан эдим. Бу галгиси ҳам осон, бироз ўйлашни талаб этади. Яна қайтариб этаман жуда чуқур кириб кетманглар. Жобир, мени кўлимдаги “Заковат тақдим этади” китобини олинг. Энди ёзиб олинг. Китоб. Гулистон шаҳрида чоп этилган. 2003 йили.

Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг экран орқали қандай кўшиқни қўйиб берамиз. Вақт кетти.

446-савол.. Тиббиёт тадқиқотлари шуни кўрсатганки, бундай инсонларни 2 баробар кўп чивин чақар экан. Яна буларни тана ҳарорати бошқалардан иссиқроқ бўлар экан. Тагин билмадим, ҳозирча орангизда, умуман студия ичида биронтаям бу тоифа инсонларни кўрмаймман. Чунки бундай кишилар бўлса, дарров билинарди, кўринарди. Ҳеч қанақа спиртли ичимликларга боғламанг. Савол: қандай инсонларни бу даврда ҳарорати баланд бўлиб, уларни чивинлар кўп қизиқтиради?

447-савол.. Экран орқали. Эски уй, кўча томони, дераза устидан эшик ўрнатилган.

Бошловчи: Ҳурматли билимдонлар, 19-аср охирларига келиб Ўзбекистонда ҳам, аҳоли уйларига дераза ўрната бошлашган, нафақат уйларга, ҳатто идораларга ҳам дераза ўрнатиб, устидан эшик ҳам ясатишган. Ёрдам бериб шуни айта оламан, бу ўғрилاردан сақланиш учун эмас ёки ичкарини беркитиш учун эмас. Саволим шундай, унда нима учун бу эшиклар қурилган?

448-савол.. Капитан Жак ив Кусто ҳақидаги фильмлардан бирида, у “Каллипсо”нинг бир қисми ҳақида гапириб, “У бизнинг тадқиқотларимиз сабабчиси” – деган ибора ишлатади. Айтмоқчики, кеманинг бир қисми бўлмаса, денгизда илмий иш қила олмаган бўлар эдик – дейди. Савол: қайси кема қисми сўралмоқда?

449-савол.. Белл – телефон, Эдиссон – электр лампочкаси, Форд – автомобил, Ака-ука Люмерлар – кино. Энди саволни эшитинг, бу ерда ким ортиқча?

450-савол.. Чилидаги майя қабиласи билан эскимосларни ҳам ҳаётлари ўхшаш. Иккаласи ҳам денгиз бўйида яшайди. Иккаласи ҳам овчи, чорвадор. Аммо деҳқончилик борасида майя қабиласи устароқ. Чунки эскимослар тундрада яшашади, улар деҳқончиликни эплай олишмайди. Савол: умуман бошқа нарса хусусида майя қабиласидагилар қойиллатиб бажарган бир ишни, ҳунарни, эскимослар умуман билишмайди. Савол: қайси ҳунарни?

451-савол. Онегин ва Ленский ўртасидаги дуэлда Онегин Ленскийни отиб ўлдиради. Агар 2-чи бўлиб отиш ҳуқуқи менда бўлганда, мен ҳавога ўқ узиб хатога йўл қўйишим мумкин бўларди. Аммо менда биринчи бўлиб отиш ҳуқуқи бор эди. Ҳурматли билимдонлар, агар дуэлянтлар олдинма-кетин отишларини инобатга олсак, дуэл кодексига биноан ким биринчи бўлиб ўқ узиши керак?

452-савол. *Таваккал Шодиев. Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Усманий кўчаси 53-уйдан.*

Тасаввур қилинг, 19-аср охирлари Лондондаги ўт ўчириш шаҳобчаси ходимларисиз. Ғанишер, отряд бошлиғи Саидолим ва Зафар сув захираси билан шуғулланади. Саидкамол билан Нозим от-аравани тайёргарлигига жавоб беришади. Асрорга эса махсус унга мос бир вазифа топширилади. Энг масъулиятли вазифа. Айнан Асрорга кўп нарса боғлиқ бўлган. Ҳурматли билимдонлар савол Асрорни асосий вазифаси нима бўлган?

453-савол. *Тўлқин Аълоев. Бухоро шаҳридан. Гид-эксперт.*



Амир Олимхон саройида бир лавозим бўлган, ҳатто унга полковник унвони ҳам берилган. Хонга ундан яқини йўқ. Фақат у хонга орқа қилиб ўтиролган. Савол: уни вазифаси нимадан иборат бўлган?

454-савол. *Шоҳида Тошбекова. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар Светлов кўчаси 33-уйдан.*

Бу савол экран орқали тайёрланган.

Ҳурматли билимдонлар, бу ерда ресторан ходимлари дастурхонни ювишаётгани йўқ. Кўрганингиздек улар дастурхонларни ҳўллаб ёзишмоқда. Албатта ҳўл дастурхонда овқат ейиш бироз бироз ноқулай. Аммо бу ресторанда столларга нам дастурхон ёзишни шароит тақозо этади. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи буц ресторани бошқа ресторанлардан фарқи нимада?

455-савол. Германиялик олимларнинг бир неча йиллик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, янги йил кунлари шамоллаш касали кўпайиб кетар экан. Юпун ҳолда кўчаларга чиқиш ҳоллари кузатилмаган, муздек ичимликлар ҳам меъёрда бўлган, аммо шамоллаш нимани ҳисобигадур кўпайгандан кўпайган. Айтингчи, нимани ҳисобига янги йил кунлари шамоллаш кўпаяди?

456-савол. Япониянинг Мацусиро шаҳридаги меҳмонхоналардан бирида меҳмонларни кўпроқ жалб қилиш учун бир қулайлик жорий қилинган. Унга кўра мижозга меҳмонхона ҳатто қарздор ҳам бўлиб қолиши мумкин. Тасаввур қилинг, 5 кун яшадингиз, кетар чоғингиз, сертакаллуф маъмур минг қуллуқлар қилиб сизга маълум миқдорда пул ҳам берапти. Ҳурматли билимдонлар, бу меҳмонхонада қандай қоида қабул қилинган?

457-савол. Зухриддин Ёвмиддинов. Учтепа тумани Мардлик кўчаси 35-уйдан.

Маълумки регби ўйинида 15 тадан ўйинчи иштирок этади. Тасаввур қилинг, мен ўйин ҳакамиман. Ўйин пайтида ҳавода тўртбурчак ясаб бир ҳаракатни кўрсатаман. Бу ҳаракатни ўйинчилар ҳам, томошабинлар ҳам яхши билишади. Регби ўйини ҳакамнинг ўйин пайтидаги бу ҳаракатидан қандай маъно ясаш мумкин?

458-савол. Уч қаторли япон хоккуси

Уйим деворида сеникига

Кўшилган, менинг ҳам

Қоним ўлиб ётибди.

Қон ўлмаслиги мумкин, аммо хоккуда мумкин. Диққат савол юқоридаги япон хоккуси муаллифи кимга ёки нимага мурожаат қилмоқда?

459-савол. Болалар ўйинчоқлари тасвирланган суратлар олиб чиқилсин. Қуйидаги суратга диққат қилинг, бу болалар ўйинчоқларини яна узоқ давом эттириш мумкин. Айтингчи, тахминан чизилган бу ўйинчоқлар кетма-кетлигини қаерда кўришимиз мумкин?

460-савол. *Турғун Одилхонов. Наманган вилояти Уйчи тумани Мевазор кўчаси 16-уйдан.*

Ярим тунда сариқ либосдаги хитой роҳиби талабалар ухлаётган хонага кириб келади. Бир талаба тепасида тўхтади. Кейин бошловчи: Ҳурматли билимдонлар тасаввур қилинг, биз будда роҳиблари тайёрлайдиган ибодатхоналардан бирининг

талабалар дам оладиган хоналаридан биридамиз. Айрим ҳолларда устозлар ярим тунда талабалар ухлаётган хоналарга киришган. Ширин ухлаб ётган талаба тепасига келиб... Айтингчи, ҳурматли билимдонлар бу роҳиб-устоз ярим тунда талаба тепасига нима сабабдан ташриф буюрди деб ўйлайсиз. Вақт кетти.

461-савол. *Мансур Бўриев. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Кенжаев кўчаси 19-уйдан.*

1600-1610 йиллар орасида Францияда 2000 дан ошиқ зиёли ва ҳарбийлар нобуд бўлишган. Улар орасида биронта ҳам деҳқонларни ё ҳунармандларни йўқлиги диққатга сазовор. Савол: нега 2000 дан зиёд шахидлар орасида деҳқонлар йўқ.

462-савол. Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Хитойликлар тасавурида осмон ярим шар, яъни қозон шаклида, ер эса тўртбурчак шаклида бўлган. Сандиқчада нима борлигини юқоридаги сўзлардан хулоса ясаб топишга уриниб кўринг. Ёрдам тариқасида шуни айта оламан, сизлар уни жуда яхши танийсизлар. Савол: сандиқчада нима бор?

463-савол. Бедана деликатес таом сифатида на фақат шарқ ошхонасини, ғарбни ҳам эгаллаган. Овқатни сархилини истеъмол қиладиган французлар беданани уч хил сифатдагисини истеъмол қиладилар. Энг паст нархда фермаларда боқилган беданалар нархланади. Айнан табиий ҳолатдагисини яна икки турга бўлинади. Сифатли ва ўта сифатли турларга. Савол: сифатлиси қанақа, ўта сифатлиси қанақа?

464-савол. Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин.

Биз ўзбеклар сандиқчадаги егуликни анъанавий усулда тайёрлаймиз, яъни кўриниши нуқтаи-назаридан. Аммо у ўз номи билан шарсимон бўлиши керак. Французлар ва немислар уни ўз номига монанд қилиб тайёрлашади. Бизда ҳам анъанавий кўринишидан бошқа турлари ҳам мавжуд. Сандиқча ичида номи шарни англатувчи егулик турибди. Айтинг, сандиқча аниқ нима бор?

465-савол. Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичидаги мосламани диаметри 76,2 мм, қалинлиги 25,4 мм, вазни 140-170 грамм. Бир дақиқадан сўнг уни баланд овозда номини бир неча бор қайтарасиз.

466-савол. Ибтидоий тузуми даври одамида у 18 та, 17-асрга келиб, у 25 тага кўпайди, 19-асрда 47 тага етди. 20-аср бошида 54 та, аср охирида 97 та. Савол: бу рақамлар нимани билдиради?

467-савол. Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчадаги ўсимлик Буюк ипак йўли орқали бизга келтирилган. Ёшлигимизда ҳовлиларда ҳам ўстирилар эди. Ҳозир Ҳиндистон ва Эрондан тайёр қадоқланганлари келгани боис, кўпчилик хорижникини хуш кўришади. Сандиқча ичида ҳам ўша тайёр маҳсулот турибди. Ёрдам бериб шуни айта оламан, орангизда ҳеч ким ундан фойдаланмайди. Савол: сандиқчада нима бор?

468-савол. Яна ўша ўзимиз яхши кўрадиган мавзу, яна ўша манба. У тарихий шахсни айримлар буюк хизматкор, яна айримлар у инсоният учун катта жиноятга бош қўшган дейишади. Яна кимлардур уни салкам авлиё деб санаган. Бу инсон ҳақидаги энг кўп маълумотларни қолдирган киши номини ва албатта у хизматкор ким эканлигини топинг.

469-савол. *Роҳила Устабобоева. Наманган вилояти Учқўрғон тумани Норин маҳалласидан.*

Англияда анча олдин қабул қилинган бу қонун бугун ҳам бекор қилинмаган. Унга кўра сиз билан боғлиқ бирор нохуш ҳолат ҳақида текширув органларига ариза, воқеа содир бўлган куннинг эртасига қабул қилинади. Айтингчи, нега ўша куни эмас, эртасига қабул қилинади?

470-савол. *Нажмиддин Абдулҳафизов. Наманган вилояти Чуст тумани Пахтакор кўча 61-уйдан.*

Араб алкимёғари Жаббор ибн Ҳайян кимё фанига ўзгартириш киритиб, олтин табиатда бу икки элементнинг бирикувидан ҳосил бўлади деб башорат қилган. Ана шундан куёш ва ой алкимёғарлар рамзига айланган дейди. Ибн Ҳайян уларни бири ранги билан ҳам куёшга ўхшашини, иккинчиси ҳам ранги, ҳам вазни билан ойга жуда ўхшаш эканлигини исботламоқчи бўлган. Айтингчи, бу қайси икки кимёвий элемент ҳақида башорат қилган.

471-савол. *Муслимжон Худойқулов. Жиззах вилояти Пахтакор тумани Дўстлик ш/хдан.*

Марҳамат, 2 та товуқ тухуми олиб чиқилсин. Бир дақиқадан сўнг уларни столда айлантириб, қайси бири пишгану, қайси бири хом эканлигини топасиз. Ва нега биттаси узоқ айланмаётганини изоҳлаб берасиз.

472. НБС (ЭН, БИ, СИ) телекомпанияси 1998 йилда 2 та соҳа бўйича Гиннесс рекордлар китобига кирган. 1-дан: Америка футболдан йилнинг финал трансляциясини энг кўп томошабин кўрганлиги билан. 2-рекорд ҳам шу трансляция пайтида рўй берган. Сиз 2-рекорд нимадан ўрнатилганини топинг.

473-савол. Япониянинг Аогасима шаҳарчасида бор-йўғи 200 дан сал ошиқ одам яшайди. Шаҳарча кўчаларида транспортлар ҳам санокли. Шаҳарча йўлларига светофорниям ҳожати йўқ. Аммо шаҳарчада битта светофор мавжуд. Айтингчи, у светофор қаерда жойлашган.

474-савол. *Абдулазиз Ўринбоев. Тошкент шаҳридан қандолатчи-ошпаз.*

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Абдулазизжон, сизлар билан новвот тайёрламоқчи бўлибдилар. Новвот Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларида кенг тарқалган ширинлик ҳисобланади. Қозонга 2 улуш шакар ва бир улуш сув соламиз ва милтиллатиб қайнатиш йўли билан шарбат ҳосил қиламиз. Бироз тиндириб яна қайнатишни бошлаймиз. 2-бор қайнатишдан олдин унга яна бир нарса қўшилади, оз миқдорда. Ана ундан кейин ип тортилиб новвот олинади. Ҳурматли билимдонлар, 2-қайнатишдан олдин оз миқдорда солинадиган маҳсулот сандиқча ичида турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

475-савол. Марҳамат, бир чашка яхши дам емаган чой олиб чиқилсин. Фалончи, сиз С.Петербургга илк бор келишингиз. Мана фалончи уй эгаси, танишингиз. Бир масала хусусида суҳбатлашиб қоласизлар. Меҳмон қизиқиб мезбондан сўрайди, уни ранги қанақа бўлади деб. Мезбон яхши дам емаган чойни

қуйиб унга кўрсатади. Шунга ўхшаш рангда. Энди менга айтингчи, меҳмон нимани рангини сўрайди?

476-савол. *Озодбек Ёмғиров Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғидан (экран орқали).*

Бошловчи Эски шаҳар кўчаларида юради. Айрим эшиклар олдида сув челақлари турганини кўради: Ҳурматли билимдонлар тасаввур қилинг, 19-аср ўзбек маҳаллалариде биродамиз. Айрим эшиклар олдиларида челақларни кўриб ҳайрон бўлишимиз мумкин. Аммо ўша давр кишилари бу ҳолатни тўғри баҳолай олишган. Ҳурматли билимдонлар, челақларни бу ҳолда туриши хонадондаги қандай вазиятни билдиради?

477-савол. Йоглар тилида у Саттвику, раджику ва тамсику деб аталади. Ичида энг фойдалиси саттвику – тана ва қалбнинг мувозанати ва руҳий мададни у беради. Раджику-ҳис-ҳаяжонни оширади, шуни ҳисобига диққатни жамлашга ҳалақит қилади. Тамсику эса ақлий фаолиятни сусайтириб, одамни ҳисларини оғир қилиб кўяди. Савол: Саттвику, раджику, тамсику нима?

478-савол. *Камолитдин Насимов. Наманган шаҳар Уста Маҳмуд кўчаси 66-уйдан.*

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқча ичида бир япон топишмоғининг қаҳрамони турибди. Топишмоқни эшитинг. Бир умр битта кўйлақда яшаб ўтган ичи қорани сиз албатта кўргансиз. Умрини охиригача ичи қоралигича ўлиб кетадиган нарса сандиқча ичида турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

479-савол. У инсонлар орасидан буюк шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, математиклар, артистлар етишиб чиққан. Лекин улардан ҳеч қачон қироллар чиқмайди. Яна бир ҳолат, йўлни кесиб ўтаётганингизда, сизга қарши томондан уларни кўриб қолсангиз, эҳтиёткорликни 2 баробар оширасиз. Бу аниқланган факт. Айтингчи, юқоридаги кишилардан нега қироллар чиқмайди?

480-савол. Интернет саволи.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани Сағбон кўчаси 11-тор 39-уйдан.

Саъдий Шерозийнинг тўрт қатор шеърини эшитинг. Саъдий ўз даврида хажга бориб келган бир амалдор ҳожига нисбатан айтганлари:

Зулм ичра халқ терисин шилган ўшал хожига,

Менинг номимдин бориб икки оғиз сўз дегин.

Сен хожи эмас, балки хожи эрур туянг,

Чунки тикан овқати, кўтарар одам юкин.

Саъдий Шерозий туяга қаноатли ё бардошли бўлгани учун хожи унвони бермаган. Хўш, айтингчи, қайси хизматлари учун муаллиф туяга хожи унвони берганлар?

481-савол. *Мирзабек Жапақов. Хоразм вилояти Гурлан тумани Хоразм кўчаси 18-уйдан. Соткава уй.*

Биласиз, Хоразмда қиш қаттиқ келади. Қарғалар қишда бирон дарахт шохларига гала-гала кўниб тунашади. Айрим мўртроқ дарахтлар шохлари, қишда қарғалар тунаган, баҳорга чиқиб қуриб қолиш ҳоллари кузатилади. Совуқ уриб кетади. Айтингчи, нима учун бу шохлар қуриб қолади?

482-савол. *Ориф Ахмедов. Янгиер шаҳар Феруз кўчаси 24-уйдан. Интернет саволи.*

Германияда 1990 йилларнинг бошларида театрга кишиларни кўпроқ тушиши учун уларга билетга қўшиб бир имтиёз ҳам берилган. Айнан театр билетига қўшиб берилган. Бу билан театрга кўпроқ томошабинни жалб қилиш мақсади бўлган. Айтингчи, бу қандай имтиёз?

483-савол. Азалдан кўчманчи қозоқлар чўлу-сахроларда чорва боқиб кун кўришган. Уларни асосий овқати бешбармоқ эканлигини биласиз. Тайёрланиш қулай ва кўп масаллиқ кўтариб юришга ҳожат йўқлиги учун. Сопол ва чинни идишлар пайдо бўлгунча, улар овқатни ўзлари ясаган лаганга сузишган. Айтингчи, қадимда кўчманчи қозоқлар бешбармоқни сузиш учун лаганни қандай 2 та маҳсулотдан ясашган?

484-савол. БЛИЦ. 19-асрнинг 20-30 йилларида Ҳиндистонни харитадаги ўрнини аниқлаштириш мақсадида бир гуруҳ инглиз олимлари, топографлари ташриф буюришади. Уларга бошчилик қилган шахсни фамилияси бугун ҳам мағрур жаранглаб турибди. Савол: экспедиция раҳбарининг исми-шарифи ким эди?

485-савол. БЛИЦ. Японияда “100 оқ кўзичоқ” деган машҳур эртақ бўлиб, кейинги вақтларда улар дискларда сотувга чиқарила бошланди. Энг қизиғи, уни харидори болалар эмас, айнан бир тоифа инсонлар эди. Савол кимлар?

486-савол. БЛИЦ. Германиянинг машҳур концелерия маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Бергер фирмаси совғалар ўрайдиган махсус скотч ишлаб чиқарди. Айтингчи, оддий скотчдан бу янги скотчни қандай афзаллиги бор?

487-савол. *Орифжон Бобоназаров. Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Пўлатчи маҳалласидан.*

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин.

Сандиқча ичида бир касб эгаларининг маҳсулоти турибди. Улар азалдан файласуфлар тили билан айтилганда, Муқаддас тўрт унсурни ўзларига бўйсундирганлар деб ном олишган. Сандиқчада ўша касб эгаларининг маҳсулоти турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

488-савол. *Дилафруз Ҳамроева. Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Булоқбоши қишлоғидан.*

Тасвирда лашкар кийимида бошловчи чиқиб келади:

Ҳурматли билимдонлар, Абдулғозий “Шажараи турк” асарида тасвирлаган лашкарда, қўнжи баланд этигу, майда тўрли совут, бошда дубулға-ю, белда қилич бўлмоғи даркор дейилган. Лекин “Шажараи турк”да тасвирланган лашкар кўринишига келишим учун ўнг қўлимда подшоҳ, чап қўлимда элчи бўлиши керак.

Ҳурматли билимдонлар, сизлар шошилмасдан ўйланг, лашкарни қўлларидаги нима-ю, бири подшо вазифасин, иккинчиси элчи вазифасин адо этган?

489-савол. *Зоҳид Остонов. Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидан, Қарши Банк коллежи талабаси.*

Чарм камзуллар кийим XX-асрга келиб русум бўла бошлади. Уларни оммалашишига учувчилар хизмат қилишди. Аммо Европада 17-19-асрларда айрим ҳарбийлардан ташқари, ҳеч бир фуқаро чармдан кийим кийишни хоҳламаган. Айнан уларнинг хизмат кийими бўлганлиги учун. Энди саволни эшитинг, улар ким ва нега улар чармдан кийим кийишган?

490-савол. *Абдукарим Ёрбеков. Жиззах вилояти Зомин тумани Бирлик маҳалласидан.*

Ўзбек халқ мақолларидан бирини эшитинг:

Илон қувса ўрга қоч

... қувса гўрга қоч – деган.

Илон ўрга, яъни тепаликка яхши ўрмалай олмас экан, шунинг учун. Мақолни 2-қаторидаги ҳайвон унча-мунчага қувламайди, аммо бир қувиш қилса, жаҳл отига минса ундан қочиш амру маҳол. Аммо қабристонга кириб олсангиз, марра сизники, уни шиддат отидан тушира оласиз. Савол: 2-қатордаги номи келтирилган ҳайвонни топинг.

491-савол. Бу халқ эрамиздан аввалги 201-йилдан бошлаб манбаларда келтирила бошланган. Ривоятларга ишонсак, уларни номланишига бир неча аёллар сабабчи экан. Биз аниқ айтишдан тийилаяпмиз, аслида уларни сони жуда аниқ. Айнан шунча уруғ, шунча аёлдан тарқгани манбаларда аниқ келтирилган. Сиз қайси халқ ҳақида гап кетаётганини топинг.

492-савол. Экран орқали.

Шаҳмат ўйинида оқ доналарда ўйнаган спортчи бир мунча устунликка эга бўлади. Кейинги вақтларда 5 дақиқадан иборат блиц турнирлар ўтказилапти. Тасаввур қилинг, бор-ўғи беш дақиқа ичида ўйинни тугатиш керак. Бундан ташқари, ҳар бир юриш учун маълум бир вақт сарфлаш керакки, бу ўйин натижасига ўз таъсирини ўтказмай иложи йўқ. Иримчи шахматчилар фикрича, блиц ўйинида қора доналар билан ўйнаган шахматчиларда битта ютуқ бўлар экан. Ҳурматли билимдонлар, айтингни қисқа вақт ичида ўйналадиган ўйинида қора донадаги шахматчига қандай аҳамиятга эга?

493-савол. 20-аср бошларида Ўзбекистонга ташриф буюрган Сигизмунд Кржановский деган ёзувчи ўзбек фалсафасини дунёқарашини ўрганиш истагида Бухоро, Тошкент ва Самарқандда бўлади. Сўнгра ўзбеклар феълени қуйидагича таърифлайди: Зангор осмон, ўтов, дўппи кийган чол қўлидаги пиёлада чой ичиб ўтирибди. Ушбу таърифда ўзбекнинг бағрикенглиги ифодаланади. Таърифда



келтирилган деталларни бир сўз билан ифодалайдики, бу ҳақиқатдан ҳам ўзбек миллатининг рамзи деб ҳисобланади. Савол: қандай рамз ифодаланади?

494-савол. Майя қабиласи фуқаролари у учун ҳатто болаларини қурбонликка беришган. Қадимги Хитой аҳолиси у учун аждаҳони ёрдамга чақиришган. Юнон мифологиясида Зевс кулфланган Данас қасрига унинг тилладан ҳосил қилиб киради, шундан кейин Персея дунёга келади. Қадимги мисрликлар худони инсонларга берган мадади, рўшнолигини у билан ҳис қилиб туришган. Диққат савол: юқорида нимага таъриф берилмоқда?

495-савол. У дунёга энг машҳур тўртликни энг хотиржами ва сокини. У ҳақида энг кўп шеърлар битилган. Чунки у илҳомбахшдур. Кимдур уни босиқ деса, яна кимдур сершовқин деб таърифлайди. Ҳурматли билимдонлар, сиз уни номини ва рангини топиб айтинг.

496-савол. Саудия Арабистони фуқаролари орасида шундай гап юради. Гиламни энг қиммати қадимийси ҳисобланса ҳам, энг янги гилам ишончли ҳисобланади. Иложи бўлса охириги ипи узилиши билан сотиб олишса. Айтингчи, нега охори тўкилмаган гиламни сотиб олишни ёқтиришади?

497-савол. *Диловар Тожибоева. Наманган шаҳар Шоҳимардон кўчаси 45-уй.*

Хитой файласуфи Чжу Си фақат 2 та қоида мавжуд: олий қоидани англамоқ ва уни ҳаётга татбиқ этмоқ. Олий қоида ягона бўлсада, минглаб тарзда тарқалади. Ушбу таълимотни ҳаётга яқинлаштирадиган бўлсак, ўзи битта-ю мингларга бўлинади. Ёки аксинча мингларни йиғиндиси биттадур. Агар олий қоида ягона бўлса, қандай қилиб у мингларча бўлинади?

498-савол. *Сожид Раҳимова. Қарши шаҳри Ниёзий кўчаси 25-уйдан. Рус тили ва адабиёт ўқитувчиси.*

Ф.М.Достоевский “Жиноят ва жазо” романини очиб бериш мақсадида айрим ранглардан фойдаланган. Аянчли ҳаётни нурсиз сариқ рангда тасвирлайди. Судхўр аёлни мебелли ва девордаги гул қоғозларни сариқ рангда тасвирлаган. Асардаги аниқ ижобий образ Соня Мармеладова Раскольниковнинг айбини ўзига олишга тайёрлигини ифода этиш мақсадида бир рангдаги рўмолда тасвирланади. Ҳурматли билимдонлар, сиз бир дақиқадан сўнг нега уни адиб шу рангда тасвирлаганини изоҳлаб беришга ҳаракат қилинг.

499-савол. *Феруза Ибодуллаева. Тошкент шаҳридан адабиётшунос-олима.*

Қуйидаги шеърни эшитинг. Феруза Ибодуллаева таржимасида. Шеър муаллифи марҳум актёр ва шоир Леонид Филатов.

- Агар дунёда бўлса 2 та жонон йигит

Бири шубҳасиз у эрур.

Унинг эрмаги ит ва улов

Ва албатта гўзал аёллар.

Аёллар ҳам унга бефарқ бўлишмаган

Мен эса унга тупураман

Қайси мусиқани севганини-ю  
Қайси ичимликни хуш кўрганини  
Лаънатлайман умрим борича  
Чунки у.....

Биз 2 та сўзни олиб ташладик. Ёрдам бераман, биринчи сўз фамилия, 2-си феъл, салбий ҳаракатни ифодалайди. Сиз бир дақиқадан сўнг ўша 2 та сўзни аниқ топинг.

500-савол. Дунёга машҳур Битлз гуруҳини олиб юрувчи автобусчада доим 4-5 та ҳарбий ё полиция, руҳонийлар кийимлари юрган. Савол: гуруҳ аъзолари нима мақсадда у кийимларни олиб юришган?

501-савол. *Феруза Асадова. Бухоро вилоятидан 15-мактаб ўқитувчиси.*

Гомер даврида Қора денгиз энг серҳаракат ва энг ҳавфли денгиз ҳисобланган. Унда кемаларни ҳаракати чекланган бўлган. Фақат ёзда денгиз бир мунча сокин бўлган. Гомер “Илиада” достонида бир жумла ибора ишлатиб кетган. “Қора денгизда 3 та ҳавфсиз гавань бор” деб. Ҳурматли билимдонлар, сиз шу 3 та гавань номини аниқ қилиб топинг.

502-савол. Лев Николаевич Толстой ҳақида қиссалар асарида келтрилишича, у ҳар соҳага қизиққан шахс бўлган экан. Илиада ва Одиссей достонини ўқиш учун лотин тилини ўрганганидан хабардорсиз. Француз, немис тилларини ҳам мукамал билган. Хизматкорларини эслашича, қаҳратон киши кунлари граф хона чироғини ёқмай қўлларини одеал ичига тиқиб соатлаб уйғоқ ётган. Аввал биз уни дам олаётган бўлса керак деб ўйласак, у дам олмайётган бўлиб чиқарди. Ҳурматли билимдонлар, аниқ айтингчи, Толстой нима иш билан машғул бўлган?

503-савол. *Холида Очилова. Тошкент шаҳридан гастроэнтеролог.*

Машҳур Сенека инсонларни 4 қисмга бўлган:

1-тоифа: Ниманидур билишини, ўзи ҳам биладиган одам.

2-тоифа: Ниманидур билишини, ўзи билмайдиган одам – уйқудаги одам.

3-тоифа: Ҳеч нимани билмаслигини, ўзи биладиган одам – уйғоқ одам.

4-тоифа: Ҳеч нимани билмаслигини ўзиям билмайдиган одам.

Сенека – бу 4 тоифа инсонларни гуруҳларга ажратиб, яна уларни сифатларини аниқлаган. Масалан, 2-тоифа инсонларни уйқудаги одамларга, 3-тоифа инсонларни уйғоқ одамлар деб баҳо берган.

Сиз эса Сенека 1 ва 4-тоифа кишиларини қандай сифатлар билан баҳолаганлигини топинг.

504-савол. Ходимимизни чўнтагида шундай нарса борки, инглизлар уни “чўнтакдаги аждарҳо” деб номлашади. Бир дақиқадан сўнг у ўша нарсани чўнтагидан олиб сизга кўрсатади. Савол: уни чўнтагида нима бор? Вақт кетти.

505-савол. Ҳеч кимга сир эмаски, Италия аҳолиси Католик динига ва футболга сиғинишади. Ҳам динга, ҳам футболга хизмат қилган бир машҳур итальян борки, аввал

у черков жамоасида футбол ўйнаган ҳатто. Динга ва футболга садоқатли, метин иродали, қўрқмас кишини исми-шарифини топинг.

506-савол. Англия – буанъаналар давлати деб бежизга айтилмаган. Ҳар йили бўлиб ўтадиган парламент сессиясини одатда қиролича қисқача сўз сўзлаб очиб беради. Фақат 1959 ва 1963 йиллардан ташқари узлуксиз ҳар йили қиролича сессияни очиб берган. Энг қизиғи иккала сафар ҳам битта сабаб туфайли у иштирок этолмаган. Савол: қандай сабаб туфайли?

507-савол. Ҳисоб-китоб ва тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, (бу Германиянинг Вильшток тадқиқотлар маркази) айнан 2012 йил 19 октябр куни шу иш юз берар экан. Албатта, бунчалар ҳисоб-китобга кўпчилик ишонмаслиги мумкин, лекин бу марказнинг узоқ йиллик тадқиқотлари шуни тасдиқланмоқда. Савол: 2012 йили 19 октябрда қандай оламшумул воқеа рўй бериши мумкин?

508-савол. Бугунги кунда Хитой давлати жуда ривожланиб кетди. Аммо у давлат кўп аянчли ҳолатларни, иқтисодий эврилишларни бошидан ўтказди. 19-асрда яшаган Хитой шоираси Юнг Чанг хоним хотираларида шундай маълумотлар бор. “Ойда бир кун отам мени рикша ёллаб мактабга жўнатар эди. Қолган кунлари ўзим бемалол кетаверар эдим. Аммо ойда бир кун рикшада бормасам бўлмасди”. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи нега шоирани отаси ойда бир маротаба қизини рикшада ўқишга жўнатишга машҳур бўлган.

509-савол. *Мурод Мўминов. Тошкент шаҳар Қора қамиш ¼ даҳаси 30-уй 48-хонадондан. Пазанда-ошпаз касблари.*

Саволлари ҳам ошпазлар ҳақида. Аниқроғи, Хитой ошпазлари ҳақида.

Хитойларнинг ажойиб таоми лағмон ҳисобланади. Нимагадур лағмон пиширишни ўрганаётган ёш, тажрибасиз ошпазлар, ҳамирни тайёрлаб бўлишгандан кейин, қулоқлари ун юқи бўлиб қолар экан. Саволим қуйидагича: нега тажрибасиз ошпазларни ҳамир ёйиш пайтида қулоқлари ун юқи бўлиб қолади?

510-савол. Собиржон Толипов. Наманган вилояти Чортоқ тумани Ибн Сино кўчаси 54-уйдан.

Қишлоғимизда эски қудуқ бўлиб, ҳар йили баҳорда уни тозалаб турамыз. Уни ичига тушишдан олдин эса қарияларни маслаҳати бўйича бир товукни оёғига ип боғлаб секин-аста қудуққа туширамыз. Ҳурматли билимдонлар, саволим шундай нима учун эски қудуқларга тушишдан олдин одамлар товукни туширишган.

511-савол. Қайси эркаклар исми шахматчилар ва киночилар орасида энг машҳур?

512-савол. *Усмон Аллаев. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Исломов кўчаси 44-уйдан.*

Бу саволни аслида сандиқчада олиб чиқишимиз зарур эди. Лекин эҳтиёт нуқтаи-назардан сандиқчадан воз кечдик. Вильям Шекспирнинг у ҳақидаги фикрини эшитинг:

“Биллур девор орасидаги бу суюқ тутқундан аниқ фойдаланилса, кўп битмаган ишларни битказиш, хоҳлаган эркакни жазманга айлантира олиши мумкин”. Шекспир

бироз ошириб юборган чамамда. Аслида у қопқон эмас, тамаддунни ёрқин кўриниши халос. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи биз сандиқчага нима солиб чиқмоқчи эдик.

513-савол. *Жавлон Маматқулов Хамза туманидан.*

Достоевский уни ёқлаб, “йўқ у қотил бўлмаган, уни орзусидан маҳрум қилишган”. Пушкин бўлса, уни ишонувчан ўсмир болага ўхшатган. Тўғри у аслида айрим олифталардек сўйлай олмайди. Ҳаётни борича қабул қилади. Диққат савол: юқоридаги таъриф кимга тегишли?

514-савол. Мен 2-гуруҳ ўсимлик турларини санайман, сиз эса ёзиб олинг.

1-гуруҳ: Ер ёнғоқ, картошка, маккажўхори, фасоль, гармдори.

2-гуруҳ: Арпа, буғдой, гуруч, шакарқамиш, лавлаги, сули.

Айтингчи, ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг бу гуруҳлар орасида қандай фарқ борлигини топиб айтинг.

515-савол. Буюк Британия, Нидерландия, Люксембург, Чад, Португалия, Швецияда у жойда аёлларга жой топилган. АҚШ, Бельгия, Россия каби давлатларда эса йўқ. Савол қаерда?

51-савол 6. Агар 66-рақамли пингвинни номи Марио бўлган бўлса, унда 99 рақамдаги қиролнинг исми нима?

517-савол. *Фахриддин Холмухамедов. Зангиота тумани Эшонгузар қўрғонидан.*

Марҳамат, Капалак ва Ари олиб чиқилсин. Айнан капалак ва арини тимсол қилиб олган бир жаҳон чемпиони борки, унинг машҳур ибораси чемпионни образига айланган. Савол: қайси чемпион ва қайси ибора эканлигини топинг.

518-савол. Поляк халқ афсонасига кўра, Висла дарёси бўйида яшаган бир эрухотинни асосий вазифаси, одамларни у қирғоқдан бу қирғоққа олиб ўтиб қўйиш бўлган. Уларни исми..... Хотинини исми Сава бўлган. Эрини исми нима бўлганлигини бир дақиқадан кейин сиз топасиз.

519-савол. (Супер блицга). Буюк инсонларни номларини абадийлаштириш учун кўпгина Европа давлатларида уларни суратларини пул белгиларида беришдан икки карра манфатдор. 1-чисини айтдик. Иккинчисини сиз топинг.

520-савол. Жиддий савол. Биринчиси Англиялик бўлган, машҳур босқинчининг ўғли. Иккинчиси эса Авлиё лақабли немис бўлган. Учинчиси ўзи француз бўлгану, аммо Парижга боролмаган. 4-чиси ҳам бўлган, у ҳам немис бўлган. Коноссага саёҳатга борган. Сиз уларни биргаликдаги, умумий номини биласиз деб ўйлайман. Шунинг учун сиз менга бир дақиқадан сўнг айнан биринчиси кимни ўғли бўлганлигини топиб айтасиз.

521-савол. 1959 йили Куба революцияси содир бўлгач Фидель Кастро ишончли кишиларини асосий лавозимларга тайинлайди. Укасини ички ишлар вазирлигига, энг яқин дўстларидан бири Чи Геварани софдил ва энг инсофли киши деб билиб айнан у жойга раҳбар этиб тайинлаган. Савол қаерга?

522-савол. *Нилуфар Қорабоева. Тошкент вилояти Чиноз шаҳри Рашидов кўчаси 18-уйдан.*

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Сандиқчадагини “Заковат” телеўйинига бевосита алоқаси бор. Унинг илк кўринишлари ҳатто Рим империяси даврида ҳам мавжуд бўлган. Унинг илк замонавий кўриниши 2-ноябр 1924 йили муштарийлар ҳукмига ҳавола этилган. Агар яхшилаб бош қотирсангиз, сандиқчадагини номини осон топасиз. Савол: сандиқчада нима бор?

523-савол. Агар импрессионист – рассомлардан Моне, Ренуар, Дега, Сезанн, Писарро кабиларни асарларини кузатсангиз, уларни чизган асарларида ёрқин ранглар кўп. Нега деган саволга Ноэл Дэл деган олим ўзининг докторлик диссертациясида жавоб топган. Хўш, Ноэл Дэл докторлик диссертациясида нимани исботлаб берган?

524-савол. *Меҳриддин Жўрабоев. Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғидан.*

Ҳурматли билимдонлар, сизлар билан 2-3 йил аввал бир савол орқали учрашган эдим. Хоҳласангиз ўша саволни давоми деб қабул қилинг. Айтингчи, таманаки ҳиндуларида оёқдаги 2 та бош бармоқ неча сонини билдиради. Бизга 2 сонни топиб айтинг.

525-савол. Фурқат Қурбонов саволи. Ҳадемай ёз бошланиб, салқин ичимликларга талаб кучаяди. Кўпчилик ёшлар музлатгичда музлатилган шарбат ёки минерал сувларни ичишни ёқтиришади. Бу соғлиқ учун зарарли, албатта. Тасаввур қилинг, музлатгич ичига шишали ва елим идишдаги сувни совитишга қўйгансиз. Маълум муддат ўтиб улар музлайди ва шиша идишдаги сув ёрилиб кетади. Елим идишдаги сувга эса ҳеч нарса бўлмайди. Ҳаётимизда кўп учрайдиган ҳолат. Хўш, ҳурматли билимдонлар шиша идишдаги сув нима сабабдан ёрилиб кетади?

526-савол. *Фарҳод Исломов. Тошкент шаҳар Бектемир даҳаси 6-уй 80-хонадондан.*

Фалончи! Тасаввур қилинг, Хитойга ташриф буюриб, Шаолинъ мактабига имтиҳон топшираяпсиз. 1-имтиҳон якка курашдан, 2-чиси тиббиётдан, 4-чиси рақс, 5-чиси шеърятдан. Биз 3-чи асосий имтиҳонлардан бирини ташлаб кетдик. 3-чи имтиҳон нимадан топширасиз?

527-савол. Ф.Қурбонов саволи.

Марҳамат математик топишмоқ. Қўлингиздаги бу жумбоқни 2007 йили Кембридждаги коллеж талабаларига тақдим этишганида саноқли талабалар буни жавобини топа олишган. Сиз ҳам ўзингизни бир синаб кўринг ва бир дақиқадан сўнг ўнг томондаги рақамлар нимани ифодалаганини топишга уриниб кўринг.

7632 – 1

9187 – 3

4852 – 2

2808 – 5

4362 – 1

7828 – 4

528-савол. Ф.Қурбонов саволи.

Бу кичик кашфиётни ватани Япония саналади. Уни илк бор Японияда Америкалик Жонатан Скиби деган руҳоний Японияда яшаган вақтлари 1869 йили ихтиро қилган. Уни руҳоний ўзининг ногирон рафиқаси учун илк бор ясаган. Айтингчи, ҳурматли билимдонлар Жонатан Скиби Японияда, Шарқда илк бор нимани ихтиросига асос солган?

529-савол. Фурқат Қурбонов саволи.

Қуйидаги футболчилар номини ёзиб олинг: Австрияда Андреас Херцог, Саудиялик Саид Овайран, Эронлик Али Каримий, Арманистонлик Хорен Оганесян, Руминиялик Георги Хаджи, Туркиялик Эмре Белозуглу. Ҳурматли билимдонлар, сиз ушбу рўйхатда тушириб қолдирилган ўзбек футболчисини ва бу рўйхат нима учун тузилганлигини топинг.

530-савол. Ф.Қурбонов саволи. Марҳамат “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин.

Европада шундай супермаркетлар борки, сандиқчадаги нарсани худди кийим-кечаклардек ўлчамларга, размерларга ажратиб қўйилган. Масалан S тоифасига 55 граммгача бўлганлари кирса, XL тоифасига 75 граммгача маълумот ҳам берилар экан. Машҳур изкувар Эркюль Пуаро улар нега бир хил бўлмаслиги ҳақида кўп бош қотирган. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг сандиқчадаги нарса номини топинг.

531-савол. Марҳамат, Сэндвич олиб чиқилсин.

Бу егуликни енгил табиат инглиз, Лорд Сэндвич номи билан боғлашади. Эрта-ю кеч қиморхоналарда қолиб кетиб, қорни очганда бир бўлак нон устига гўшт қўйдириб олиб келиб, еб кун ўтказган. Сўнгра гўшт устидан яна бир бўлак нон қўйишга мажбур бўлган. Хўш айтингчи, ким уни мажбур қилган?

532-савол. Лев Толстой инсон тўғри ва бахтли ҳаёт кечириши учун кун давомида меҳнатнинг 4 та тури билан шуғулланиб туриши керак – деган. 1-чи тури албатта жисмоний меҳнат, 2-чиси ақлий меҳнат, 3-чиси майда-чуйда ишларни(овқат пишириш, уйни йиғиштириш) назарда тутган. Охирги 4-чи меҳнат тури, бундай қараганда терлаб меҳнат қиладиган иш эмас, кўпроқ зарурат, эҳтиёж туфайли 4-чи меҳнат тури келиб чиқади. Балки кимлар учундир у меҳнат бўлиши мумкин, шахсан мен учун ҳам у меҳнат ҳисобланади. Инсон бахтли ва тўғри ҳаёт кечириши учун керак бўладиган 4-чи юмуш номини топинг.

533-савол. Кейинги вақтларда сизларни турли тилларга ўргатиш менга ёқиб қолди. Фалончи, ҳозир сизни фин тилига ўргатаман. Тайёрмисиз. Жаа - Каапи денг. Жаа-муз, каапи – шкаф. Бу иккита сўз бирикмаси – музлаткич, холодильник сўзини келтириб чиқаради. Жалка – палло денг. Жалко – оёқ, палло-копток. Бу футбол дегани



экан. Санаристикко денг. Санари сўз дегани, стикко катак деган. Сизларга ўйлаш учун бир минут муҳлат берамиз, фин тилида санаристикко нима деб аталишини топасиз.

534-савол. Голландияда 2003 йили давлат тарихи билан боғлиқ шаҳарча бунёд этилди. Энг қизиғи, Голланд ҳаритасида йўқ бўлиб кетган объектлар, унутилиб кетган номлар билан шаҳарча кўчалари атала бошлади. Шаҳарчани қандай номлаш керак деган сўровда, голландиянинг яқин ўтмиши билан боғлиқ бир ном ютиб чиқди. Айтингчи, улар бу шаҳарчани қандай аташади?

535-савол. Экрэн саволи.

Бошловчи дарахтзор ичида юриб, қўлидаги таёқча билан дарахтларни уриб юрибди: Ҳурматли билимдонлар, мен ҳозир 18-асрнинг энг машҳур ва энг номдор кишиларидан бирини талқин қилаяпман. У кўчаларда, боғларда сайр қилишни хуш кўрган ва доимо кўлидаги ёғоч билан дарахт таналарига уриб юриш одати бўлган. Девонага ўхшаб дарахтларни калтаклаб юривчи бу кишини оддий халқ салкам жиннига чиқарган эди. Аммо у ўз номини абадиятга муҳрладики, уни номи бугун ҳам жаранглаб турибди. Ҳурматли билимдонлар, сиз мени номимни аниқ қилиб айтишингиз керак.

536-савол. *Жуманазар Наврўзов. Хоразм вилояти Шовот тумани Ўзбекистон фуқаролар уюшмасидан.*

АҚШнинг Калифорния штатида каттагина бир ошхона бор. Ошхона деворида бир қанча АҚШ президентларининг дастхатлари ва суратлари осиглиқ. айтингчи, ҳурматли билимдонлар президентлар бу ошхонага қачон ва нима мақсадда ташриф буюришган?

537-савол. *Комилжон Икромов. Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 2-сон лицей 9-синф ўқувчиси.*

Пекиндаги император саройи ташқи томонидан 2 хил рангда тасвирланган. Бинонинг томи сариқ, деворлари қизил рангда. Консерватив руҳдаги хитойликлар бу муқаддас ранглари илоҳий санаганлари учун мана неча асрки унга содиқ бўлиб келишмоқда. Қизил ранг қадимдан Хитойда эҳтиром рамзи бўлиб келмоқда. Сариқ ранг эса хитойликлар эътиқод рамзини билдиради. Жуда катта маънавий меросни ўзида сақлаб келаётган Император кутубхонасининг шифти атайлаб қора рангга бўялган. Нега кутубхона шифти қора рангда дейилса, буни жавобини ҳам Қадимги Хитой манбаларидан топиш мумкин экан. Қора ранг бу қандайдур илоҳий куч деб қаралган. Юқоридаги сўзлардан маъно ясанг, мантиқ топинг ва айтинг, нега кутубхона шифти қора рангга бўялган?

538-савол. *Кристина Раҳимова. Тошкент шаҳар Қора су даҳаси Мирпўлатов кўчаси 8-уй.*

Саволни диққат билан ёзиб олинг.

Нодирбек! Сиз ҳақингизда энг кўп фикрлар у ерда айтилади. Буни устига сиз ўзингиз ҳам бу гапларни тепасида бўласиз. Айнан у ерда сизни ҳақингиздаги воқеалар ҳеч қандай чизгиларсиз ифодаланари. Сиз гоҳ актёрсиз, гоҳ томошабин! Ҳурматли билимдонлар, машҳур немис файласуфи Фридрих Ницше юқорида нима ҳақида ёзмоқда?

539-савол. Экрэн орқали: Хитой кийимидаги бошловчи.

Ҳурматли билимдонлар, Хитой мифалогиясида Суй-Жень деган шахс номи келтирилади. Тасаввур қилинг, мен ўша шахсман. Асли исмим Жень, Суй мени бажарадиган ишимдан келиб чиққан тахаллусим. Суй иероглифи чўп ва дарахт ходаси

деган маъноларда ишлатилади. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи бир дақиқадан сўнг мен қандай ишни бажараман?

540-савол. Кейинги вақтларда Норвегиянинг катта шаҳарлари кўчаларида, катта дўконларида, вокзал, аэропортларида кичкинагина кабинкалар, хоначалар қўйиб қўйилмоқда. Французлар улардан ўрганиб худди шундай кабинкалардан Лувр музейига ҳам ўрнатишибди. Айтингчи, у кабинкаларни вазифаси нимадан иборат?

541-савол. Бундай давлатлар сони санокли. Масалан, Европада фақат Норвегия улар қаторидан жой олиши мумкин. Африкада бундай давлатлар 4 та: Гана, Нигерия, Эфиопия ва Буркина-Фасо. Осиёда 3 та бундай давлатлар сони: Туркия, агар Осиёга кирса, Қозоғистон ва Ўзбекистон. Юқоридаги давлатларнинг ўхшашлиги қаерда?

542-савол. Финалга.

Жуманазар Наврўзов. Хоразм вилояти Шовот тумани Ўзбекистон ф/уюшмасидан.

Франциядаги узум плантацияларини кўз олдингизга келтиринг. Ажойиб узумчилик анъанасига эга бўлган француз фермерлари плантациянинг атрофига қизил атиргуллар экиб қўйишади. Чирой учун эмаслигини сиз ҳам сезаяпсиз, чамаси. Айнан шу атиргуллар узумларни ҳимоя қилар экан. Ҳурматли билимдонлар, сиз бир дақиқадан сўнг, атиргуллар узумзорни қандай ҳимоя қилишини аниқ топиб айтасиз.

543-савол. Финалга.

Алишер Жабборов. Жиззах вилояти Бахмал тумани Нушкент хўжалиги Муллабулоқ қишлоғидан.

Азалдан овчилар тунда овга чиқадиган қуённи иложи борича ой чиқмайдиган кунлари, яъни ойсиз ўтажак ўн беш кунда овлашга ҳаракат қилишар экан. Чунки ўша пайтлари қуёнлар семириб, ой чиқадиган 15 кунликда озиб кетар экан. Диққат савол: нима сабабдан қуёнлар ой чиқадиган кунлари озиб кетадилар?

544-савол. Кўп файласуфлар ўзлари ҳақида ёзишни исташмаган. Агар ёзадиган бўлишсаям, ундан инсоният манфаати ҳиди келиб турган. Масалан, Сукрот ўзи ҳақида ёзганда, у бахтли инсон эканлигини 3 та ҳолатда исботлайди. Биринчидан ҳайвон эмас, инсон бўлиб туғилгани, иккинчидан ваҳший бўлиб эмас, юнон бўлиб туғилганидан бахтиёр эканлигини ёзади. Бахтли эканлигининг учинчи ҳолатини сиз топинг.

545-савол. Санъатшунослар Рембранд билан Веласкес асарлари тарихийлиги ва маъно жиҳатидан бир-бирига яқин эканлигини айтишади. Деярли бир хил даража ва сифатдаги суратлар. Аммо аукционларда Веласкеснинг асарлари Рембранддан анча қиммат сотилади. Хўш сифати, мавзуси бир хил бўлган бу суратлар нега турли нархларда сотилади. Нима учун Веласкес асарлари қиммат баҳоланади?

546-савол. *Феруза Турсунбоева. Андижон шаҳар Лутфий 1-берк кўчасидан.*

Бобур! Иккала қўлингизни олдинга чўзинг. Неча соат шу таҳлит ўтира оласиз. Энди менга айтингчи, қайси касб эгалари соатлаб шу ҳолатда ўтиришган?

547-савол. *Зариф Назаров. Бухоро вилояти Шофиркон тумани Молболо қишлоғидан.*

Мақсуд! Шофирконда шундай қишлоқ борми? Малборо эмас, Молболо.

Зариф Назаров сўраяптилар, АҚШда инглиз тилидан кейин 1-ўринда испан тили, 2-ўринда итальян тили, 3-ўринда эса Амеслан тили турса, кимлар Амеслан тилидан фойдаланади?

548-савол. *Ҳайруллоҳон Турсунов. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Қоратош мавзеси 54 а- уй 7-хонадондан.*

Уильям Шекспирнинг қуйидаги таърифни ёзиб олинг:

“У хоин. У бизни қўрқитиб, эришимиз мумкин бўлган яхши нарсалардан кўп ҳолларда маҳрум этади”. Ажойиб таъриф, орадан шунча вақт ўтса-да, бу фикр бугун ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Ҳатто “Заковат” ўйинида ҳам бор, у хоин. Ҳурматли билимдонлар, Шекспир таърифлаган хоиннинг номини топинг.

549-савол. *Нарғиза Жўраева. Фарғона вилояти Фурқат тумани Қўқонбой қишлоғидан.*

Зардўштийлик динида оловга алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлишган. Ҳар бир ҳудудда оташгоҳ деган жойлар бўлган. Бу ерда олов эрта-ю-кеч ёниб турган. Айтингчи, ҳурматли билимдонлар! Оташгоҳлар бориб-бориб қандай атала бошланган?

550-савол. Машҳур испан рассоми Сальвадор Дали уни кўрсатиб, унда қироллик руҳи сезилади, у шунчалар ўткирки, хоҳлаган деворни тешиб ўтади, унинг учлари кўкка қараган, чунки вертикал кўриниш испан руҳига мос. Сўзлардан хулоса ясаб кўрингчи, у нимага ишора қилмоқда?

551-савол. *Ўктам Сирожиддинов. Самарқанд Архитектура ва қурилиш институт ўқитувчиси.*

Марҳамат музей экспонатлари. Канада пойтахти Оттаванинг Спаркс кўчаси 245-уйида бир музей жойлашган. Тарихий музей деса ҳам бўлади. Чиғаноқлар, балиқ тутадиган қармоқ, турли хил тошлар, турли балиқлар тишлари, какао ёнғоқлари. Бир қараганда бу музей денгизчилар музейига ўхшаши мумкин. Бу фикрда тўхтамаслигинларни маслаҳат бераман. Сизга иккита савол бераман. 1-чиси бу музей номини топинг, 2-чиси бир дақиқадан сўнг шу музейнинг қайси асосий экспонатини олиб киравмиз.

552-савол. (Болалар ўйинига).

Шерзод Мирзабеков. Жиззах вилояти Зафаробод туманидан

Тасвирда актёр анор еб ўтирибди. Ҳурматли билимдонлар, анорни ёқтирасизларми?

Тасаввур қилинг, томошагоҳ. Томошани биринчи қаторида ўтириб кўриш маъна. Буни устига анор еб ўтирсангиз. Аммо саҳнада бир ижрочи мени ошкора ҳайдаб чиқарди.

Ҳурматли билимдонлар, ким мени томошагоҳдан ҳайдаб чиқариши мумкин?

553-савол. (Болалар ўйинига).

Илҳом Файзуллаев. Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Қумпайкал маҳалласи.

Марҳамат, оддий таёқча олиб чиқилсин.

Болалар! Миср пирамидаларини кўргансизлар.

Умид! Агар уни баландлигини ўлчаб боришни сўрашса, балки қийналиб қолишингиз мумкин. Аммо юнон файласуфи Фалес олдинглардаги таёқчани ерга қадаб ўлчаб берган. Агар тушунган бўлсанглар, бу содда усулни топиб изоҳлаб беринг.

554-савол. Финалга.

Гулшан Маматова. Фарғона Давлат Университет III-курс талабаси.

Марҳамат, “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Нотиқ ва файласуф Цицерон ҳақида айтган фикрини ёзиб олинг: “У қайғули ҳам, ғамни ҳам, шодликни ҳам, хурсандчиликниям бирдай кўтара олади. Шунча ташвишу-ҳаяжонни ўзига олиб, бировни жазолаб, бировни оқлаб бир хилда тураверади. Фақат оқ юзлари хира тортиши, бироз қорайиши мумкин. Савол: сандиқчада нима бор?”

555-савол. Юсуф Шомиров. Фарғона вилояти Риштон тумани Икромов кўчаси 6-ўйдан.

2000 йил илгари бутун дунё маданият ва маърифати энг катта зарбани қабул қилган. Александрия кутубхонаси ёниб кетиши оқибатида жуда катта китоб заҳираси ёниб кул бўлди. Кул бўлди десак бироз ошириб юборгандек бўламиз, чунки тарихчиларни ёзиб қолдирган маълумотларига кўра кутубхонанинг 65-70 фоизи ёниб битган. Лекин китобларни 5 фоизи ҳам бутун қолмаган. Хўш, агар 70 фоиз китоб оловда ёнган бўлса, қолган 30 фоизи нимадан яроқсиз ҳолга келган?

556-савол. Абдували Каримов. Жиззах вилояти Бахмал тумани Мирза эсағи қишлоғидан.

Алломалар учун илм-фанни эгаллашдан ташқари яна бир масъулиятли, айти пайтда жуда зарур бир жараён борки, бу ҳақда Ибн Сино ҳазратлари шундай ёзганлар: Рақибларимдан менинг бир устунлигим, эринмай у ишни қилганимдур. Улар ғафлат уйқусида ётганларида мен машаққат билан у ишни бажарганман. Ҳурматли билимдонлар, айтингчи алломанинг буюклиги, рақибларидан устунлиги нимада бўлган?

557-савол. Фалончи уй манзилингизни айтинг. Энди ўта жиддий бўлган немис халқ мақолини ёзиб олинг: “Уй ичида ўйнаб юрар хонам бор, ўйнаса ҳам юрмайди бекор”. Немисларнинг мақоли нима ҳақида?

558-савол. Европада саҳро борми? Ҳозир билмайману, 2000 йил илгари Юнонистон, ҳозирги Руминия, Испания ҳудудларида қумлик водийлар бўлган. Гладиаторлар жанглари бошлангач, жуда кўп жанггоҳлар бунёд этилган. Уларни майдони учун қумни фақат Юнонистон даштларидан олиб келишган. Хўш, нега айнан Юнонистон қумлари жанггоҳларга сепилган?

559-савол. Кўпчилик уни русча сўз деб билса керак, аслида у италян тилидан бизга кириб келган. Анчагина нохуш сўз. Денгиз Ҳуқуқ қонунида кема ичида пайдо бўладиган кутилмаган сарф-ҳаражатлар ва оғир фавқулодда ҳолатлар шундай номланган. Биринчиси бошида, сўнггиси охирида келади, бу сўзни. Айтингчи, бу қайси сўз?

560-савол. “Будда таълимоти” китобларидан бирининг сўз бошисини ёзиб олинг: “Ҳеч ким сенга дўст эмас, ҳеч ким сенга ака-ука эмас, аммо ҳаммага сен.... 3 та нуқта. Марҳамат битта сўз билан эпиграфни яқунланг.

561-савол. Элса-Крейс оролига яқин жойда Буюк Британиянинг катта юк крейсери чўкиб кетади. Бу 1989 йили содир бўлади. Орадан 2 йилча ўтиб, Эльса Крейс оролига қўнадиган қушлар сони кескин камайиб кетди. Албатта ўша кема ҳалокатини таъсирида. Ёрдам бериб айта оламан, кемада ҳеч қанақанги заҳарли моддалар, атроф-муҳитган салбий таъсир кўрсатувчи кимёвий юклар бўлмаган. Хўш, ҳурматли билимдонлар бу оролданқушларни қадамини қирқилишига сабаб нима?

562-савол. *Шомурод Турсунбоев. Тошкент вилояти Пискент шаҳар Марказий кўча 6-уйдан.*

1807 йилгача у Англияда мағлубият саналган, Италия ва Францияда – дуранг, Испания ва Португалияда – ғалаба ҳисобланган. 1807 йилнинг охирига келиб Лондондаги бир клуб уни бугунги биз биладиган ҳолати ва номини оммалаштирди. Сизлар унинг 1807 йилдан бери аталиб келинаётган номини топинг.

563-савол. Бу воқеа Швецияда 15 сентябр 1973 йили, Норвегияда 17 январ 1991 йили, Иорданияда 7 феврал 1999 йили, Марокашда 23 июл 1999 йили рўй берган. Агар рақамлар сизларга ҳеч нарса бермаса, унда мантиқни юргизиб кўринг. Рўй берган воқеа ўша халқлар учун мамлакатлар учун ўта аҳамиятли. Савол: юқоридаги давлатларда қандай воқеа рўй берган?

564-савол. Қадимги Хитой. Иккита йигит югуришга тайёргарлик кўришмоқда. Югуриш олдидан уларни биттасини оғзига жэньшень ўзагидан бир бўлак солиб кўйилди. Савол нега бу мусобақа ташкил этилган?

565-савол. “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Норвегия энг шимолий давлатлардан бўлгани учун у ерда мактаб тушлигида албатта 2-3 хил сабзавот ва кўкатлар бўлиши шарт қилиб қўйилган. Охириги пайтларда юқоридагиларни ўзида жамлагани учун тушликка фақат сандиқчадаги берилмоқда. Англаган бўлсангиз, ўша нарса сандиқчада турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

566-савол. *Замира Ҳолиқназарова. Бухоро вилояти Олот тумани Ихтиёр кўчаси 19-уйдан.*

“Мармелад” сўзини ўзбекчасини биласизми? Мармелад дейиш мумкин. У сўзни қаердан келиб чиққанига назар солиб кўрамиз. “Мармелад” сўзи бизга Русия орқали Франциядан кириб келган. Французларга испан тилидан, испанларга юнонлардан.

Юнонларга лотин мелимелон иборасидан кириб келган. Мелимелон асалли олма дегани. Юнонлар мелимелон деб нимани аташган?

567-савол. Ҳозир дунё бўйича бундай лойиҳалар сони 300 дан ошиқ. Сольресоль, Окциденталь, Оджуванто, Новиаль, Волянюк ва бошқалар. Мен ушбу рўйхатга кирувчи энг машҳурини номини айтмадим. Юқорида қандай лойиҳаларнинг сони айтилди ва албатта уларни ичидаги энг машҳури номини топинг.

568-савол. Гай Юлий Цезар даврида буйруқни бажаришдан бош тортган легионга қаттиқ жазо тайинланган. Легион саф қилиниб бу жазо қўлланган. Бу жазо номи децимация деб аталган. Бу жазо қандай кўринишда амалга оширилган деб ўйлайсиз?

569-савол. Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида сут ва сут маҳсулотларига алоҳида эътибор берганлар. Ибн Сино фикрича, инсон учун энг мақбул сут бу – сигир сути экан. Мантиқан ўйлаб кўрингчи, алломани бу фикрга нима ундаган?

570-савол. 1964 йилда тинчлик бўйича Нобель мукофотини Мартин Лютер Кинг олган. Тинчлик ва озодлик учун жонини фидо қилган буюк шахс. Габриэль Гарсия Маркес ўз романларидан бирига “Кумушзор” асарига унинг қуйидаги сўзларини эпиграф қилиб олган: “Умримиз сўнгида биз душманларимиз айтган сўзни эмас, дўстларимиз..... эслаймиз. 3 та нуқта ўрнига 2 та сўз қўйсангиз Мартин Лютер Кингнинг машҳур ибораси келиб чиқади. Ўша 2 та сўзни топинг.

571-савол. 18-19 асрларда уларни тўқувчилар деб аташган. Аслида биз бошқача атаймиз. Борди-ю уларни бугунги номи билан атаётганимизни билишганида, балки қаттиқ хафа бўлишарди. Ҳурматли билимдонлар, сиз саволни тушунган бўлсангиз, бир дақиқадан кейин энг ками 2 та тўқувчи номини топиб айтасиз.

572-савол. Қуйидаги ўзбекча сўзларни ёзиб олинг: қизиқтириш, олиб қочиш, айлантириш, юмалатиш, синаш, чирпирак қилиш. Лотин тилида шунча сўзларни битта сўзда ифодаласа бўлар экан. Энг қизиғи, кўпчилик бу сўзни лотинча эмас, шведча сўз деб ўйлайди. Хўш айтингчи, бу қайси сўз?

573-савол. Экрэн орқали. *Ўқтам Сирожиддинов. Самарқанд шаҳар Соҳибкор кўчаси 48-уйдан.*

Ҳурматли билимдонлар, ҳаммамиз биламиз, канализация қопқоғлари доимо айлана шаклда бўлади. Тўғри учбурчак ё тўртбурчак, балки 6 бурчак ҳам бўлиши мумкин. Иқтисодий жиҳатидан кўпроқ фойда доира шаклидаги қопқоқлардан олиш мумкин. Қопқоқларни юмалоқ шаклда бўлиши, биринчидан уларни қудуққа тушиб кетишидан асрайди. Канализация қопқоқларини юмалоқ бўлишининг яна иккита фойдаси бор. Бир дақиқадан кейин шуларни топиб бизга айтинг.

574-савол. *Зофир Файзиев. Самарқанд вилояти Иштихон тумани Муслим қишлоғидан.*

Қишлоқ одамлари мосланувчан ва тадбиркор бўлишади. Хонадонда, қишлоқда пайдо бўладиган майда-майда муаммоларни ўзлари ҳал қилиб, тадбир қўллаб



юбораверишади. Ходимимизни қўлидаги суратни кўринг. Айнан савол муаллифи яшайдиган қишлоқ фуқаролари, айрим урғочи эчки-қўйларни бўйнига баъзи пайтлари мана шунақа мослама илиб қўйилишига мажбур бўладилар. Савол: нега бу эчки-қўйларни бўйнига ҳалқа илиб қўйишади?

575-савол. Экран саволи.

Экранда бир йигит билан қиз битта чойнак 2 та чашкада чой ичиб ўтиришибди. Кейинги столда битта чойнак ва битта чашкада бир қурумсоқ чой ичиб ўтирибди.

Актёр уларни кузатиб туриб: Ҳурматли билимдонлар 18-19 асрларда Францияда сифатли чинни идишлар кенг ишлаб чиқарила бошланди. Усталар замона талабидан келиб чиқиб, 10-15 кишилик тўпламлар билан бирга 2 кишига мўлжалланган “тет-а-тет” деб номланган чинни идишлари ҳам ишлаб чиқарганлар. Ўша пайтлари жуда кўп инсонлар ёлғиз яшаганлари ва пулни бебилиска сарф қилмаслик учунми бир кишилик чайний сервисларга талаб кўп бўлган. Усталар бу бир кишилик сервис сервис номини лотинча бир сўз билан атаганлар. Ҳурматли билимдонлар, бир дақиқадан сўнг сиз бир кишилик сервис номини топиб айтасиз.

576-савол. Марҳамат “Заковат” сандиқчаси олиб чиқилсин. Замонавий урушлар тарихидан маълумки, илк бор 1-жаҳон урушида заҳарли газлардан фойдаланилган. Лекин 1532 йили Америка ҳиндулари озодлик ҳаракати даврида конкистадорлар билан бўлган жангда ҳатто, заҳарли моддалар билан уруш олиб боргани маълум. Ўша даврда ҳиндулар жангда фойдаланган компонент сандиқча ичида турибди. Савол: сандиқчада нима бор?

577-савол. Экран орқали. Актёр радиони ўчиради, эшикни ёпади, дераза форточкасини ёпади.

Азал-азалдан улар билан шуғулланувчи кишилар доимо хонани зич беркитиб юришган. Радио, куй-қўшиқлар иложи борича эшитилмагани маъқул. Йўқса уларни сифатига таъсир қилиб қўйиши мумкин. Ҳурматли билимдонлар бир дақиқадан сўнг мен тахминан нима иш билан шуғулланишимни ва юқоридаги ҳаракатларни нима учун бажарганимни изоҳлаб беринг.

578-савол. Мисрнинг Бош нашриёт органини номи “Ал-Аҳром” деб аталади. Савол: “Ал-Аҳром” бизни тилимизда қандай аталади?

579-савол. Бу давлат гербида денгиздан-денгизгача деган ёзув бор. Қайси давлатнинг?

600-савол. Голландия, Бельгия, Швеция каби давлатларда – биринчи августда, Ҳиндистонда – биринчи апрелда, Австралияда – биринчи январда. Энди савол бизда у қачон?

601-савол. Нобель Қўмиталари сони 1968 йили яна биттага кўпайди. Унинг таъсисчиси Швеция Давлат Банкидур. Янги қўмита номини топинг.

602-савол. Финляндия, Норвегия, Швецияда янги йил кунини уни совға қилишса билинги, сизга бахт ва илиқлик ишташаётган бўлади. Юнонистон ва Испанияда у ҳавф-

хатар белгиси бўлган. Ҳақиқатдан ҳам ундан катта хавф бўлиши мумкин. Савол у нима?

.....  
603-савол. Украина, Хитой, Туркия, Канада каби давлатларда у 2 та; Ўзбекистон, Россия, Франция, Италия каби давлатларда – 3 та; Эфиопия, Суринам, Қувайт, Сурияда – 4 та. Савол: Лихтенштейн ва Ливияда у нечта?

604-савол. 12 - ракамга. Бошловчи култигида папка билан билимдонлар даврасига чиқади.

Қадимги Юнонистонда папка кутарган кишиларни бир ном билан аташганки, бугунги кунда биз уларни папка кутарган кишилар деб эмас, бошқачарок атаймиз. Савол: Юнон тилида улар мени қандай аташган.

605-савол. Омонов Жаҳонгир. Фаргона вилояти Учкуприк тумани Бешкапа кишлоғи.

Одобли французлар унга ҳозир ҳам амал қилишга интилишади. Чунки унга амал қилинса, қони фойда. Савол: "тухумдан олмагача" иборани французлар нима мақсадда ишлатишади.

606-савол. Орангизда тилшунослар борми? Бир тилшунос йигит ҳар ҳафта бир қассобдан биттадан мол тилини сотиб олар экан. Бир кун қизиқиб сурабди: Тил сенга нимага керак - деса мен тилни яхши қураман. Айнан сиздан олинадиган тил билан мени ишим боғлиқ. Савол: У қайси тил билан шугулланади?

607-савол. *Паркент тумани Номданак кишлоғидан Шахноза Шожалилова.*

Бальзакнинг "Сағри тери тилсими" романи қаҳрамони Рафаэлнинг шундай сузлари бор: "қиморхона қонунига биноан, қирган захотингиз уни сиздан тортиб олишади. Эҳтимол бу тангри-таолонинг оғохлантиришидур. Балки бандалардан гаров талаб этувчи жаҳаннам шартномасидур. Эҳтимол бор-йугингизни шилиб олувчиларни ҳурматлаш учун шундай қилиш зарурдир. Балки бу нарсангизга қараб ақлий қобилиятингизни қурсатувчи ибратли статистика жаҳвалларини тузишар" Диккат савол сандикчада нима бор?

608-савол. *Наманган вилояти Норин тумани Думар кишлоғидан Алишер Тошбоев. Фаҳр билан оддий дехқонман деб ёзганлар.*

Канада олимлари, зоолоғлари энг хотираси паст жонзотлардан бири қулранг олмахонни бутун дунё урмонларига тарқатиб, урмонларни сақлаб қолишимиз мумкин. Савол: нега хотираси паст булган олмахонни урмон қутқарувчиси деб айтишмоқда?

609-савол. *Самарқанд тумани Самарқанд ж/хдан Юнусова Гуландом.*

Қурил оролларида яшовчи туб аҳоли, жуда қадимдан эулаҳон балигини тутсалар ҳурсандчиликдан бошлари қукка етади. Чунки ута ёғлиқ булган бу балиқларни қуритиб олиб қуйишади. Савол: улар нима қилишади бу балиқларни?

610-савол. *Бухоро вилояти Шофиркон тумани Искогоре кишлогидан Ихтиёр Боймухамедов.*

Лукмони Хақимдан иборалар келтираамиз. "Уларни кузатиб уйланиб коласан, киши. кани эди биз ҳам локал сузлаганда улардек эҳтиёт булсак деб. Улардаги аниқликка хавас қилса арзийди?" Савол қимлардаги?

611-савол. *Фаргона вилояти Охунбобоев тумани Укчи кишлогидан Мамажонов Дилмурод.*

У бизнинг энг арзон ва айнаи вақтда қимматбаҳо мулкимиздир. Суворов, "пул азиз, инсон ундан ҳам азиз, у эса ҳамма нарсадан азиз-деб айтган. Бенжамин Франклин эса, "модомики у энг қимматбаҳо мулк экан, унда уни талон-тарож қилиш энг оғир гуноҳдир"-деб айтган. Савол: энг арзон ва қимматбаҳо мулк нима экан деб уйлайсиз?

612-савол. *Юлдуз Баратова. қамаша шаҳри Ўзбекистон қуча 4 уйдан.*

Аҳолини рўйхатга олиш қадимги Мисрда илк бор амалга оширилган. Эрамиздан 3,5 минг йил аввал, бу ишни бир мақсадда ташқил этишган. Савол: бу компанияни утқазашдан мақсад нима эди?

613-савол. Грибоедовнинг "Ақллиқ балоси" асари қахрамони Чацкий ҳар доим ҳаёлга келмаган фикрлар гирдобада юради. "Инсон ваҳший, уни олдида йирткич ҳайвонлар ҳам бир пул. Одамзот ҳеч бир йирткич қилмаган ишни онгли равишда, билиб туриб қилади. Инсон дунёга келмаёқ нобуд қиладиган норасидаларни эсласам. Йук ҳозир жинни буламан..."

Х.Б. Чацкий қандай норасидалар ҳақида гапирмоқда.

614-савол. *Баширжон Тешабоев. Фаргона вилояти Риштон тумани Бужай кишлогидан.* Бу йигитни саралаш уйинлари орқали танийсизлар.

"Заковат" сандикчаси олиб қикилсин. Сандикча ичидаги нарсани шарқ донишмандлари қиличдан афзал билишган. қилич вайроналар, йукотиш ва ажал белгиси булса, сандикчадаги нарса аксинча бирлаштириш, яратувчилик белгисидир. Савол Шарқ донишмандлари фикрича бақувват сарқарда тутган қиличдан ҳам афзал нарса нима?

615-савол. *Баширжон Тешабоев. Риштон тумани Бужай кишлогидан.*

Ҳазрат Алишер Навоий шундай фалсафий фикрлар битганлар: Ҳалол ва пок яшаб қомилликка эришмоқ учун йигитлик чоғи ҳаракат қилиш зарур. Зеро пайти қелиб узинг қуйган нуқталарга ҳомуш термулиб хотираларга берилишинга тугри қелади". Х.Б.узинг қуйган нуқталар деб нимага шаъма қилинган?

616-савол. *Қорақалпоғистон Республикаси Қегайли тумани Ҳолмуродов қучаси 63-уйдан журналист Элмира Ҳужаназарова.*

Антон Павлович Чехов уни бениҳоя қадрлаб, у менинг қонуний хотиним деб таърифлаган. Х.Б.Антон Павлович нимани қонуний хотиним деб атаган?

617-савол. *Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани Шерқудук кишлогидан Боймуродов Жаҳонғир.*

Қадимги Спарта давлатида маст киладиган ичимликлар ичиш тақиқланган эди. Коида бузганлар каттик жазога тортилганлар. Аммо ичкилик ичиш давом этаверган. Шунда конуншунос Ликург ичкиликка бархам беришнинг энг тугри йули шу деган фикрга келади. Сунгра шавкатсиз буйрук чикаради. Савол у кандай аёвсиз фармон чикарган?

618-савол. *Исроилов Ахатжон. Наманган вилояти Учкургон тумани Элатон кишлоғи.*

Дунёда энг чойхур халк инглизлар Англиянинг Ньюкаслъ шахрида хар йили 15 минг 20 минг киши иштирокида чойхурлик байрами булиб утади. Чойхурлик кишиш учун махсус жой танлашади. Вокзал ёнидаги адирлик. Савол Х.Б. нега айнан шу ерни танлашган?

619-савол. *Самарканд вилояти Пастдаргом тумани "Хосилот" кишлоғидан Султон Исоков.*

Дунёнинг (анигини айтиш кийин) унлаб давлатларида "Макдональдс" фирмаси фаолият олиб боради. Бошка овкатланиш шахобчаларидан кура "Макдональдс"да нархлар бирмунча арзон. 250 мингдан ортик ишчи ишлайдиган фирма ниманинг хисобига харажатларни пасайтириб туради?

620-савол. Европалик зонт(ёпингич) ишлаб чикарувчиларнинг 20-аср 2-ярмидан бошлаб бозорлари касод була бошлаган. Талаб зонтларга камая бошлаган. Савол нима сабаб булган?

621-савол. *Тасвирда Аскарлов Дилшодбек. Андижон шаҳри Учтегирмон куча 78 уй.*

Италия миллий таомларидан бири пиццадир. Пиццанинг турлари куп. Италияда байрам кунлари хар бир хонадонда Мацарелла пишлоғи, соус, петрушка солинган пицца албатта тайёрланади. Айнан қайси байрам куну ушбу пицца пиширилади.

622-савол. *Фаргона вилояти Олтиарик тумани Хамза шахарчасидан Қосимова Гулбахор.*

Хиндистонда сигир мукаддас жонзот саналади. Хамма яхши нарсаларни улар сигир номи билан аташга интилишади. Хатто масофани улчашда хам сигирдан фойдаланишади.

Хурматли билимдонлар, кандай килиб сигир оркали масофа улчанади?

623-савол. *Бунёд Йулдошев. Хамза тумани Лисунова 1-мавзе 44-уй 80-хонадондан.*

Тасаввур килинг, сиз денгиздасиз, олти киши кемада кетаяпсизлар. Ёнингиздан бошка бир кема чикиб колади. Қушни кема матросига кул силкитиб сурашасиз. Сунг матрос сизларга аркон курсатади. Савол: У арконни курсатиш билан нима демокчи булди?

624-савол. *Мустофокул Қорабоев. Жиззах вилояти Бахмал тумани Тонготар кишлоғи.*

АҚШ давлати билан Хитой давлати ўртасида экспорт-импорт жуда кенг кўламда ривожланган. АҚШнинг Хитойга сотаётган маҳсулотлари ичида у нарса 3-уринда туради. Уша нарсадан АҚШ, Хитойга хар йили 1 млрд. 300 млн долларлик сотади. Уша маҳсулотлардан (уни маҳсулот ҳам деб булмайди) шунча даромад куриш. Савол: АҚШ хар йили 1 млрд 300 млн \$ лик нима сотади?

625-савол. *Дилшодбек Аскарров. Андижон шаҳри Уч теғирмон куча 78-уй.*

Машхур сайёх Жеймс Кук Таити ва Янги Зеландия ороллариға иккинчи бор ташриф буюрганида узи билан куй ва чучкалар олиб боради. 2 та максади бор эди. 1-чиси оролликлар турмуш фаровонлигини ошириш ва 2-чи яна бир максади бор эди.

Хурматли билимдонлар яна куй-чучкаларни оролга олиб келади?

626-савол. *Гулистон шаҳар 1-мавзе Абдурахмонов 8-уй 1 квдан Расулов Ш.дан.*

Буюк Хитой деворини куришда тош, тупрок ва уша нарсани ишлатишган. Савол нимани?

627-савол. *Наманган вилояти Мингбулок тумани Довдук кишлоғидан Мирахмад каюмов.*

Шимолий Америка хиндулари ҳам унга катта Она деб мурожаат килишган. Савол кимга?

628-савол. Сарварой Азизова. Наманган вилояти Янгикургон тумани ~овозон кишлоғидан.

Тинчлигимиз посбонлари булмиш милиция ходимлари ҳаётида шундай кунлар борки, тарихий саналар ҳисобланади. 1943 йил 27 ноябрдаги чиқарилган конун ҳам ута муҳим ҳисобланади. Савол: 1943 йили 27 ноябрда қандай конун қабул қилинган?

629-савол. *Термиз шаҳридан Сахимов Тура.*

18-аср охирларида Англияда чечак касали билан оғриганлар сони қупайиб кетади. Инглиз шифокори Женнер негадур бир касбдаги кишилар бу касал билан оғримаяпганини сезиб қолади. У касбда асосан аёллар ишлаши ҳам диққатга сазовор. Савол: улар қандай иш билан шугулланишади?

630-савол. *Намуна Бойзоқова. Поп шаҳри Юлдашева кучаси 30-уйдан.*

"Заковат" сандикчаси олиб чиқилсин. Сандикчадаги 2 та нарса ҳаётнинг асоси, тириклик манбаи ҳисобланади. Улар бир-бирига жуда боглик ва ухшаш. Инсоният эса уша икки нарсасиз кун кураолмайди. Биринчисини ушлаб куриш мумкин, иккинчисини ушлаб булмайди, яқинлашиб ҳам булмайди. Сандикчада нима бор?

631-савол. *Менғниёзов Хушвақт. Бойсун тумани Кофрун кишлоғидан.*

Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон Лондоннинг чеккасидаги бир қахвахонага киришади. Чеккадаги столга бориб утиришади. Холмс қахвахона хужайинига "илгари қахвахонангизда қуп туполонлар булиб турармиди?" деб сурайди. Хужайин оғзи очилиб, қаердан билдингиз дейди. Х.Б.Шерлок Холмс қаердан буни билган?

632-савол. Хар йили 2 млн.дан ортик мусулмонлар Хаж амалларини адо этадилар. Узбекистондан ҳам хар йили 4-5 минг кишилар ушбу ислоннинг 5-арконини бажариб кайтишмоқда. Макка шахрига бу тадбирни утказиш учун, ёлланма ишчилар таклиф этиладилар. Хавфсизлик буйича, турли хизматкорлар, таксичилар ва х.к. Туркия давлатидан хар йили 30 мингта бир касб эгалари таклиф килинади. Савол: улар айнан нима иш билан шуғулланишади?

633-савол. *Қукон шахар Навбахор кучаси 53-уй 20-хонадондан Дилсуз ва Дилшод Хайдаровлардан.*

Мархамат, хайвон шохи, шиша синиги, хайвон жуни, хайвон суюги парчалари олиб чикилсин. Бу нарсалардан 300-400 йил аввал, уз даврининг етук, комил инсонлари бир максатда фойдаланишган. Савол: улар бу нарсалар билан нима килишган?

634-савол. *Каттакургон тумани Бустон ж/х Алижон кишлогидан Дилноза Бозорова.*

Чингиз Айтматовнинг "Оқ булут" асарида мугул истилочиси Чингизхон жангга кирганида ёнида эгарланган, жанговар холатда суворийсиз от олиб юрганлиги хакида ёзиб куйилган. Х.Б. Нимага у суворийсиз отни ёнида олиб юрган?

635-савол. *Жиззах вилояти Фориш тумани Банд посёлкасидан Хафизов Юнусдан бу савол.*

Севимли шоиримиз Эркин Вохидов уларни уз шеърларида куйидагича таърифлаган:

"Уларда режа бор, иш бор, гайрат бор,  
Улар хордик кун килмаслар талаб.  
Душанба бошлари огримас нахор,  
Кечикиб келмаслар ишга эрталаб!

Х.Б.Узб.каҳрамони Эркин Вохидов улар деб нимани таърифлаганлар?

636-савол. *Наманган вилояти Поп тумани Тинчлик кучаси 64-уйдан Хамрохон Хасанова.*

Ер юзида шундай бир таржимон борки, хохлаган тилда гапиринг, у гапингизни таржима килиб, сизни тилингизда жавоб бера олади. Савол кандай таржимон суралмоқда?

637-савол. *Отабек Махкамов. Наманган вилояти Туракургон тумани Ахси кишлогидан.*

Фалсафий фикрлар борасида тарих отаси хисобланмуш Герадотнинг фикрлари ута тагдор саналади. Сизларга шундай савол хурматли билимдонлар Герадот "У - Нилнинг совгасидур" деганида нимага буюк ухшатиш килган?

638-савол. *Усмонов Сухроб. Бухоро вилояти Ромитон туманидан.*

Хинд донишмандлари шахмат тахтасидаги доналарга шарх бериб утганда, айнан уша сипохни инсонларга ибрат килиб курсатишади. Савол кайси сипохни?



639-савол. *Воҳиджон Жабборов. Наманган вилояти Мингбулок тумани Куприкбоши кишлоғи.*

Маргарет Тетгер "Темир хоним" номи билан маълум ва машхур сиёсатчи эди. Кейинрок Мадлен Ольбрайт ҳам "Темир хоним" номи билан донг таратди. Хозир у темир хонимларни иккаласи ҳам сиёсатдан кетишган. Хозир ҳеч ким уларни "Темир хоним" деб атамаяпти. Лекин бу борада французлар омадлирок экан. Уларнинг "Темир хоним"и яна анча вақтгача уз шухратини йукотмаса керак. Савол: Французлар "Темир хоним"ини аниқланг.

640-савол. *Навоий вилояти Хатирчи тумани Олтинсой ш/х Кариз кишлоғидан Азамат Маматов.*

Чупонлар бозордан эчки харид килаётганда уни кулогига диккатни каратишади. Айнан катта ва узун кулокли эчкини харид қилишади. Савол: нега катта кулокли эчки сотиб олишади?

641-савол. *Намозова Дилноза. Бухоро шаҳар Бухоро кооператив техникумини тугатган (мархум).*

Мармар колдикларидан ҳосил булган кумни куз олдингизга келтиринг. қадимда мармардан олинган кумларни 9 маротаба қайнатиб, кукун ҳолатига келтирилган. Сунг ундан бир мақсадда фойдаланишган. Савол қандай?

642-савол. Европанинг энг баҳаво, муътадил, гузал шаҳарларидан бири Мадриддур. Йил 12 ой илик, майин об-ҳаво Мадридда ҳукмронлик қилади. Шу сабабли 17-18-19 асрларда Европадаги куплаб қирол оилалари муҳим бир ходиса туфайли Мадридга ташриф буюриб туришган. Савол: нима сабабдан улар Мадридга қелишган?

643-савол. *Самарқанд вилояти Окдарё тумани Шерматов маҳалласидан Хулқар Абдуҳақимова.*

Ким менга алфавитдаги харфларни ёддан айтиб беради. Яхши. Ана шу алфавитдаги 4 та харфни олдингизга олиб чикамиз. Б.Т.П.Ф. Юкумли касалликларни таткик этувчи мутахассислар фикрича, айнан шу 4 та харфдан каттик хавфсирашади. Савол: Вирусологлар фикрича бу харфларнинг хавфлилиги каерда?

798-савол. *Андижон вилояти Чинобод шаҳарчасидан Алишер Хамрокулов.*

Озик-овкат махсулотлари сифатини текшириш илгаридан булган. Масалан, Лондондаги пивохоналарда сотилаяпган пиволар сифатини текшириб юривчилар чарм шим кийиб юришган. Нима учун?

799-савол. *Бухоро вилояти қоракул тумани Охунбобоев ш/хдан Журакул Хамроев.*

Экран оркали.

Хурматли билимдонлар, тасаввур килинг, кадимги Римдаги овкатланиш шаҳобчасидамиз. Олдимда таомлар турибди. Уша давр одатига биноан 2 та сочик дастурхонда туриши керак булган. 1-чиси кул ва огиз артиш учун. Сизларга беражак саволим шундай, 2-чи каттарок бу сочикни хуранда нимага ишлатган?

800-савол. *Тошкент шаҳридан мухандис Ботир Тогаев.*

Фалончи ракс тушишни биласизми? Урнингиздан туринг. Баҳор ракс дастаси раккосаларига ушаб уйнаб берасиз. Уч марта тез-тез айлана хосил килингчи! Йикилиб кетай дедингиз, шундайми? Балетда бу усул фуэте деб аталади. Раккосалар 2-3 дакика бемалол айланиб туришлари мумкин. Сиз 3 марта айланиб йикилиб тушай дедингиз. Раккосалар айтишича, факат машк оркали эмас, бу усулни аник техникаси бор экан. 1 дакикадан сунг уни сирини топиб бизга айтасиз. Вакт кетти.

801-савол. *Вохиджон Жабборов. Наманган вилояти Мингбулок тумани Куприкбоши кишлогидан.*

Исландия пойтахти Рейкьявик нисбатан ихчам шаҳар хисобланади. Лекин баъзи пайтлари мажбурликдан катта-катта кемалардан фойдаланишга мажбур булишади. У кемалар қандай вазифани бажаришади?

802-савол. *Вохиджон Жабборов. Наманган вилояти Минёбулок тумани Куприкбоши кишлоғидан.*

Испанияда Христафор Колумб 1492 йилда Америкага саёхатга чиккан "Санта-Мария" кемасининг 20-аср 2-ярмида қурилган нухаси бор. Халигача Барселона портида савлат тукиб туради. "Санта-Мария" кемаси бортига катта килиб Фалон компаниядан Колумб ватандошларига совга - деган ёзув битилган. Савол: кемани қайси компания қуриб совга қилган?

803-савол. *Самарқанд шаҳаридан Жаҳонгир Бозоров.*

Томошабинларимиз кизик. қайси мавзудаги саволлар кизикарли бўлаётган бўлса, шу мавзуда купрок саволлар жуната бошлашади. Бир пайтлар чупонлар мавзуси уларни купрок маъқул келиб қолган эди. Япон театрлари мавзуси бугун купчиликни узига жалб этапти. Куп саволлар шу мавзуда бўлапти. Шулардан энг кизик деб топганимизни сизларга йуллаймиз.

Япон театрида у образни ёш болалар уйнашган. Уларни гунохсиз, бегубор курсатиш учун ҳам айнан шундай қилинган. Савол: ёш болалар сахнада қимни ролини уйнашган?

804-савол. *Самарқанд Давлат Университети талабаси Дилафруз Тамикаева.*

Лев Николаевич Тольстой "Уруш ва тинчлик" асарида Армия тузилишини уни шаклига ухшатади. Айнан тубини, энг йугон қисмини оддий аскарлар ташкил этади. Юқорига қутарилган сайин зобитлар, саркардалар жойлаша бошлади, энг учида қумондон туради. Савол: Тольстой армия тузилишини нимага қиёслаган?

805-савол. *Муқаддас Гайназарова. Тошкент шаҳар Жар-арик мавзеси 39-уй 37-хонадон.*

Ўзбек туйларида сурнай овози албатта янгради. Хар бир ўзбек бу қуйдан рохатланади. Сурнайчи ҳам қузларини юмиб, хузур қилиб чалади. Узи маза қилгач, мухлислар ҳам, эшитувчини ҳам маст қилади. Лекин бир сурнайчи борки, унинг қузи доимо очик туриши керак. Хиссиётга берилмасдан қалиши керак. Савол: нега бу сурнайчи хиссиётга берилмай чалади?

806-савол. *Азиз Рустамов. Навоий шаҳридан.*

Буюк қимёгар Лавуазье Германияга сафарга бориб, қайтишда 10 та шиша идишни оғзини беркитиб Германия хавосидан олиб қайтади. Савол: 10 банка Германия хавосини нима қилмокчи бўлган?

807-савол. *Саидова Сайёра. Богот тумани қипчок қишлоғидан.*

Буюк файласуф Сукрот шогирди Афлотунни ёнига қорлаб, "Сени ақлу-заковатинга, меҳнатқашлигинга доимо қойил қолиб қелганман. Лекин узингни қадрингни ҳам уйлаган. Фикринг теран бўлиб, доимо саломат бўлишни хоҳласанг менга ухшаб юргин" деб маслаҳат беради. Савол қандай? Вакт кетти.

808-савол. Қадимги Юнонлар мол гуштини нафакат қомлигини, қовурилган қолда, қайнатилган қолда, қугланган қолда ишлатганлар. Савол: нима мақсадда қойдаланганлар?

809-савол. Француз файласуфи Андрэ Моруа фикрича, 19-асрда Францияда Прометей билан Олимпия яшаган. Савол: Прометей ким, Олимпия ким?

810-савол. Булат Окуджава асарларидан бирида унга шундай таъриф берган. Узоқдан карасангиз, у уч оёкли аждарга ухшайди, куп тишларини курсатиб ишшайиб турган. Бир карасангиз, дардли чинкириб кулингиз хароратидан худди кукка бузлайди. Дам кари кучукдек зурга кузларини юмиб очади. Унинг нафас олиши тухтагач, сизни хам кунингиз битадигандек туюлади гўё. Савол: Шоир Окуджава бу образли ухшатиши билан нимани аждарга ухшатмоқда?

811-савол. *Тошкент вилояти Оккургон тумани Ойбек кучаси 5-уйдан Адхам Хужамкулов.*

Бундан 2-минг йил илгари Фаргона водийсида 70 дан зиёд шахарлар булган. Уша даврларда шахар макоми айнан улар сонига караб белгиланган. Савол: кимлар сонига?

812-савол. *Самарканд вилояти Жомбой шахри Тошкент кургонидан кобилбек Назаров.*

"Хайратул Аброр" 6-хикоясида бир касб эгаларига шундай таъриф берилган.

"Унинг сузлари ёлгонлиги учун хам, каранг уз тилини узи кесяпти. Бойкуш киёфаси унга ухшайди, шунинг учун уни бошка кушлар талагани-талаган. киёфасини узгартирса булади, йук у узгармайди. Савол: Юкоридаги таъриф кайси касб эгаларига берилган?

813-савол. *Сурхондарё вилояти кизирик тумани Яккатерак махалласидан Рустам Улаев.*

Вильям Шекспир у нарсани унча хуш курмаган. Уни акл угриси деб айтган. Одамлар уз тиллари ва лаблари оркали унга йул беришади, - деб айтган. Савол: нимага йул беришади?

814-савол. *Гуландом Ражабова. Бухоро вилояти Риштон тумани Ибн Сино ж/хдан.*

Швейцариялик механик соат усталари кул соатини кечкурун эмас, эрталаб бурашни соат пружиналарига фойдали дейишади. Савол: нега кул соатини эрталаб бураш керак?

815-савол. *Авазбек Ахмедов. Кува тумани кува куча 33-уй, 5-хонадон.*

Юнон афсонасида уни сеҳргар килиб курсатилади. Ривоятда айтилишича, жангда ёй ва килич ожизлик килганда, куч ва жасорат ёрдам бера олмаган холларда у ёрдамга келган. Унинг сеҳридан хатто тоғлар жойидан силжиб, денгизлар тинчиб колган. Савол: гап нима хакида кетмоқда?

816-савол. *Шайдулло Худойназаров. Сурхондарё вилояти Музработ тумани Халкабод кургонидан.*



Кальман Миксатнинг "Ғаройиб никоҳ" асарида ёзилишича, 17-асрларда Польша аҳолисининг бой, уртаҳол ва камбағал табакалари хонадонида турли дарахтлар экилар экан. Камбағал оилалари купрок шафтоли ва олма экишар экан, чунки 3-4 йилда ҳосилга киргани учун. Уртаҳоллар купрок ёнғок экишар экан. Ҳам сояси, чиройи ва меваси учун. Бир мулоҳаза юритиб қурингчи, ҳурматли билимдонлар бой кишилар асосан қайси дарахтни купрок экишган?

817-савол. Аъзамжон Журабоев. Маргилон шаҳар Янгибоғ маҳалласи Туркистон куча 167-уй.

Христян дунёси Рождество байрамларини ингичка шамлар ёкиш билан нишонланади. карангки, энг зур шам мумдан тайёрланар экан. Узун-узун тутун чикариб ёнса, уша шам сифатли булар экан. Савол: энг сифатли шам ниманинг мумидан тайёрланади?

818-савол. Дилором Нёъматова. Бухоро вилояти Ромитан тумани Ғовхона кишлоғидан.

"Броконьер" сузи французча "нима билан дур ов қилмок" маъносини англатади. Савол: нима ёрдамида ов қилган кишиларни броконьерлар деб аташади?

819-савол. Фарруҳ Хусанов. Андижон шаҳри Шевченко кучаси 6-уй 12-хонадондан.

У нарсага 10-11 асрда Англияда кизикиш кучайди. Герцоглар, графлар, хатто қиролнинг хоббиси эди у. Унинг баҳоси яхши қулларнинг нархидан бир неча баробар юкори булган. Савол: бақувват қулдан ҳам баҳоси юкори булган зодагонлар хоббиси нима эди?

820-савол. Самарқанд вилояти қушработ тумани Хонназар кишлоғидан Элёр Умиров.

Фалончи сиз билан роль уйнаймиз. Сиз узингизни уйнайсиз, мен файласуф Сукротни уйнайман. Сиз мандан: кечирасиз, бу ердан шаҳарга қанча вақтда етиб бориш мумкин? - деб сурайсиз. Суранг. Мен, яъни Сукрот буни айтишим қийин. Кетавер дейман. Сиз яна сурайсиз. Суранг.

Шунда Сукрот йуловчига яна кетавер деб жавоб берган. Савол: Сукрот нега бундай жавоб берган?

821-савол. Комила Абдувалиева. Собир Рахимов тумани Себзор даҳаси 35 б уй 14-хонадон.

Уларнинг асл ватани Арабистон саҳролари булган, кейинчалик дунёни барча давлатларига таркаган. Улар сув тошқинларини келтириб чикариши мумкин, бутун бир шаҳарда чирокларни учуриб қуйиши мумкин. 20-асрда инсоният урушлардан қура улардан қуп жабр қурган. Мухим жихати уткир фаросатга эғалигида. Савол: Гап нима ҳақида кетмоқда?

822-савол. Мансур Эрматов. Каттакургон тумани Буркут кишлоғидан.

Тошкентда "Семашко" номидаги даволаш мажмуаси бор. Семашко - машхур тиббиёт олими ҳисобланади. Шу кишига бир аёл арз қилиб қопти. "Доктор озиш учун нима қилишим керак?" - дебди. Шунда доктор:"қани утиринг, менга каранг. Бошингизни

унга каратинг, чапга каратинг. Мана шу харакатни тез-тез килиб туринг". "қачон шундай килай?" деганда, доктор Семашко бир жавобни берган. Савол қандай?

823-савол. *Наманган вилояти Туракургон тумани Мозоркухна кишлогидан Дехконбой Неъматиллаев.*

Агар битта булса сути купу, жуни кам 2 та булса жуни купу, сути кам. Савол нимани?

824-савол. *Назира Абдуллаева. Нурота шахри Х.Олимжон кучаси 2-уй.*

Сергей Петрович Боткин тиббиётга уларни илк бор жалб этган. Аникроги, уларни жамиятини ташкил этган. Шундан булса керак профессор Боткин номи улар учун кадрли. Савол: кимлар учун?

825-савол. *Алишер Тошбоев. Наманган вилояти Норин тумани Думар кишлогидан.*

Қукон Урдаси битгач, хон олдига саройнинг бош меъмори Мир Убайдулло кириб, хон хазратлари саройни етарли мустахам килиб бунёд этдик. Лекин Урдага якин 9 та жой борки, у жойлар саройга хавф солиши мумкин. Савол: меъмор саройга хавф солган нарсани нима деб тушунтирган?

826-савол. *Сохибилло Абдурахмонов. Фаргона вилояти Бувайдо тумани Турк кишлогидан.*

Машхур норвег сайёхи Тур Хейердаль фикрича - инсониятнинг энг инкилобий ихтироси буг машинаси эмас, электр лампаси ҳам эмас, телевидение ҳам эмас. Унинг фикрича инсониятни ривож айнан у билан боглик. Чунки барча янгиликларни у яратади. Савол: нима яратади?

827-савол. *Фаргона вилояти Қува шахридан Махамадали Мамажонов.*

Айнан у нарса хар йили Италияда 540 млн, Польшада 400 млн, Болгарияда 150 млн килватт соат энергияни тежайди. Яна мисоллар келтириш мумкин. Саволим шундай нима шунча энергияни тежашга ёрдам беради?

828-савол. *Тошкент шахридан талаба Баходир Олимов.*

Мусикага жон киритадиган нарса бу овоз. Овоз булмаса, мусика янграмайди. Агар Нур булмаса - рассом санъати намоён булмайди. Нур-расмга ҳаётбахш этади. Адабиётшунос Хосе Ортего и Гаскет прозага, романга ҳаётни у беради деган. Савол: романга нима ҳаёт бахш этади?

829-савол. Тошкентда нечта халка йул мавжуд. Пекинда халка йуллар сони бу йил яна биттага купайди. Махсус лойиха асосида курилган халка йулнинг охиргиси эди. Савол: Пекинда нечта халка йул курилди?

830-савол. Хиндистонда илонлар жуда куп. Илонларни кутурган пайти хам булади. Айникса бахорда бемалол уйларигача кириб бораверишади. Албатта унга бир сабаб булади. Уша сабабни топиб 1 дакиквдан кейин бизга айтасиз. Вакт кетти.

831-савол. *Насиба Ахмаджонова. Янгийул шахар Султонова махалласидан.*

Тиббиёт оламидаги тадкикотлар натижасига кура олимлар кизик бир холатни кузатишди. Купчиликни хайратга солган бу хулоса шундан иборат эдики, айнан эгизак фарзандлар уша шахарларда куп тугилар экан. Савол: кандай шахарларда?

832-савол. Мухтасар китобида ёзилишича, уларни угирлаш унчалик огир жиноят саналмайди. Аммо уларни болаларини угирлаганлар, энг огир жазо билан жазоланурлар. Савол: кандай угирлик тугрисида гап кетмоқда?

833-савол. *Собира Хайитова. Бухоро вилояти Шофиркон тумани Узбекистон ш/хдан.*

Фуркат! Пишлокни нечта тури бор деб уйлайсиз. Тахминан, Францияда 400 дан ортик тури мавжуд. Энг хуштаъм ва кимматбахо пишлок Рокфор саналади. Тайёрланиши хам, сакланиши муддатлари хам бошка пишлоклардан фарк килмайди. Аммо битта катта фарки бор. Хурматли билимдонлар! Уша фаркни 1 дакикадан сунг фарклар бизга айтасиз. Вакт кетти.

834-савол. *Нурбек Собиров. к.к.Республикаси, Мангит шахридан мухандис.*

Бахтиёр Хужаев! Чойхонага кирганмисиз хеч. Хеч кузатганмисиз, у ерда кандай мавзуда сухбат кетади? Хар хил мавзуда. Жамики янгиликлар, газетада чоп этилмасданок чойхонада гурунг булиб улгуради. Бу шаркона маълумот манбаи хисобланади. Хурматли билимдонлар сизларга бир дакика мухлат, Шарқда ахборот манбаи чойхона булса, кадимдан Европада бу вазифани каер бажарган?

835-савол. *Александр Полонский. Тошкент шахридан. Денгизчи.*

Кемалар портга келгандан сунг, швартовать килинади ва узун занжирли лангар ташланади.

Уша занжирни энг ками 1 метрга жойи силлик металл билан ураб куйилар экан. Тасаввур килаяпсизми, узун занжирнинг сувдан юкоридаги кисмида 1 метрча жой росаям силлик металл билан копланар экан. Саволим шундай нима максатда уша ер сип-силлик килиб куйилади?

836-савол. *Максуд Шаропов саволи.*

Самарканд нонининг таърифиди узок-узокларгача кетган. Негадур бу нонни ёпадиган нонвойлар тузини хиёл баландрок килиб пиширишади. Тузи хиёл баландрок булмаса пишмайди, бу нон. Савол: нега у нонни тузи баландрок булиши керак?

837-савол. *Бобур Ёкубов саволи.*

Гольф майдонлари учун жуда катта махсус жойлар ажратилади. Бир неча гектар жойни эгаллайди. Гольф майдонида текис ё нотекис майдонлар, сувли, кумли жойлар хосил килинади. Кузингизни олдига келтиряпсиз, чамамда. Канададаги Гольф майдонлари урмонзорлар ораларида жойлашган. Гольф уйинлари пайтида, негадур

Гольф тупчалари йуколиб колиш холлари куп кузатилган. Мажбур булиб янгисини алмаштиришади. Савол: туплар каёкка йуколиб колади деб уйлайсиз?

838-савол. Мархамат, "Заковат" сандикчаси олиб чикилсин. Яшил ранг билан кук ранг жуда бир-бирига якин ранглар хисобланади. канчалар якин булмасин, улар барибир ракиб ранглар хисобланади. Узбек мутахассислари яшил ва кук рангни оддий бир нарсада усталик билан намоён эта олишган. Савол: сандикчада нима бор?

839-савол. Фалончи. Сиз болалигингизда кинотеатрга тушганмисиз? кандай хистуйгу булган? Албатта, кино куйилаётган туйнукни кидиргансиз. Шу кичкина туйнукдан чикаётган нур карама-карши деворда акс этаётганига аклингиз бир етиб, бир етмай кузатгансиз тугрими? 20-аср бошларида Хитойга кинематография кириб келгач, улар негадур уни жуда оддий, одатий хол деб кабул килишган. "Бор-йуги, ин-юань экан-ку" дейишган. Кинотеатрни эса "дань инь юань" деб аташган. Дань-бу электр. Савол: ин-юань деб улар нимани аташган?

840-савол. Бу саволни бизга интернет-почта оркали Украиналик дустимиз "Нима?качон?каерда?" уйини "Олтин бойугли" сохиби Борис Бурда юборган.

Мархамат, кошик, вилка, пичок ва ликобча олиб чикилсин. куйинг. Хурматли билимдонлар, Борис Бурда сизни диккат-эйтиборингизни текшириб курмокчилар. Мархамат, 1 дакикадан кейин сервис буйича ушбу анжомларни жойлаштириб беринг.

841-савол. Дунёда шундай нарсалар борки, 2 та нарса бирлашса, дунё кузунгида битта ном билан намоён булади. Биз сурайдиган нарса факат киш ойлари бирлашади. Уларнинг бири факат шимол учун дахлдор булса, 2-чисининг келиб чикиш илдизлари Грецияга бориб такалади. Хурматли билимдонлар, 1 дакикадан сунг уларни биргаликдаги номланишини айтасиз. Вакт кетти.

842-савол. *Дилбар Юсупова. кашкадарё вилояти Китоб тумани Китоб ш/х Айрончи кишлогидан.*

Йўлингиз тушиб, "Айрончи"га бориб колсангиз, Дилбаройни гапларига биноан айрон ичмай кайтмайсиз. Дилбарой бир маълумотни укиб бизга хайрат билан савол йуллабдилар. Бизда азалдан киз билан йигит бир-бирларига узук такишади никох пайти. Швеция давлатида хозир эмас, албатта, 20-аср бошларигача куёв туйда келинга 2 та узук совга килар экан. 1-чиси никох узуги, 2-чиси она булсин деб оналик узугини хам такар экан. Энг кизигини энди эшитинг. Айрим кизларнинг оталари туй куни куёвга узук такар экан. Саволни шундай қуяман, нега хамма оталар эмас, айрим оталар куёвларига туйда узук такишади?

843-савол. *Питнак кургонидан Отамуродова Икболдан савол.*

Ановиларни масхара булишини каранг. 5 тонналик филдан тортиб, йугон аркондек анакондагача, жибла-жибон маймунларни сакрашини куринг. киролман, киролман деб укирасан бир булак гуштга пахмок сочингни хам топшираворасан. Сарик мушук. Йулбарсингдан хам хафа булдим. Нахотки, биронтангда гурур булмаса. Буйсуниб яшагандан кура улим афзал мен учун. Хурматли билимдонлар, юкоридаги монолог муаллифи номини топинг. Вакт кетти.

844-савол. *Ширин Мансурова. Андижон Давлат Университет 4-курс талабаси.*  
Савол экран оркали. Бир киши бешикни пичок билан кертмоқда.

Бошловчи: Хурматли билимдонлар. қадимда нега айрим кизлар ётган бешик кертиб куйилган?

845-савол. *Андижон вилояти Хужаобод тумани Дустлик кишлоғидан 16-урта мактаб директори А.Жураев.*

Орангизда музқаймоқни севмайдиган кишилар булмаса керак, ё борми?

Музқаймоқни ватани Хитой дейишади. Хиндистон дейишиб қуришади. Очиги аниқ бир жойни курсатиш кийин. Чунки иссиқдан сакланиш учун турли маҳаллий музқаймоқ сифат маҳсулотлар мавжуд булган. Аммо 1660 йилда Францияда илк музқаймоқ кафе иш бошлаган. У ерда сутга бироз туз ва муз қушиб музқаймоқ тайёрлаб сотишган. Саволни шундай қуяман бу музқаймоқ Франциянинг қайси шаҳрида очилган?

846-савол. *Баратов Муродулла. кашқадарё вилояти камаш тумани Ойбек куча 118-уйдан.*

Бир-бирингизга каранг ва қадимги Рим фуқаролари урнига қуйинг, узингизни. каранг қийимларгача каранг. Яхшилаб қуз олдингизга келтиринг. Келтирдингизми? Яхши?

Энди саволни эшитинг. Рим ёзувчиси Плинийнинг хикоя қилишича, ҳар бир римлик энг қами қунига 3-4 марта у ерда булиши шарт. Савол қаерда?

847-савол. *Рустам Темиров. Сурхондарё вилояти қизирик тумани Мехнатобод ш/хдан.*

Таҷрибали чупонларнинг фикрича, буриларни отарга ёмгир сочинли қунларда ҳужум қилиш ҳавфи қупрок экан. Савол: нега айёр бури ёмгирли қунларда ов қилишни ёқтиради?

848-савол. *Баходир Иброҳимов. Сурхондарё вилояти Узун тумани Омонов ж/хдан.*

Сизлар Вестминстер халқаро Университетида уқийсизлар. Лондон яқинидаги Вестминстер шаҳарми ё бошқа ном билан аталадими? Лондонликлар Вестминстер аббатлиги деб юритишади адашмасам. Вестминстер қасрида Англия учун буюқ хизмат қилган шахслар ҳақида маълумотлар лавҳалари битилган. Буюқ номлар Исаак Ньютон, Вильям Шекспирлар қаторида Жонас Ханвей деган оддий бир инсон номи ҳам зикр этилган. Бундан 150 йил олдин уни Лондонда русум булган бир ашё билан қуришганки, Вестминстер тарихий мажмуасида уни номи битилишига сабаб булган. Савол: нима уни буюқлар сафига қушган?

849-савол. *Самарқанд вилояти Окдарё туманидан Ворисова Машхура.*

13-14 асрларда қоҳира, Дарбанд, Дамашк, Самарқанд, Бухоро ёки шунга уқшаш Шарқдаги бирор шаҳар дарвозаси олдида, қатор-қатор булиб бир неча кишилар утиришган. Тасаввур қилинг, сизлар уша шаҳар дарвозалари олдида утирган кишиларсизлар. Биронтангизни олдингизга қелиб бир одам сирли белгилари бор бир парча чарм беради. Олинг, ходимимиз қулидан. Рустам Саидаминов сиз олиб солиштириб қуриб қавобини берадиз. Савол: сизлар қимсизлар?

850-савол. *Назаров Худойназар. кушкупир тумани Ших кишлогидан.*

19-асрдан бошлаб газеталар орасида ракобат кучая бошлаган. Англиядаги бир газета бу ишни биринчилардан бошлаган эди. Шу кадар газета оммалашиб кетдики, газета сотувга чикмасданок нашриётдаёк 2-3 хиссага сотилиб кетарди. Бир йил давомида газета бундай шон-шухратга кумилиб юрди. Франциядаги газета мухаррирлари бурниларини тишлаб кашишди. Савол: инглизлар Францияни нимада лол колдиришди?

851-савол. *Жасур Ёкубов. Жиззах шахридан.*

Эрмитаж музейида бир анъана бор. Хамма директордан тортиб, фаррошгача маошларидан маълум бир миқдорини ажратишади. Маълум бир фонд туплашади. У фонд бир ой мобайнида музей учун керакли нарса сотиб олишга ишлатилади. Савол: музей ходимлари бу пулга нима сотиб олишади?

852-савол. Авлодларимиз кадимдан камон билан ов килиб келишган. Масалан, учи 3-4 киррали уklar билан катта-катта хайвонлар айик, йулбарс, сиртлон кабилар овланган. Укнинг учи ингичка ва юпка булса, демак бу камон уклари кушлар, умуман кичикрок хайвонлар учун куллашган. Хурматли билимдонлар, ов пайти мана бундай тумток учли камон уklarидан хам фойдаланишган. Савол: бундай тумток учли камон уки билан кандай хайвонлар овланган?

853-савол. *Саидкамол Абдураззоковга савол бериш ёкиб колган чамамда. Яна бир бор Лондонда Саидкамолнинг саволини уйнаймиз.*

Европадаги номдор ресторанларда ошпазлар учун махсус кийимлар мавжуд экан. Куйлак ва калпок оппок булиши керак, гигиена нуктаи-назаридан, сал кир булса алмаштириш учун. Аммо шимлари катак-катак, ок-кизил, ок-яшил, ок-кук рангларда, худди масхарабозларникига ухшаш булар экан. Савол: нима максатда улар бундай шимларда юришади?

854-савол. *Икбол Юсупов. Наманган вилояти Косонсой шахри Богишамол 1-уйдан.*

1970 йиллардан буён Венгриянинг купгина шахарларида 1-2-3 октябр кунлари мактабу-институтлар, ташкилоти-фирмалар ишламайди. Хатто судларгача ишламайди. Гарчанд норасмий булса хам, давлат идораларигача беркитилади. Савол: 1-2-3 октябр кунлари улар каерда булишади?

855-савол. *С.Фофуров саволи.*

Келин кайси миллатда булишидан катъий-назар бу келин, яъни у албатта бошка хонадонга бориши, уша ернинг одатларига куникиши керак. Келин булиш огир юмушлардан саналади. Эстонияда азалдан туй куни келин шишасимон хумчага когозда бир нарса ёзиб ташлайди. Уни куёвнинг узи, унинг барча кариндошлари тошчалар билан тулдириб сувга улоктиришади. Савол: келин когозга нимани ёзган булиши мумкин?

856-савол. *Саидкамол Абдураззоков. Лондонда юборган бу саволни.*

Юнон афсоналаридан маълумки, Икар отаси Дедал билан Крит оролидаги лабиринтдан кочиб, учиб кета туриб куёшга якинлашиб халок булади. Лекин XX ва XXI-аср кишилари бу парвозни мувоффакиятсиз тугади деб хисоблашмайди. Хурматли



билимдонлар нимага асосланиб, бугунги кун кишилари бу парвозни фойдали дейишмоқда?

857-савол. *Зокир Бегимов. Сурхондарё вилояти Ангор тумани корасув кишлоғидан.*

Авалло унинг борлиги учун ҳам ҳаммамиз бир жойга тупланганмиз. Шу кунгача унинг жуда куп куринишлари мавжуд булган. Аммо сиз билан биз куниққан ва ишонган холатга келгунча у аввал 1 та булган, кейин 2 та, кейин 3 та. Савол: биз ишонган ва куниққан нарса нима?

858-савол. *Нукус шахридан Рашид Матенов.*

Хеч уйлаб курганмисиз, урта асрларда театрларга кириш хаки канча булган. Неча пул булган: Томошалар очик жойларда амфитеатрларда куйилган. Хамма кириб жойлашиб олиб, бир парда уйналгач, одамларни кизиктириб булгач, театр ходимларидан бир нечтаси одамларни орасидан юриб пул йигиб чикканлар. Негадур пул тупловчиларни бир кулларида биттадан канарейка булган. Савол: нега уларни кулларида куш булган?

859. *Гулмира кузиева. Фаргона вилояти Охунбобоев тумани Пахтакор кишлоғи.*

Ч.Айтматов "ок кема" киссасидан парча укыйман:

У яхшиямки куй суруви эмас, таркалиб кетмайди. Лекин баъзан куй суруви булса узини омон саклай олар эди. Чунки тогдан сел келганда, бирор ёкка кимирлай олмай, турган жойида нобуд булаверади. Хурматли билимдонлар, асар кахрамонларидан бири Мумин чол бу таърифни нимага берган?

860-савол. *Наманган вилояти Норин тумани "Шуро" кишлоғидан Баходир курбонов-шифокор.*

Баходиржоннинг саволларини укыйман.

Африка ва Лотин Америкаси, Осиёнинг бир канча худудларида хар йили ёз ойлари турли юкумли касалликлар кузгалиб туради. Хар бир давлат бу борада уз лойихаларини ишлаб чиккан. Бразилия бу борада жуда катта маблағли режа тузган. Унга кура узун-узун трассаларда хар 50 метрни кавлаб кувурлар ёткизиш айтилган. Хурматли билимдонлар, йулга ёткизиладиган кувурлар оркали касалликлар олди кандай олинади. кувурлар нима учун ёткизилади?

861-савол. *Фуркат Курбонов. саволи.*

Мархамат, "Заковат" сандикчаси олиб чикилсин. Хар бир ёзувчи уз халкининг фольклори, урф-одатларини пухта билсагина, улардан керакли жойда фойдалана олсагина, у буюк ижодкорга айланади. Мигель де Сервантес сандикчадаги 2 та Испанияга хос нарсани айнан испан фольклорилан олган. Бахт тушунчаси узокдан караганда бахтсизлик билан бирдек туюлади. Аммо якиндан бахтсизини курганда унга беихтиёр ачиниб кетганинг юз-кузингда хам сезилиб колади. Савол: сандикчада нималар бор?

862-савол. *Нуъмонжон косимов. Андижон вилояти Избосган тумандан. 10-мактаб укитувчиси.*

Европада илгаритдан кул-оёғи синганларни даволовчи кишиларни шундай деб юритиб келишган. Бизда синикчи ёки солувчи деган булса Европада бир ном билан аташган. Бу саволнинг жавобини 11-асрдан кидиринг. Албатта Узбекистон худудидан. Савол: Европаликлар синикчини кандай аташган?

863-савол. *Интернет саволи.*

Тошкент шаҳар С.Рахимов туманидан Холматов Ботир.

Италияда катта миқдорда денгиздан сув олиб ишлатиш таъқиқланган. Савол: ниманинг олдини олиш учун бу қонун чиқарилган?

864-савол. *Умаралиев Мансур. Наманган вилояти Чортоқ шаҳри Ибрагимов кучаси 70-уйдан.*

Хурматли билимдонлар, биласизки, айик номи юлдузлар туркумига берилган, масалан катта айик туркуми ёки она айик юлдуз туркумлари. Ушбу туркумлар доим у ерни аниқлашда хизмат қилиб келган. Сайёҳлар осмондаги айиклар орқали ердаги айикни топишган. Савол: қандай ҳудудни юнончада айик деб юритишган?

865-савол. *Чулиева Хуршида. қарши шаҳар Боғишамол маҳалласидан.*

қадимда деярли барча шаҳарлар яйлов ва адирлар, сахрою-қирлиқларда қурилгани учун ҳам у мавжуд бўлган. Секин-аста шаҳарларни денгизлар бўйларига қучирилиши уни кераксиз ҳолатга чиқарди. У 19-аср 70-йилларигача биз билмаган ном билан юритилган. Савол: 19-аср 70-йилларидан сунг у қандай биз билган машҳур номга эга бўлди?

866-савол. *Мирзаева Дилбар. қашқадарё вилояти Косон туманидан.*

"Заковат" клубига аъзо бўлиши учун қандай китоблар ўқиш керак деб сурашади. Қуп китоб ўқиш керак бу аниқ. Адабий, илмий, дунёвий, асарлардан ташқари қуръони қаримни, Ҳадисларни, Инжилни ўқиш керак. Бу китобларда ҳаётий манзаралар аниқ бир йўналишда зикр этилган. Масалан, Ҳадиси-шаърифда улар энг яқин 160 хонадон деб ёзиб қуйилган. Хурматли билимдонлар, бу қандай 160 хонадон?

867-савол. *Инобат Неъматуллаева - ҳамшира. Наманган вилояти Наманган тумани қумқурғон қишлоқ йиғинидан.*

Қайқовус 12 ёшга тулганда от миниб, қилич чопиб, найза ўриш, қамон отиш ҳулласи барча қарбий юмушларни урганиб отасига намойиш этибди. Отасини бўлса ургатган муаллимлардан қунгли тулмабди. "Сизлар ургатган ҳунарларни зарур вақтда ўғлим учун бошқа қиши унинг урнига қила олмайдиган ҳунарни ургатмабсизлар деб эътироз билдирибди. Ҳуш, хурматли билимдонлар Қайқовус қандай ҳунарни урганиб ўлгурмаган?

868-савол. *Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Қавардон қишлоғи Жаҳонғир Исмамуллаев.*

Орангизда доира қалишни биладиганлар борми? Тасаввур қилинг, доирақисиз. Доирақисизни утга тоблаб қиздирасиз, тугрими? Физикада шундай қонун бор қисм иссиқдан қенгайди, совуқдан тораяди. Қилдиргани эса аксинча таранглатиш учун қиздирилади. Агар физикадан буни қавобини излайдиган бўлсак, қисм иссиқдан аксинча қенгайиб қетиши керак-қу. Хурматли билимдонлар, нимани қисобига қилдирма таранглашади?

869-савол. *Бухоро вилояти қорақул тумани Гулобод кучаси 32 уйдан Холлиева Ҳадича.*

Негадур инсонлар хафа булганда, онасининг корнида кайтарган харакатни эслаб колишади. Хурматли билимдонлар сиз хам 1 дакикадан сунг шу харакатни эслаб курсатиб берасиз.

870-савол. *Хаёт Олимжонова. Жиззах шаҳридан 16 ёшли коллеж талабаси.*

Купчилик уни кунгилочар уйин деб карайди. Умуман барча уйин бориб-бориб спортга айланганидек, у билан минглаб кишилар спорт тури сифатида шугулланишади. Аслида кадимдан эскимослар узокдаги улжани куриш учун буни уйлаб топишган. Савол: эскимослар узокдаги улжани нима оркали куришган? Унинг бугунги номини топинг.

871-савол. Дилбар Мирзаева. кашкадарё вилояти Косон тумани А.Темур ш/хдан.

Машхур рус классик ёзувчиси Иван Александрович Гончаровда шундай ухшатиш мавжуд: "Негадур улар коматларини тик ушлай олмайдилар. Тургандаям, юргандаям олдинга эгилиб юрадилар. куллари доимо тиззада, кузлари жовдираб, эгилиб, салом беришга доимо тайёр турадилар".

Хурматли билимдонлар. Агар улар хизматкор хам, куллар хам булмаса унда улар кимлар?

872-савол. Инобат Неъматуллаева. Наманган тумани кумкургон кишлогидан.

Хамшира.

Япония саноати, эни хам, буйи хам бир ярим метр келадиган ёгоч каталаклар ишлаб чикармоқда. Ичида стол, 1 та стул ва стол лампаси бор, холос. Уни факат ташкари томондан кулфлаш мумкин. Хурматли билимдонлар, бундай махсус ёгоч каталаклар кимлар учун ишлаб чикарилади?

873-савол. Туркменистон Республикаси Тошховуз вилояти Губадаг шаҳарчасидан Сойун Полтаев.

Телевизорлар тарихидан маълумки, уларнинг экрани даставвал думалок булган. Хозир барча телевизор экранлари 4 бурчак. Думалок экран колмаган. Лекин барибир диккат килинса, телевизор экранлари думалок булганлигига бир ишора сакланиб колган. Савол: каерда бу ишорани куриш мумкин?

874-савол. Шерзод Санаев. Навоий вилояти Кармана шаҳри А.Темур кучаси 14-уйдан.

Хитойлар таом ейишда унча-мунчани ортда колдириши исботланган. Овкатланишга катта эътибор беришади. Нонуштани улар чи фань, тушки овкатни у фань, кечкурунги овкатни вань фань деб аташади. Уччала холатда хам фань сузи ишлатилмоқда. Савол фань хитойчасига нима дегани?

875-савол. Узбекистон Давлат Миллий Университети хорижий тиллар факультети талабаси Дилафруз Жабборова.

Хоразмда айрим хонадонларда якин-якинларгача катта-катта хумлар саклашган. Йилнинг маълум бир пайтлари улардан фойдаланишган. Саволим шундай бу хумлар ичига нима солишган ва улар кандай вазифани бажарган?

876-савол. К.Бехзод номидаги Миллий Рассомчилик ва Дизайн институти талабаси Жамшид Валиев.

Мархамат, "Дунё тасвирий санъати тарихи" китоби олиб чиқилсин.

Диккатингизни Римда 2 хил даврда ишланган хайкаллар суратига каратинг. Мана бу хайкаллар Римда эрамиздан аввалги I-асргача ишланган.

Кейинги хайкаллар милодий II-IV асрларда яратилган. Диккат билан карасангиз, 2 та даврда ясалган бу хайкаллар яратилишида фаркни кузатишингиз мумкин. Уша фаркни

1 дакикадан сунг топиб бизга айтасиз.

877-савол. Фалончи ҳеч ёлгон сузлайсизми? Ёлгон сузлаш бу жуда оғир гуноҳ саналади. Буни ҳатто Афлотун ҳам уз битикларида ёзиб қолдирган. Мен ҳеч қачон ёлгон сузлашганман. Мени қасбимда ёлгон сузлаш яхши оқибатларга олиб келмайди. Балки мени қасбим фалончи булганида ёлгон сузлашим мумкин эди. Ҳурматли билимдонлар Афлотун қимларни назарда тутган?

878-савол. У Париж яқинидаги ер ости ҳужрасида сақланади. Охириги 30 йил давомида у билан ҳеч қим алоқага қирмаган. Чунки уни ҳадеб қулга ушлайвериш уни ишдан чиқариши мумкин. Унинг номини бир оғиз суз билан ифодалаш мумкин. Савол унинг номини топинг.

879-савол. Константин Бальмонт шеърдан парча уқийман:

Ботаётган қуёш денгизга қириб

Жаҳлдор булутлар пасайиб аста

Гуё уни упмокчи булиб.

Бу қумлик султониға қилади, таъзим.

Азизим сен ҳам қелдинг

бу қадимий ... мамлақатиға.

Ҳурматли билимдонлар, охириги қаторда битта суз тушириб қолдирилди. Шунини топиб бизга айтасиз.

880-савол. Спорт тугрисидаги саволлар сизларга ёқади, биламиз. Яна бир савол спорт ҳақида.

Нега қиличбозлар, оқ қийимда мусобақалашишади биласизларми? Ҳозир улар хоҳлаган қийимда уйнашлари мумкин. Аммо 1938 йилгача албатта оқ қийимда қатнашишлари талаб этилган. 1938 йилдан сунг нима узғариш булганини эмас, нега унғача оқ қийимда мусобақаларда иштирок этиш мажбурий булганини топиб бизга айтасиз.

881-савол. Мархамат, "Заковат" сандикчаси олиб чиқилсин. Сандикчадаги нарсалар арзимас ҳисобланади. Қуриб қолсангиз, оёгингиз билан эзиб утиб кетасиз. Аммо оққора рангда ишловчи рассомлар ундан усталик билан фойдаланишади. У билан энг нозик, энг қичкина нукталарни қизса булади. Ундай нозик қалам ҳали яратилмаган. Ундан ҳатто Репин ҳам, Урол Тансиқбоев ҳам фойдаланган экан. Ҳурматли билимдонлар, 1 дакикадан сунг сандикчада қандай аҳамиятсиз, қераксиз нарсалар борлигини айтасиз. Вақт кетти.

882-савол. Убайдуллаева Пулатой. Халклар дустлиги 16-уй 50-хонадон.

Бурятларда хар йилги байрамларда елка ва бармоқлар жанги булиб утади. Елка бу - кураш. Савол: бармоқлар жангида нима килишган.

883-савол. Тасаввур килинг, сиз Швейцариядасиз. Диккатингизни пештокига ок байрок илиб куйган бино тортади. Бу кандай бино деб берган саволингизга махаллий ахоли камокхона деб жавоб беради. Унда нега ок байрок илиб куйилган деган саволга улар нима деб жавоб беришган?

884-савол. Холида Очилова шифокор.

Машхур рус классиги Тургенев кабрига вафотидан сунг хар йили бир жамият томонидан катта гулчамбар куйиб кетилади. Савол: кайси ташкилот ёзувчининг кайси хизматлари учун?

885-савол. Энциклопедия биласиз, биронта ибора, суз, ё атамага изох беради. Асосан битта суздан иборат атамаларга таъриф берилади. 1833 йили Петербурглик профессор Бичурин чоп эттирган энциклопедияда хамма суралган атамалар 3 та суздан иборат эди. Бутун бошли китобда берилган 3 та сузларнинг таржимаси деса хам булар эди. Саволни шундай куяман ё кимлар хакида эди ушбу энциклопедия?

886-савол. Пойтахтлар мамлакат юраги саналади. Улар давлатнинг энг осойишта, об-хавоси муътадил, энг хавфсиз шаҳарлар танланади. Пойтахт шаҳарлар номи билан боглик обидалар бор, уларнинг номи зикр килиниши билан кайси пойтахт хакида гап кетаётгани маълум булади. Нон шаҳри - бу Тошкент. Акрополь-Афинани ёдга солади, Эйфель минораси - бу Париж, Кремль - Москвани эсга туширади. Хурматли билимдонлар, дунёга машхур Олтинлар музейи кайси пойтахтда жойлашган?

887-савол. Голландияда 30 апрел мамлакат кироличаси - Беатрикснинг тугилган куни саналади. Айнан шу куни хамма бозорларга шошилади. Уйларидаги сотиладиган нима нарса булса шу куни сотишга ё сотиб олишга харакат килишади. Тежамкор голландлар 30 апрел куни жуда куп нарса харид килишга шошилишади. Савол: нима учун улар шу куни харид билан шугулланишади?

888-савол. Шундай бир машхур спорт тури борки, у 1896 йилдан бери олимпиада уйинларига киритлган. 1896, 1900, 1904, 1908 йиллари бу спортда урин белгилашда жуда катта нохакликлар, жанжаллар булиб турарди. Бунга сабаб хакамларнинг камлиги эди. Протест килган спортчилар у совриндорлар нохаклик йули билан шохсупага кутарилишади деган мазмунда эътироз билдиришарди. Хакамлар хам биз хеч нарсани курмаганмиз елка кисижарди. Хурматли билимдонлар, нега бу мусобакани хакамлар одилона бошкара олишмаган? Бу кайси спорт тури эди?

889-савол. Алишер Холбоев. Сурхондарё вилояти Музработ тумани Бердиев ш/ҳдан.

Фалончи! «Заковат» уйинида бошловчининг кайси ибораси, кайси куп ишлатадиган жумласини унча хуш курмаймиз.

Вакт тугади дейиши билан барчангиз тинчланиб ё осмонга, ё бошловчи утирган хона томон караб куясизлар-тугрими?

Қадимги Мисрда «Вакт булди» жумласи янграши билан хамма бирваракайига бир идишга караган.

Хурматли билимдонлар, вақт тугади ибораси билан нимага ишора килинган?

890-савол. Хасан Жаббаров. Кармана шаҳри Муқимий кучаси 4-уйдан. Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси. Пенсияонер.

Унда дуққакли усимликлардагидек оксил моддаси сероб. Бундан ташкари унда рух элементи ҳам бисёр. Агар ундан таом ёки шарбат тайёрланса, калорияси сигир гуштиникидан 4 баробар юкори булади. Хитойда фермерлар махсус бетон боксларда уларни бокиб ресторан ва кафеларга сотадилар. Савол: нима тугрисида гап кетмоқда?

891-савол. Умар Холмуродов. Бухоро вилояти қоракул тумани қозон қишлоғидан.

Ойнинг 15 қоронғу булса, 15 ёруғ деган халқда нақл бор. Дунёда бир махсулот ишлаб чиқарадиган машхур фирмалар учун бу мақол бошқачарок, яъни ойнинг 20 қуни ёруғ, 10 қуни қоронғу. Айнан шу 10 кундан улар фойдаланиб қолишади. Изох бераман, ой ерни тортиш қувватига эга. 15 кун ой ерни қаттиқ узига тортиши оқибатида доврахтлар ширалари юкорига қутарилади. Ширалар жойига қайтиши учун яна беш кун қутилади. Сунгра улар қутган 10 кун келади. Хурматли билимдонлар, қайси соҳа қишиларига бу 10 кун керак?

892-савол. Рамзиддин Саидов. Бухоро вилояти Жондор тумани Пасана қишлоғидан.

Уқ отадиган қуроллар, яъни милтик қайси асрда пайдо булган? 16-асрда албатта Европада. Милтикнинг пайдо булиши билан аста-секин у қишиларнинг ҳам қадри пасая бошлади. Пасайиб-пасайиб буткул йук булди. Йук булди деёлмайман, албатта номлари сақланиб қолди. Саволим шундай уқ отадиган милтикни пайдо булиши билан қандай номдор қишилар уз қадрларини йукотдилар?

893-савол. Дилноза Ахророва. Ургут шаҳри А.Жомий кучаси 51-уй.

Марҳамат, «Заковат» сандикчаси олиб чиқилсин. Унинг қадру-қиммати қам, қукси ва бугзи тор, қочок булмаса ҳам банди, угри булмаса ҳам боғланган, урушда булмаса ҳам найза урилган, жарохатланган, утга тушса узгаради, дам беради, дам ҳам олади, суҳбатдошдан ардоқлироқ, қариндошдан узокроқ. У нарса сандик ичида ҳам, атрофда ҳам бор. Савол у нима?

894-савол. Навруза Эгамбердиева. Гулистон шаҳар Набиева кучаси 41-уй.

Ўзбеклар илгарилари қишни танчада утқизишган. Кейинчалик уйлар иситиш қувурлари, исик сув ёрдамида иситила бошланди. Уйлар ичида ё қувурлар ё бошқа мосламалар қуриниб туради-қирсангиз. Шундай бир мамлакатда иситиш қувурлари хонадаги поллар остига спирал қилиб жойлаштириб ташланади. Савол: қайси давлат бу?

895-савол. Мавжуда Холикова. қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри Исабек кучаси 63-уйдан.

Нью-Йорқдаги Марқазий универмағларда дипломли тиббиёт ходимлари штатда туришади. Тугри биздаям бор бундай штатлар. Аммо у ерда болалар қийими билан



савдо килувчи булимда алохида шифокор хонаси хам бор. Савол: бу шифокорнинг ихтисослити нима?

896-савол. Тошкент вилояти Паркент тумани Бегматов кучасидан Наргиза кулбоева.

Ажойиб шоиримиз Ўзбекистон қахрамони Эркин Воҳидов шеърларидан бирини уқийман:

Бас бошимда камчи уйнатма!

Куксимдаги

Ухлаб ётган хисни кузготма!

Хаддан ошма!

Ўз бошинга узинг етасан,

Этларингни

Нимта-нимта килсам нетасан!

Хурматли билимдонлар, машхур шоиримиз ёзган бу шеърый асар қахрамони кимга, қайси касб эгаларига қарата бу хитобни қилмоқда?

897-савол. Умиджон Назаров. Сирдарё вилояти Сардоба тумани Бустон ф. уюшмасидан.

Утган уйинимизда хушхур чумолилар ҳақида бир савол булувди.

Вестминстер жамоаси хам курук қолмасин. Сизларга хам битта шунақа савол. Таиландда чигиртқани қанчалик яхши қуришмасин март ойидан октябрғача уни истеъмол қилишдан тийилиб туришади. Нега шу даврда улар чигиртқани истеъмол қилишмайди?

898-савол. Рашид Матенов асли Нуқуслик. Автомобиль йуллари институти талабаси.

Бир пайтлар «Заковат» уйинларида хайвонларга қуйилган хайқаллар бериш русум булган эди. Уша пайтда ҳамма хайқалларни бериб булғандик деб уйлаган эдик. 1 таси қолиб кетган экан. Хурматли билимдонлар, нега англиядек давлатда бурига хайқал қуйишган деб уйлайсиз. Вақт кетти.

899-савол. Савол осон, аммо биров чалқашроқ. 6 киши 1 дақиқа ичида бу чалқаш саволни жавобини топасизлар деб уйлайман. Россиядаги уй-музейлардан бирида 1910 йили темир йул врачининг тиббий хулосаси ёзилган варақа сақланади. Унда пассажирнинг исми-шарифи ёзилиб «12-поезднинг пассажири эди»-деб ёзиб қуйилган. Мен сизлардан пассажирнинг номини эмас, бу уй-музей қаерда жойлашганлигини сурамоқчиман. Вақт кетти.

900-савол. Марҳамат, «Заковат» сандикчаси олиб чиқилсин. Бу лотинча сузни ўзбекчага уғирилса – поғона деб таржима қилинади. Сандикчадаги нарсада бир нечта поғоналар мавжуд. Поғоналарнинг биттасини ранги қизил. қолган поғоналарнинг ранги бир хил. Хурматли билимдонлар сандикчада нима бор?

901-савол. Утган уйинда сизларга қиличбозлик спорти тарихидан биров савол йуллаган эдик. Уша саволни давоми: Эшитинг: У спорт тури 1912 йилдан олимпиада

уйинлари дастурига киритилган. кизиги шундаки, бу спорт тури 1912 йилдан то 1948 йилгача зобитлар спорт тури дейилган. Унда фақат харбийлар катнашишга рухсат этилган. Хурматли билимдонлар, бугун бу спорт турини нима деб атаймиз?

902-савол. *Александр Друзь Санкт-Петербург.*

Якинда Москвага боргапнимизда, Александр Друзь бу саволни билимдонларга бериб курилинг, топа олишармикан деб берган эди. Савол: унча кийин эмас Друзнинг фикрича. Бу савол 2-жаҳон уруши давридаги бир воқеа хусусида. Санкт-Петербургда Академик Вавилов номидаги усимликшунослик институти бор. II-жаҳон уруши вақтида биласиз. Петербург 900 кун камалда ушланган. Купчилик институтлар, заводлар ва фабрикалар бошқа ерларга кучирилган. Аммо Вавилов номидаги усимликшунослик институти шаҳардан ҳеч қаерга кучирилмаган. камал бошлангач, бироз вақт утиб, институтга қоровул қуйиб ёпиб қуйилган. Ҳеч ким киргизилмаган ва каттик курикланган. Савол: нима мақсадда институт ёпиб қуйилган?

903-савол. ИНТЕРНЕТ

Хинд ва Тибетлик йоглар бутунлай гушт ейишмайди. Олий тоифали Вегетарианлар саналишади. Улар асосан сабзавот, мева, сут маҳсулотларидан истеъмол қилишади. Хатто айрим меваларни ейишдан узларини олиб қочадилар. Бу меваларни истеъмол қилиш увол деб билишади. Савол: нега улар меваларни ейишдан қурқилишади?

904-савол. Тропик мамлакатларда у бино ичида қуну-тун қучли ёруғликка эга чироклар ёниб турмасе булмайди. Савол: қаерда?

905-савол. Англияда 17-асрда у кенг оммалаша бошлади. Одамлар ҳам уни ёктириб қола бошлашди. Қорхона раҳбарлари иложи бориша иш вақтида уни ишчиларига бермасликка ҳаракат қилардилар. Чунки у ишчиларнинг қуп вақтини ола бошлаган эди. Иш тугагач, марҳамат хоҳлаганча унга ҳеч қандай чеклов йук. Хурматли билимдонлар, инглиз ишчиларига иш вақтида нимага рухсат берилмаган.

906-савол. Спарталик жангчилар ута маҳоратли ва айёр булишган. Уларнинг энг ката душмани юнонлар булган. Улар ҳуфия жанг олиб боришга ҳам устаси фаранг эдилар. Юнонлар иктисодини синдириш билан уларни енгиш мумкин деб ҳисоблашган. Юнон иктисодини синдириш учун эса тунда тудаларни мамлакат ичкарасига киргизишар эди. Хурматли билимдонлар, бу жинойтчилар тудалари тунда нима иш билан Юнон иктисодига путур етказишар эди?

907-савол. Афиналик Галидис Оноприс деган шахс 1-олимпиада уйинларида 6 та бронза медали олган, 1896 йилги олимпиадада. У югуриш, тош қутариш, қураш, сакраш мусобақалари бўйича бронза медал олган. Уйлаб қарасангиз, бир-бирига ухшамаган спорт турларидан у совриндор булган. Савол: нега унга 4 та қарама-қарши спорт турларидан бронза медал беришган.

908-савол. *Мирза Жумаев – шифокор. Окдарё тумани Дахбет ш/хдан.*

Фалончи! Тасаввур қилинг, сиз харбийсиз, ё ички ишлар офицерисиз. Сизга хизмат юзасидан қурол беришади. Уч ва сизни руйхатга олиб қуйишади. Қупгина давлатларда хоҳлаган қуролни дуконлардан ҳам сотиб олса булади. У ҳолда ҳам уларни албатта руйхатга олиб қуйишади. Чунки у совук қурол. Ундан ноурин

фойдаланилса, инсониятга озор етиши мумкин. Биз билган маълумотларда Таиланд билан Финляндияда ук отар куролдан ташкари яна бир анжом албатта руйхатга олиб куйилади. Хурматли билимдонлар, у кандай анжом?

909-савол. *Зиётова Хулкар. Самарканд вилояти Нарпай тумани Бешкозок кишлогидан.*

Мугул халки азалдан ёввойи ва утрок халк булган. 1206 йилда тахтга Тимучин-Чингизхон келади. Муғуллар уни «уммондай улуг зот», - таърифлашар эди. Хурматли билимдонлар Хулкар Зиётова сураяптилар, муғуллар кайси уммонни назарда тутганлар?

910-савол. Дунёда рекордлар жуда куп. Спортдаги рекордлардан ташкари Гиннес рекордлари хам мавжуд. Англиялик Стив Вудморга тегишли бу рекорддаги ракам 637 ни ташкил этади. Хурматли билимдонлар, сизлар хам биргалашиб 6 киши Вудморнинг рекордини янгилашингиз мумкин. Бир дакика мухлат. Вакт кетти.

911-савол. *Дилафруз Муминова. Фаргона вилояти Қува тумани Қайрағоч кишлоги.*

Уни 1903 йили бир француз нашриёти реклама компания сифатида ташкил этган эди. Халигача давом этмоқда. Давом этганда хам катта масштабда давом этмоқда. Франция иш вақтини бекорга кетиши хисобига хам 2 млрд. доллар зарар куради. Хозирда уша кунлари амнистия хам ташкил этилган. Майда безорилик билан камалганлар озод этиб юборилади. Хурматли билимдонлар нега уша вақтда Францияда хеч ким ишламайди?

912-савол. Бу спорт туридан 1924 йили 1- қишги олимпиада чемпиони норвегиялик Ян Туллис булган. 49 м натижа курсатган. кайси спорт туридан?

913-савол. 1904 йилги олимпиада Сент-Луисда булган (АКШ) 655 та спортчининг 533 таси АКШлик булган. Нимага купчилик Европа давлатлари бу Олимпиадага келишмади.

914-савол. Олимпиада хар 4 йилда бир марта булади. 1-чиси 1896 йилда, 2-1900, 3-чиси 1904 йилда, 4-чиси негадур 1906 йилда утказилди. Савол: кандай сабаб туфайли 1906 йилги олимпиада утказилади.

915-савол. Буюк табиб Абу Али ибн Сино умрининг охирида шундай фикрга келган: Ибн Сино касални даволашдаги биринчи дори-дармон деб уни билган. Агар у булмаса, хар кандай гиёх, малхам ва дори бир пул. Савол: Ибн Сино касални даволашда нима бирламчи деган?

916-савол. Галилео Винченцо Галилей Пиза минорасидан ташлаган 2 та думалок предмет нимадан ясалган эди?

917-савол. У Эдинбург университетида укиб юрган кезлари, касаллар операция килинаётганда куркиб денгиз буйларига кочиб колар эди. Кечга якин хориб-чарчаб кайтиб келарди. Ётоқхонада денгиз буйидан тутган чиганоклар, моллюскалар,

чувалчанглар, майда баликларни томоша килиб тонг оттирар эди. Савол: юкоридаги киши агар шифокор булмаган булса, кайси сохада етук олим булиб танилди?

918-савол. Бу вилоятда ахоли нихоятда зич яшайди. Агар Бустонлик туманига солиштирилса, Бустонликни майдони у вилоятдан 2 баробар катта, ахолиси у вилоятдан 10 баробар кам. Бу кайси Узбекистондаги вилоят?

919-савол. Хар бир шахарни узига яраша номлари бор. Лондон-туманлар шахри, Париж-гузаллар шахри, Монако-казинолар шахри ва х.к. Европадаги кайси пойтахт денгизчилар шахри деб аталади?

920-савол. Араб Амирлигининг пойтахти Абу-Даби хисобланади. Махаллий аҳоли Абу-Дабини гурурланиб хамма амирларга пойтахт-шахар дейишади. Савол: нечта амирга пойтахт бу шахар?

---

921-савол. Албания, Австрия, Гана, Миср, Иордания, Ирок, Яман, Малави, Мексика, Польша, Панама ва яна 11 та давлатни бирлаштириб турувчи бир жонзот бор. Савол: у жонзотни 1 дакикадан сунг топиб бизга айтасиз?

922-савол. Гиннес рекордлар китобининг энг катта тезлик булимида бир неча йил олдин урнатилган бир рекорд зикр этилган. У бир зумда барча рекордлардан 10 баробар ортик натижани курсатди. Хурматли билимдонлар, барча тезликларни хисобга олган холда бу рекорд урнатилган кунини ва йилини аник айтиб беринг.

923-савол. Инсондаги тана аъзоларини мукаммал урганган Леонардо да Винчи фикрича, инсондаги энг серхаракат аъзо у, у чузилувчан, кискарувчан, озувчан, семирувчан, эгилувчандир. Ундаги мускуллар сони 7 та. Бу аъзо нега Леонардо да Винчини кизиктириб колгани тушунарсиз холат? Саволни эшитинг, бу инсоннинг кайси аъзоси?

924-савол. Фалончи! Харбий комиссариятнинг асосий вазифаси нимадан иборатлигини биласиз, чамамда. Харбий хизматни утганмисиз? Демак, харбий булимлар хозир асосан йигитларни харбийга сафарбар килади. Ва уларни харбий тайёргарлигига жавобгар ташкилот. Қадим Мисрда ва Хитойда харбий булимлар зиммасида яна бир масъулиятли вазифа булган. Хурматли билимдонлар, харбий булимлар яна кандай вазифани бажаришган?

925-савол. 16-асрда Француз табиатшуноси Пьер Белон илонни, курбакани, тюленни, хатто тимсох билан бегемотни хам улар каторида санаш керак – деган. Чунки уларда жуда куп ухшашликлар бор. Хуш, Пьер Белон юкоридаги жониворларни кандай аташни таклиф этган.

926-савол. Қадимги Римда бундай кишилар ута кадрланганлар. У тоифа кишиларни жуда иззат-хурмат килишган, чунки улар жуда берилиб ишлайдиган, шугулланадиган кишилар булишган. Сизнинг орангизда бир неча киши бу номга эга.

Аммо кадимги Римдагидек вазифани берилиб бажараяптилармикин.? Бир нарса дейишим кийин. Хурматли билимдонлар, сизларга бир дақиқа мухлат, берилиб ишлаган кишиларни ким деб аташган?

927-савол. «Заковат» интеллектуал уйинида бир деталдан фойдаланамиз. Бу детални ва оролдагилар ҳам худди шундай номлашади. Бизни уйинимизга файз берувчи бу детал қарангки, Яваликларда ҳам у хурсандчилик белгиси экан. Хурматли билимдонлар, Ява оролидагиларнинг нимасидан биз курсатувда фойдаланамиз?

928-савол. Гёте фикрича, норози кишилар асосан 2 хил булар экан. Актив ва пассив. Актив норозилик – бу нафрат. Пассив норозиликни 1 дақикадан кейин сизлар айтасизлар.

929-савол. Унинг бундай деб номланишига бир неча сабаблар бор. Биринчидан кенг пешонаси, алпкоматли, келбатли кенг кукрак кафасга эга булганидан. Лотинчада унинг номи ҳам кенг деб таржима қилинади. Кенг даражали аклни янада кенгайтириш учун унга эшитганларининг узи кифоя қилган. Хурматли билимдонлар, юкоридаги кенг билим сохибини осонгина топарсиз деб уйлаймиз. Вакт кетти.

930-савол. *Дилбар Мирзаева. Қашқадарё вилояти Косон туманидан.*

1918 йили эндигина 18 ёшга тулган Берлинлик бу этиқдуз йигитчани омади келиб, харбий хизматдан қолиб кетади. Балки у хизматга кетганда, уша пайтда 1-жахон уруши хали давом этаётган эди, урушда оддий бир жангчи сифатида вафот этиб кетиши мумкин эди. У 1972 йили дунёга машхур фирманинг асосчиси сифатида дафн этилади. Хурматли билимдонлар, сизлардан бу кишининг исми-шарифини эмас, унинг дунёга машхур фирмаси номини сурамоқчимиз. Вакт кетти.

931-савол. Мархамат, «Заковат» сандикчаси олиб чиқилсин. Биз Туркистонликлар сандикчадаги нарсани 100 йил олдин умуман курганмиз. Бу нарса кашф қилиниши билан ёзувчилар учун кенг мавзу бошланган. Уни шайтонни куроли қилиб ёритишган. Европа ибодатхоналарида ундан фойдаланиш умуман тақиқланган. Қуриниши совук булгани учун уни ажалга киёслашган. Ундан даставвал факат кироллар фойдаланишган. Қупчилик бугун у билан қунига 2-3 маротаба дуч келади. Савол: сандикчада нима бор?

932-савол. *Усмон Рахимов. Жиззах вилояти Зафаробод шаҳридан.*

Хаммом -бу одамзотнинг энг лаззатли кашфиётларидан бири. Чунки поклик аъмоллар ичидаги энг кераги, фойдалиси ҳисобланади. Хатто «Кайковус»да «хаммомга бормок зикрида» деган банди ҳам бор. Хаммомга покланиш учун борурлар деймиз, негадур «кобуснома»да хаммомга қандай қирган бўлсанг шундай чиқил деб ёзиб қуйилган. Хурматли билимдонлар, не сабабдин бундай жумла ёзилган. Сабабини топинг, вақт кетти.

933-савол. *Дилафруз Аҳмедова. Фаргона вилояти Ўзбекистон тумани Дустларобод қургонидан.*

Савол: Табиатда учрайдиган бу катта ва чиройли нарса нима ?

1220-савол. Пекинда хозирги кунда хам илгариги император саройи ховлисида 6 га 6 хажимдаги махсус тупрок ховуз бор.Манашу 6 га 6 хажмдаги ховузга ичидаги тупрок кайердан олинган?

1221-савол. Дунедаги энг хушхур баликлардан бири макрурус балиғи доимо бошсиз сотилади.Уни бу кўринишда сотилишига катта бир сабаб бор.

Савол: Нега шундай сотилади?

1222-савол. Н.Бонапарт Францияда турли реформалар утказган .Хусусан ишчиларни назоратга олишни таклиф этган.Шуни окибатида биз биладиган , амалиетга кул урилган.

Савол: Нимани Напалеон Бонапард бошлаб берган ?

1223-савол. Бу камокхона хар кандай рекордларни янгилаши мумкин катталиги жихатидан. Уни катталиги 8 млн.кв.км.Бу камокхоналарда жиноятчиларни бокишни хам хожати йук. Улар узларини узлари бокишади.

Савол : Уша гигант камокхонани топинг?

1224-савол. Кемаларда денгизга умуман сувга нисбатан балансини текшириб турадиган сувдон булган.Нега уша идиш ичига ег солиб куйишган?

1225-савол. Кутуриш касаллиги хамма инсонларда ва жониворларда учраши мумкин.Факат бир хайвоннинг иммунитети кучлилиги учун уни бу касалдан озод деса хам булади .

савол: У кандай номланади ?

1226-савол. Ривоятга кура элда кахатчилик булиб турганда , ейишга ,экишга хам бир сиким дон топилмай колганда кекса бир доно киши сичкон уясини кавлаб анчагина донни топиб олади.Сичкон инидан чиккан дон билан эл кутилиб колади .Шунинг учун хам одамлар унга хурмат курсатишган .

Савол: каерда хурмат курсатишган ?

1227-савол. Машхур гроссмейстер Михаил Талда шахматчиларга берилмайдиган бир унвон бўлган.Айтиб кўяман шахматда эришган ютуқлари учун берилган.

Савол: кандай унвон?

1228-савол. 1994-йили Аддис-Абебалик Мао Анбесса унинг хокини биз Эфиопияга олиб кетишимиз шарт деган кулгули ултиматум билан чикди.Аммо бунини иложи йук

эканлигини ва у бор йуги шов-шувга лойик ходиса деб бахоланди.У кимни хокини Эфиопага олиб кетмокчи эди?

1229-савол. Искандарнинг оти Буцефал жуда хурковуч булган. Қарийб 4та чавандоз буйсундиrolмагач,Искандарнинг узи буйсундиради.У отни чавандозлар хайдаган томонга эмас,карама-карши томонга хайдайди.

Савол:кайси томонга хайдайди?

Жавоб:куешга каратиб хайдаган.

1230-савол. 14-асрдан то 19-аср охиригача уларни қуриш ,таъмирлаш ишлари билан Буюк Британия адмираллиги шуғулланган .

Савол: кандай иш билан?

1231-савол. Айнан шу пайтда мяга кон оз микдорда келади.коннинг куп кисми бошка юмушга сафарбард килинади.Натижада бўшашиш холати рўй беради.

Савол:Бу инсондаги қандай жараён ?

1232-савол. 19 аср Венгрияда бойлик белгилари жуда кўп бўлган.Масалан пойтахтда хизматкорлар сонига караб,четрок кишлокларда отлар сонига караб билишган.Трансильваниядаги бой хонадонларни узоқдан хам билса булган.

Савол:кандай билишган?

1233-савол. Стендаль <<Қизил ва Қора>> романида ундан фойдаланишни тавсия килган ,У ахмокларнинг Хурмати,гудакларнинг хайрати,боёнларнинг Ҳасадию,доноларнинг нафрати .

Савол:Стендаль нимага таъриф берган?

1234-савол. Уни илк бора кайси халқ ўйлаб топган деган жумбоққа қуйидаги халклар даъвогарлик қилишади: юнонлар ва римликлар,мисрликлар ва эронликлар,хиндлар ва хитойликлар. Ҳатто кельтлар ва скифлар хам давогарлар орасига киришади.

Савол:Шунча халклар кандай ақлли нарсага даъвогарлик қилишади?

1235-савол. Биз куллайдиган бир атама мавжуд.Унинг илдизи дуненинг етти муъжизасидан бири булган .Юнонларнинг Калий вилояти Ҳукумдорининг хилхонасига бориб такалади.Бу иншоот шундай дабдабали курилганки ,биз хозиргача ўшандай дабдабали биноларни юнон Ҳукумдори номи билан атаймиз.

Савол:Уша Ҳукумдор номидан келиб чиккан атамани айтинг?

1236-савол. Бир бойвачча хоним ўз хизматкорига,агар ўлсам давлатимни сенга хатлаб бераман-,дейди.Хизматкор хонимни тезрок жунатиб,бойликларга эга бўлиш пайига тушкандир деб ўйларсиз.Аксинча у хонимни узоқроқ яшашини хохлаган.

Савол:Нега?

1237-савол. Даставвал кульминация сўзини юнонлар бир ерда ишлатишган.

Савол:Юнонлар бу сўзни қаерга ёзиб қўйишган?

1238-савол. Англия пул бирлиги фунт – узунлик улчов бирлиги.Европада яна бир давлатда евродан олдинги пул бирлиги Ҳам узунлик улчов бирлигини англлатган.

Савол: кайси давлат пули ?

1239-савол. 7-8 асрларда Эрондан топилган тарихий хужжатда шундай мажбуриятлар езилган эди.Худо номи билан касам ичаман,уни сотмайман,карз хисобига,кулликга хам,бошкалар химоясига хам бермайман.

Савол:Юкоридаги Хужжатда қандай мажбурият зикр этилган?

1240-савол. Япон шеъриятида 3 мисралик хоккулар жуда кийин маънога эга шъерлар Ҳисобланади.Масалан Такараи Кикакунинг 3 каторли хоккусини эшитинг:

Ухлаб етар хизматкор тонгда

Кумилиб гул япрогига

Мен уни кечирдим..

Савол:Нима учун хизматкорни кечирган?

1241-савол. Бу суюкликда Лизоцин деган микробларга карши оксил булади.Шунинг учун Византия ва Эрон аеллари ундан атиргул суви билан аралаштириб малхам тайерлаб, ярадорларни ярасига боғлашган.

Савол:Бу қандай суюклик ?

1242-савол. Бу мамлакатда хар йили кайик регатаси буйича мусобака булиб туради. Бу регатанинг узунлиги аник 81 км.600 метрни ташкил этади.(Океандан океангача» деб номланган бу регата кайси мамлакатда булиб утади ?

1243-савол.

1990 йил – Михаил Горбачев .

1991 йил – Михаил Задорнов.

1992 Йил - Борис Ельцин.

Ушбу йилларда бу шахслар бир ишни бажаришган. Қандай масулиятли ишни?

1244-савол. У1890 йили Англиядан Цейлонга бориб бир қанча чой плантацияларини сотиб олади ва чой сохасида инқилоб қилади.Бугун Англиядаги асл чойларни ушбу савдо белгиси остида ичишингиз мумкин.Бу одамнинг исми Томас Жонстон. Фамилиясини топинг?

1245-савол. Ҳазилнамо савол. Кейптаунлик бир журналист 12-фарзандини кўрганида, унга Нуқта деб ном бериб кўрди. Бўлмади, 13-фарзанд кўрганда Тамом деб исм қўйиб кўрди, бўлмади. Орадан бир ярим йил ўтиб яна бир фарзанд кўради. Савол,журналист ота бу фарзандига қандай ном берган?

1246-савол. 19 аср охирларида Россия императорига денгиз транспорт вазири бир шахсни жазосини бериш кераклиги ҳақида норозилик хати ёзади.Уни ёзишича Россия флоти бу даражада қолоқ эмас деган даво билан чиқади.

Савол: У кимни жазолашни сўраган?

1247-савол. Самуэль Кольт ёшлигида кемада матрос бўлиб ишлаган экан. У ўзининг энг катта кашфиётини ҳам кеманинг қисмига қараб яратган деган фикр мавжуд.

Савол: Кеманинг қайси қисмидан у нимани яратган?

1248-савол. 1990 йилдан кейин Россия шаҳарларига эски номлар қайтариб берилди. Масалан Куйбишевск-Самара бўлди, Свердловск-Екатеринбург бўлди. Айтингчи Калинин шаҳри хозир қандай аталади.

1249-савол. Николай Васильевич Гоголь <<Ревизор>> комедияси персонажи хоким Антон Антонович монологидан: Мактаблар нозирига, бир тарих фани ўқитувчиси дарсида бўлган эдим. Умуман дарсни яхши бошлади, аммо мавзу Александр Македонскийга келганда, отаси Филипп билан бўлиб Утган жанжални шундай берилиб тушунтирдик, кўрқувдан юрагим хапқириб кетди. У А.Македонскийдур, қахрамондур.. Аммо унда нима айб. Хоким у деб нимани назарда тутган?

1250-савол. 1993 йилги маълумотга кўра пиво ватани ҳисобланмуш Германия уни истеъмол қилиш бўйича бор йўғи 3-ўринда экан. Йилига 112141 гектолитр ичилар экан. 1-чи ва 2-чи ўринда турган давлатларни ўрнини аниқ ёзинг.

1251-савол. Украинлар «Доброго ранки», японлар «Ниозимо нориосе» ибораси билан айтмоқчи бўлган тилак инглизларда қандай аталади.

1252-савол. Россия фуқороларининг эмиграция ҳисоб китоби бўйича 1992 йилдан-1999 йилгача 1,5 фоизи Испанияга, 7,1 фоизи Грецияга, 9,7 фоизи АҚШ га яшаш учун кўчиб кетган.

Савол: 72,3 фоиз россияликлар қайси давлатга кўчиб кетишган?

1253-савол. Германия Бундеслигасидаги бу жамоага чемпионлар лигасида Мальоркаям, Бундеслигадаги Боруссиягаям, Гертагаям бир хил ҳисобда ютқазилган. 2 та саволга жавоб беринг. 1-қайси жамоага, 2-қандай ҳисобда?

1254-савол. Европанинг бир қанча давлатларида маълум муддат, катта урушлар ва эпидемиялардан сўнг қонунан унга рухсат берилган. Савол, нимага?

1255-савол. Луис Мамфорд, «Хамма авлод негатур ўз оталари авлоди ишига қарши бўлишади. Бу мақсадда ўзларига иттифоқдош қилиб уларни олишади»

Савол, кимларни?

1256-савол. Бу Украинадаги шаҳар номини 1962-йилда қўйилган. Украинлар ҳазиллашиб, бу шаҳарни номини 40% га қисқартирилиб қўйилса ҳам бўлардию, унда



бу ерда украинлар эмас, испанлар яшаши керак бўларди. Сиз у шаҳарни 100% ли кўринишини ёзиб беринг.

1257-савол. Россия экспремъери Михаил Фрадковни лақабини биласизми? 1974-йилда экран юзини кўрган бир сериал қаҳрамонларидан бирини номи билан аташади. Қандай аташади? Лақабини топинг.

1258-савол. У 1769-йили дунёга келган, Карло отананг ҳаракатларию, Летиция хонимнинг хоҳишига биноан. 4 та акаси, 3 та синглиси билан вояга етди. Бир қанча асарларга қаҳрамон бўлди. Яна битта жумла ишлатсам савол очилиб қолади. Савол, 1769-йили ким туғилган?

1259-савол. Географияни чуқур биладиганлар у-н савол. Бу орол давлатнинг асосий тили – инглиз. Пул бирлиги Австралия доллари. Тинч океан ғарб эквотариал қисмида жойлашган. Пойтахти – Баирики. Агар шу сўзга битта Т ҳарфи қўшилса, юқоридаги Баирики ва Т ҳарфидан фойдаланиб, бу давлат номини топиш мумкин. ўша давлат номини топинг.

1260-савол. 1833 йили бу инсон Франциядан Россияга қочиб ўтади.Нидерландиялик барон Геккерк уни ўзига ўғил қилиб олади.Гарчи ёши 27 да бўлсаям .Аmmo орадан 4 йил ўтиб уни суд қарорига асосан яна қайтариб Францияга жўнатишади. Савол: Сиз уни қандай гуноҳи учун ҳайдалганлигини ва исми шарифини ёзиб беринг?

1261-савол. Актер Олег Табаков ўйнаган фильмлардан сўнг кўплаб телеграмалар олганини айтади.Уни эсида қолган телеграмаларидан бири Германиядаги бир оиладан келган нома экан .Унда «Раҳмат сиз Вальтер амакимизни жуда меҳрибон қилиб тасвирлабсиз»-дейилган.

Савол: Актернинг қайси роли учун у бу телеграмани олган ?Фамилиясини айтинг.

1262-савол. Германия бирлашгач унинг ягона пойтахти бўлишига Бонн ҳам Берлин ҳам даъвогар бўлган.Аслида Берлин шубҳасиз биринчи даъвогар эди. Бонн ва Берлин кўчаларида ҳайдовчилар билан ўтказилган текширувдан кейин Берлин пойтахт бўлишига шубҳа пайдо бўла бошлади. Савол:Айтингчи нима комиссияни ўйлантириб қўйган?

1263-савол. Мухбирларнинг «чукчалар нега футбол ўйнамайди?» деса, бир хозиржавоб чукча: «Чукчалар футбол ўйнашмайди улар...» Марҳамат давом эттиринг.

1264-савол. Александ Дюмага боғлиқ Парижда 19 та ҳайкал бор экан. 10 таси отасиники, 7 таси ўғлиники, қолган 2 таси кимга тегишли?

1265-савол. Фифанинг 1992 йилги мажлисининг арорига биноан Франция ,Мексика ва Италиядан кейин бу ҳуқуққа эга бўлди.савол:Қандай ҳуқуққа?

1266-савол. 1932 йили АҚШ ҳудудида сухой закон жорий қилинган бўлсада, аммо бир катта шаҳарда бу қонунни бузиш ҳоллари кўп бора кузатишган.Аммо полиция бу ҳолатлардан кўз юмишга мажбур бўлишган.

Савол:Нима қонунни бузилишига сабаб бўган воқеа қайси шаҳарда бўлиб ўтган?

1267-савол. 1987-йили Австрия пойтахти Венада бўлиб ўтган жаҳон чемпионати қатнашчилари олдидан битта вазифа бор эди. К.Л.М. ни қайси жамоа тўхтата олсагина бошқа жамоаларга шанс топилади. Бўлмаса, иложи йўқ. Қандай жаҳон чемпионати ва қайси К.Л.М. лар тўғрисида гап кетмоқда?

1268-савол. Суворов муҳим жанглар олдидан жангчилар диққатини бир ерга тўплаш учун тунда очиқ жойда ётқизган.

Савол: Диққатни тўплаш учун уларга қандай вазифа берган?

1269-савол. Инглиз фермерлари сигирларга кўпроқ туз бериш самарали экан дейишмоқда.Кўп туз бериш қандай самара беради?

1270-савол Биринчи жаҳон уришида ҳали у кашф этилмаганди.Шуни ҳисобига 10 минглаб жангчилар ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлмаган

савол: Нима кашф этилмагани сўралмоқда?

1271-савол. Дейл Корнеги фикрича инсон учун дунёда 3 та энг зарур нарса мавжуд .1-чиси ёрдамида ҳаётимиз шаклланади.2-чиси билан уни сақлаб турамыз. 3-чиси билан кейинги дунё тадоригини кўрамыз.Одам учун муҳим 3 та нарса номини айтинг.

1272-савол. Смирнов АҚШ га бориб ўз ароғини ишлаб чиқара бошлагач , реклама қилиш учун бир газета редакциясига киради. Хохласангиз бугундан бошлаймиз.Эртанги газетага беришингиз мумкун дейди.У газетанинг бир вароғини сотиб олиб фақат қоғоз остига бир жумла келтиради.У жуда катта қизиқиш ортиради.

Савол: Нима деб ёзган?

1273-савол. Қизиқ факт .У АҚШликларда О.К.Й тарзида берилса , японларда Й.О.К шаклида, бизда К.О.Й кема кетлигида берилади.Агар англаган бўлсангиз биздагисини аниқфакт билан ёзиб беринг.

1274-савол. Тасаввур қилинг.Театр хооли. Бутун кибор хоним ва зодагон эркалар тўпланган . Оқ қайин , турна, тошбақа, лочин ва товус, турли гуллар. Буларнинг ҳаммасини шу ерда кўриш мумкин. Савол: Театр хоолига улар қаердан келиб қолди?

1275-савол. Карл Юнг уни жинсий символ деб билган, Зигмунд Фрейд юқоридаги фикрга буткул қарши чиққан. Жон Голсуорси у орқали эркак киши ҳақида тўлиқ

маълумот олиш мумкин деган. Айниқса бир консерваторни у сиз тасавур этиш қийин .  
Савол: Кимни ?

1276-савол. Спарталик болалар 7 ёшидан жанг санъатига ўргата бошлаган.Мактабда танлов жуда оғир кечган .Синов пайтида болакайларни овози мухим рол ўйнаган.Айнан овозларни чиқишига қараб мактабга қабул қилишган.Савол болаларни қандай оғир синовга дучор қилишган?

1277-савол. Қадимги Римда шундай гап юрган. Энг шафқатсиз хўжайинлар – Улар деган. Савол, кимлар?

1278-савол. 17-асрда яшаган ака-ука французлар Дюпенларнинг бири Бош прокурор лавозимида ишлаган, укаси моҳир математик булган. Қизиғи улар қилган ишларидан қўлёзма олиб боришган. У қўлёзмалар авлоддан-авлодга ўтиб, 19-асрда уларни бир Америкалик қариндоши қўлига тушади. Сиз ўша машхур Америкаликни номини топинг.

1279-савол. Орангизда реклама билан шуғулланувчилар йўқми?Реклама мутахассислари фикрича энг яхши афиша энг ёмон афиша экан.  
Савол: Нега?

1280-савол. Опа-сингил Сара ва Аделаида ЙЕТС Шимолий Каролина штатидан,оилали, бирида 10 та , иккинчисида 12 та фарзанд бўлган. Уларни эрлари 1874 йилда деярли бир вақтда 3 соат фарқи билан вафот этишган.Бу машхур тарихий эрлар қайси давлатда дунёга келган?

1281-савол. Владимир Набоков уни асарларида буйвал, булз ва бельз каби сўзлар кўп ишлатилгани ҳақида ёзган. Унинг ўзи бўлса Мопассан билан Браундлик жанг бўлса ҳам бемалол тура олган бўлардим.Лекин Лев Толстой билан умуман рингга чиқмаган бўлардим.Ўз фикрини боксчиларга хос тарзда тушинтирган киши исми фамилиясини топинг?

1282-савол. 2002-йилги жаҳон чемпионатида Франция терма жамоаси Сенегалга ютқазиб кўйади. Франция ОАВ бир бу мағлубиятни кескин танқид қилади. Ва бир газета «Папами, Зиданми?» сарлавхали мақола босиб чиқарган. Зиданни нега ва қайси Папа билан тенглаштиришади? Аниқ ёзиб беринг.

1283-савол. 1993-йили бу бестселлер китобнинг тиражи 7 млн.га чиққан. Муаллифи китобни ютуғини оддий холат билан боғлайди. 4 ёшли қизи билан зоопаркда айланиб юрганида қизи хархаша қилиб,бутун зоопаркни бошига кўтаради, зоопаркда у йўқ-ку? деб. Шундай илхомланган муаллиф у машхур бестселлерни ёзади. Сиз ўша романи номини ёзиб беринг.

1284-савол. Иудей тилида оғирлик ўлчовларини санайман. Мина бу майда тошлар, энг оғир тошларни упарсин деб аталади. Савол: Бир кг.лик тошни улар нима деб аташган?

1285-савол. 1939 йил АҚШ конгесидида бир қараганда ўта оддий туюлган масала расман тасдиқланган Бунинг учун рассомларнинг ҳам фикри сўралган. Эрталаб ва тушдан кейин кўчада энг диққатни тортадиган ранг бу сариқ ранг деган фикр тасдиқлангач ,уни ранги сариқ қилиб белгиланди. Савол: Нимани ранги?

1286-савол. Шампан виноси Хақида гап кетганда 7-8 даража,10-12 даража ,45 даража сонлари ишлатилади.10-12 даража бу унинг кучини ,7-8 даража хароратда ичш мумкинлигини кўрсатади.

Савол: 45 даража нимани билдиради?

1287-савол. Атлантика ва Хинд океанларини ўрганган олимлар қуриқликдан океангача кетган ёлғиз оёқ йўлларни учратишган.Тезда бу йўллар қайдай пайдо бўлганини аниқлашган.

Савол: Хўш қандай пайдо бўлган?

1288-савол. Австралия курортларига экзотик тус бериш учун, 80-йиллар бошида Арабистондан 40-50 та туя олиб боришган. Албатта, туристлар учун, уларни айлантириш учун. Лекин кечкурунлари автотранспорт ва пиёдалар ўтиш жойларига хавф сола бергач, шаҳар маъмурияти оригинал қонун қабул қилади. Қонунга биноан туяларга..... нима қилиш тавсия қилинади?

1289-савол. Франсуа Миттеран у аёлда қиролича Маргонинг қиёфаси-ю, рус Маргаритасининг латофати, юзи немисларникига ўхшаш, оғзи Мерлин Монроникига ўхшаса, кўзлари Каличуланики. Савол, бу тарифни кимга берган?

1290-савол. 1980-йилларнинг энг кучли шахматчиларидан бири Самуэл Решевский жуда иримчи ва динига садоқатли шахматчи бўлгани учун ҳам кўп турнирлардан қолиб кетар эди. У аниқ хафтанинг бир куни шахмат ўйнамас эди. Мободо бир кун олдин бўлиб ўтган ўйин қолдирилса ҳам, эртасига ўйнамаган. Бу турнир графигин бузилишига сабаб бўлар эди. Айтингчи, қайси кун назарда тутилмоқда?

1291-савол.Уларнинг биринчиси тепадан порласа, иккинчиси узатилган қўлдек ён томондан шуълаланади, учинчиси ердан осмонга қараб маёқ мисоли порлайди. Сизлар 3 чаласини номини оригиналида ёзиб беринг.

1292-савол. Бу бир фамилиялик 3 немис нафақат фамилиядош балки, касбдош ва яқин қариндошдир ҳам. Иккита ота-бола ва амакивачча. Амаки ўз исмдош, адаши хақида асар ёзган. Ота-бола эса, сотувчи ва харидор номидан амалга оширилган савдо хақида асар ёзишган. Уччала эркакнинг фамилиясини топинг.

1293-савол. Замонавий Париж макетини ясаган Жерар Брион ҳаёт бўлганда у қурган туннелдаги воқеа учун ўз-ўзини кечирмаган бўларди. Туннелни кичрайтириш ғояси айнан Бриондан чиққанди. Дунё нигоҳини тортган бу туннелда қандай воқеа бўлиб ўтган?

1294-савол. Хайвонот боғларида орангутанг маймунлари қорни тўйгач олдига нима ташласангиз, олиб бошига қўяди. Бу қилиқни Суматра, Калимантан оролларида олиб келинган маймунлар қайтаришар экан.

Савол: Нега жанубий Америкадан келтирилган орангутанг бу қилиқни қилмайди?

1295-савол. 1825 йили Рус подшоҳи Александр I вафот этади. Ўрнига укаси Константин чиқиши лозим эди. У Варшавада ўқиб юрган пайтида, сарой аёнлари уни подшо қилиб сайлаб қўядилар. 3 ойдан кейин бундан хабар топган Константин тахтдан расман воз кечади. Аммо ҳушомадгўй амалдорлар Константин билан боғлиқ бир ишни амалга оширишади. Ўша амалга оширилган иш бир бугун ҳам қизиқтирмақда.

Савол: Кимларни қизиқтирмақда?

1296-савол. У предмет ҳақида кўп бор эшитганмиз. Ҳинду сардорлари қарор чиқариш вақти уни 4 томонга қараб амалга оширганлар. Инглиз изқувари ундан роҳатлангани-ю, Сталин уни ёқтиргани ҳақида эшитгансиз. Сиз ундан ажралишни хоҳламай душман қўлига тушиб ҳалок бўлган асар қаҳрамонини номини ёзинг.

1297-савол. Бу савол Тошкент шаҳрини тарихини яхши биладиганлар учун. Айтингчи Тошкентнинг барча дарвозаларининг охириги манзили каер булган. Аник бир жой номини айтинг?

1298-савол. Л.Н.Толстой маиший турмушга бағишланган барча асарлар, роман бўладими, фильм бўладими, қиссаи-афсона бўладими воқеалар ривожланиб бориб у билан тугайди. Ҳаётда эса аксинча ҳамма воқеалар ундан кейин бошланади деган. Л.Николаевич нимани назарда тутган?

1299-савол. Ушбу Бобурий маликалардан бирининг қабр лавҳасига уни васиятига кўра «Ҳеч ким мени қабримни сабзадан ўзга нарса билан ёпмасин. Ғариблар қабрини ёпмоқ учун шу гиёҳнинг ўзи басдур.» дейилган сўзлар ёзилмишдир.

Айтингчи бу маликанинг исми кимдир?

1300-савол. Темир хотин спектакилини эсланг. Бош қаҳрамон Олимтойдан «Қора денгиз суви ростанам қорами» деб сўрайди. Худди шунга ўхшаш ҳолатда Рус кизиқчиси Аркадий Райкин «Эҳ уларга мазада, уларни хотинлари хаммаси қип-қизил» деган.

САВОЛ: Кимлар ҳақида бу фикр айтилган?

## IV. Заковатнинг билимдонлари.

*«Заковат» телеўйинини бошқа ўйинлардан ягона фарқи, унда қатнашган иштирокчиларни халқ таниб қолади. Улар тезда машҳур кишиларга айланиб кетадилар (томошабинлар фикридан).*

Қайсидур газетага берган интервьюда, мухбирнинг «Заковат» ўйинини кимга ёнимага ўхшатасиз? - деб йўлланган саволи мени бир мунча ўйлантириб қўйган эди. Очиғи кўрсатувни бирон жонзотга ҳечам таққослаб кўрмаган эканман. Шунда нерпа деган мўйнаси учун овланадиган бир ҳайвонни қандай тутишларини айтиб берган эдим. Узоқ шимолда яшайдиган Нерпа деган мўйнаси ҳайвонни мусиқа билан овлашар экан. Қайиқ ичидаги магнитофондан ажойиб бир куй таралиши билан аста-секин нерпалар қайиқ атрофига тўплана бошлайди. Сўнгра уларни битта-битта тутиб ола беришар экан. Худди «Заковат» ўйинида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Мухлис бирон совға ютиб олиш илинжида «Заковат»га яқинлашиб қолгач, саволларни таъсирида ўйиндан ўйинга қизиқиши ортиб, уни атрофидан кетолмай қолади. Шундан кейин уни совға-соврин ҳам қизиқтирмайди, фақат ўйин ва саволлар, ўз-ўзидан бизни қайиғимизга тушиб қолганини билмай ҳам қолади. Ана энди унга хоҳлаган мусиқани сингдириш мумкин.

- «Заковат» клубига билимдонлар оқимида сабаб воситалардан энг биринчиси, уларни билим олишга интилишининг баландлигидур. Тағин қайтариб айтаман билими баландлигидан эмас, айнан билими етарли эмаслигидан, «Заковат»да билимни ошириш мумкин деб ҳисоблашганидан келишади. Хўш бу тўғрими?

Аслида биз кутаётган кишилар ҳамма вақт, ҳамма жамиятда ҳам кам бўлишган. Ўрни ўта билимдон кишилар. Кўрсатув ижодкорларини асосий вазифаси ўта кучли билим соҳибларини ўйинлари орқали бошқа илм олишга талаби кучли кишиларни уйғотиш. Уларни илм сари йўналтириш, керак бўлса билимдонлик чўққисини эгаллашга ундаш. Билимдонликка даъвогар бўлиб келаётганларнинг 90 фоизи ўз билимини оширишни мақсад қилиб келади.

«Заковат» интеллектуал ўйини эфирда пайдо бўлиши билан Ўзбекистонда билимдон, интеллектуал ўйинчи деган иборалар пайдо бўла бошлади. «Заковат» ўйинида бир-икки бор кўринган билимдонни кўчада таниб қола бошлашди. Бу ахир қойилмақом натижа-ку. Хўш нега бундан ҳавотирга тушиш керак. Ҳавотирга ўрин йўқдек, гўё. Ахир бу биз қилган ишни самараси-ку. Томошабинга ёққанки, уларни эслаб қолган. Томошабин ҳамма экранга чиққан кишилардан ҳам дастхат олавермайди. Демак отган ўқимиз мўлжалга беҳато текган. Бу ҳолат мени қанчалар қувонтирганини билсангиз эди. Мухлисларни қизиқишини айтмайсизми. 2001 йил 10 ой ичида 90 мингта мактуб келгани, уни ичидаги ҳаяжонли фикрлар, куйиб ёниб берилган маслаҳатлар, билимдонларга бағишланган шеърлар, такрорланмас саволлар... Бу шахсан мени илҳомимга илҳом, кучимга-куч қўшарди. Эрта-ю кеч ҳаёлим ўйинда, билимдонларда, саволларда... Айтсам кўпчилик ишонмайди, ўша йиллари «Заковат» телеўйини билан боғлиқ ҳолатларни ҳар куни тушимда кўрар эдим. Бу қарийиб 2 йилча давом этган. Шу давр мобайнида бир неча жамоалар пайдо бўлди. Жамоаларни шаклланиши ҳам турлича бўла бошлайди. Масалан илк жамоамиз Ҳ.Ражабов жамоаси фақат Ўзбекистон Миллий Университети талабаларидан тузилди. Д.Камолов ва Ҳ.Ҳамидов жамоалари ҳам бир ҳил соҳадаги йигитлардан ташкил топган. Кейинчалик ҳар соҳа вакилларидан жамоа тузишга уринишлар бўлди. Бунинг учун кенг қамровли синов ва кастинг ишлари олиб борилади. Бу тадбирлар самараси ўлароқ Ғ.Раҳматуллаев, Б.Ёқубов кейинчалик Ф.Қурбонов жамоалари тузилди. 8 йил давомида олий лига сафларида 15 га яқин жамоалар ўйнади. Кўплари «Заковат»нинг синовларига дош бера олишмади. Кўпларини ўзимиз ўйиндан четлаштирдик. Бунга айрим жузъий сабаблар бор. Мен уларни айбдор қилмайман, балки ўзим ҳам



айбдордирман. Мен шундай стратегия тузган эдим, кўрсатувни халққа оммалаштириш, уни оммалаштирадиган восита бу - билимдонлар. Демак бунинг учун билимдонларни халққа танитиш керак. Бу вазифани аъло даражада уддаладик. Уларни халқ, мухлислар танишди ва қабул қилишди. Аммо тангани иккинчи тамони, уларни ёшлигини назардан қочирдик чамамда. Ёш ниҳол эгилувчан ва берилувчан бўлишини ҳисобга олмадик чамамда. Тасаввур қилинг ҳеч ким танимайдиган оддий талаба энг кучли билимдон номига сазовор бўлганини экран орқали миллионлаб мухлисларга кўрсатсак. Буни устига ўз ақли билан компьютер ё ҳорижга ўқиш учун йўлланма ютиб олса. Бу ютуқни унга ҳар қадамда эслатиб туришса, уни зўр эканлиги билан таниш – нотанишлар табриклаб туришса, буни устига ўзи туғилиб ўсган туманига борганда уни қаҳрамон даражасида кутиб олишса, ҳатто туман ҳокими шахсан қабул қилиб, у билан барча фахрланишини айтиб, қимматбаҳо совғалар топширса, мактабларда у билан учрашувлар уюштирилса...

... Кўрсатув эфирга чиққандан кейин икки йил ўтар- ўтмас менга айрим билимдонларни ҳулқ-атвори таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани ҳақида сигналлар туша бошлади. Ён атрофдагиларга беҳурматлик, уларни камситиш, ҳатто факультет деканига ҳам салом бермай қўйгани, ўқитувчиларни менсимаслик каби салбий ҳолатлар пайдо бўла бошлагани ўша стратегияни бир ёқлама қўйилганлигини кўрсатиб қўйди.

Тўғри томошабинлар ҳам машҳурларга доимо бир хил назар билан қарашмайди. У илгаридан бетга чопар бўлиши мумкин. Олдин ҳам саломни ҳаммага беравермайдиган баландпарвоз шахс бўлган бўлиши мумкин. Машҳурлигидан аввал бу нуқсонларга унча эътибор берилмаган бўлса, кейинчалик бу нуқсонлар уларни юлдузлигига, машҳурлигига тиркаб қўйилган деган хулосани ҳам чиқариш мумкин. Нима бўлган тақдирда ҳам томошабинлар ҳақ. Машҳурлик юқини кўтара олмаган билимдон бу ҳақиқий ақл соҳиби эмас. Одатда ақлли инсонлар унча-мунчага ўзгармаслиги керак, уларни ҳаётга теран қарашлари ва жиддий нигоҳлари борлиги, машҳурлик уларга зарар келтириб қўймаслиги учун ҳам айрим билимдонларга «Заковат» сафидаги фаолиятларини тўхтатишга мажбур қилганмиз. Бу кўп томошабинлар учун ҳам қизиқарли маълумот бўлади деб ўйлайман. Лекин бугунга келиб шундай ёш билимдонлар етишиб чиқаяптики, уларни ўйинларидан завқланишимиз ва роҳатланишимиз мумкин. Бугунги билимдонлар билан кечаги нуқсонларни қайтармаслиги хусусида кўп амаллий тадбирлар олиб бораяпмиз. Шундан бўлса керак охириги 4 йил ичида бундай ҳолатлар кузатилмади. Ҳар соҳада бўлгани каби бизда ҳам айрим хато ва камчиликлар ўтган. Лекин ишимизни самараси – бу инсонларни фикрлашга, билим олишга даъват қилаётганимизда кўринаётган бўлса ажабмас. Бу айрим нуқсонларимизни маълум маънода юмшатаётгандек. Ҳозир Ўзбекистон бўйича юзлаб жамоаларимиз бор. Булар бизнинг рўйҳатимиздагиси. Қанча институт – коллежларда, мактаб-у лицейларда бугун «Заковат» ўйинлари ўйналмоқда, демакки фикрлашга интилишмоқда. Мен юқорида билимдонларнинг айрим салбий томонлари ҳақида гапирдим. Аммо ғоямизни улар орқали тарғиб қилаётган эканмиз, билимдонларга ҳурмат билан қарамоғимиз керак. Шу нуқтаи назардан китобимни бир бобини айнан уларга бағишладим. Насиб қилса, пайти билан уларни ҳар бири ҳақида рисола ё мақолалар балки китоблар ҳам ёзиб қолишим мумкин. Айнан шундай фурсат етишини яратгандан тилаб қоламан. Уларга омад, соғлиқ-саломатлик, ўзбек миллатининг фахрли фарзандлари бўлиб юришдек улкан бахт насиб этишини истаيمان.

## V. Жавоблар

1. Жавоб: Бу спорт тури мухлислари хафа бўлишмасин. Антон Нейштат деган шахмат мутахассисига шашка ўйини ёқмас экан. Доимо оқ йўлдан юривчи спорт тури бу – шашка эди.

2. Жавоб: Егулик халталарини номи хоол деб юритилса, латта-путтали халталар бара деб аталган. Биргаликда барахоол деб аташган

3. Жавоб: Гап шундаки, кунлар иссиқ бўлиб турганда бизга шамол жанубдан эсади. Кунлар совшига сабаб шамол шимолдан эсади. Жанубга учадиган қушлар учун эса бу айни муддао. Яъни шамол орқадан эсса уларга ёрдам беради.

4. Жавоб: Цезар қонунида ғилдиракли ҳаракатланувчи воситаларни аёлларга бошқариш тақиқланади дейилган.

5. Жавоб: Лоуэлл фикрича, фақат аҳмоқлар ва мурдалар ўз фикрларидан қайтмайди. Демак, нормал кишилар сўзидан қайтиши мумкин экан.

6. Жавоб: Қўлингизга берилган жетонда кирган вақтингиз ёзилган. Музейда қанча вақт бўлган бўлсангиз, шунча тўлайсиз.

7. Жавоб: “Тожига қараб кишини шоҳ деб ҳисоблама, агар тож билангина киши шоҳ бўлар экан, у чоғда «муҳтож»ни ҳам шоҳ дегин, чунки “муҳтож” сўзида ҳам тож бор” деганлар.

8. Жавоб: Италиянчасига – юмшоқ улуш Буанопарте. Машҳур француз императори. Напалеон Бонаупарте томонидан банд қилинганига ишора қилган.

9. Жавоб: Бу саволни топиш учун ё музалар сонини, ё грациялар сонини аниқ билишингиз талаб этилар эди. Музалар 9 та, грациялар сони 3 та бўлган. Кантни уйида 6 та набор бўлган, холос.

10. Жавоб: У солиқ идорасидан маош оладими, демак у ғазнага фойда келтиради. Гап шундаки, Стокгольмда итлар учун уйда боқилган итлар учун тузуккина солиқ тўланади. Уй эгалари итлари солиқдан беркитишга ҳаракат қилишади. Стив Губтосман уй ташқарисидан ит бўлиб вовиллайди, уйда ит бўлса албатта жавоб беради. Масала шунда.

11. Жавоб: Уни ижод этган киши унга беш бора мурожаат этган. Шундан кейин бу асарни ўқиб чиқдим дейиш мумкин. Жавоб ўтган кунлар романи Абдулла Қодирий асари.

12. Жавоб: Жавобни эшитинг: Дюма мушкетёрлари, П.Қодиров илдизи, Жек Лондон қалби, Чехов опа-сингиллари, Ремаркнинг ўртоқлари, ўзбек халқ эртагининг номи оғайни ботирлар. Уларни ҳаммасини 3 рақами бирлаштиради

13. Жавоб: Мана сиз аравага ўтириб, шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасига йўлга тушдингиз. Бир миля юрилгач, у қутидан бу қутига тошга ўтган. Охири аравачи тошчаларни санаб хизмат ҳақи олган.

14. Жавоб: Роса 50 йил олдин Ньютонни бошига олма шу дарахтдан тушган эди. Уни парваришлаб, туристларга ҳам кўрсатиб юришган.

15. Жавоб: “Заковат”га кўп китоб мутолаа қилганларни қабул қиламиз. Аминман, сизлар бу асарни ўқигансиз, балки эслолмагандурсиз. Жаҳон адабиёти дурдоналаридан бўлмиш Булғановнинг “Уста ва Маргарита” романи. Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Иван Бездомный қидираётган фамилия бу албатта – Воланд эди.

16. Жавоб: Бу саволнинг жавоби - тил

17. Жавоб: Гап айсберглар ҳақида эди. Унинг энг катта қурбони – бу Титаник кемаси.

18. Жавоб: Биздаям у жараён ўтиб туради, лекин бу даражада эмас, албатта. Ўша пайтлари Нигерияда аҳоли рўйхатга олинаётган эди.

19. Жавоб: Тўртинчиси камтаргина бўлиб, учинчини соясида тургани учун ҳам ном ололмаган. Бешинчиси энг кичигининг номи, балки кичкиналиги учун шундай аталгандур – жимжилоқ.

20. Жавоб: 1999 йили 6 июн куни ким туғилган? А.С.Пушкинни ким отиб ўлдирган? Француз Дантес. Газеталар у ғалабани Пушкинни 200 йиллигига муносиб совға бўлди, дейишган.

21. Жавоб: Дунёнинг энг ривожланган шаҳарларидан бўлмиш Лондонда, инсон учун ҳамма нарса муҳайё қилинган. У устунлар, бекатлар, йўллар четларига териб қўйилган. Биласиз, Лондонда жамоат транспорти 2 қаватли. Бугуллар 2-қаватдаги йўловчилар учун осиб қўйишган.

22. Жавоб: Сигир оладиган ҳаридор уни соғиб кўради. Озгина соғгач қўлини сигирни белига, танасига артади. Биласиз, сигирларни соғиш доимо чап томондан амалга оширилади.

23. Жавоб: Бу итлар Айбо – электрон итлар эди. Роботлар.

24. Жавоб: Бобир Ёқубов – 1979 йили туғилган. Хушнудчи? Ана шу ерда мен иккиланган эдим. Бобур билан Хушнудники бир бўлиб қолса деб. Кўчманчи халқлар, асосан чорвадорлар йил ҳисобини турли ҳайвонлар билан аташни қулай деб билганлар. 6 та билимдонники ҳар хил гап мучаллар ҳақида эди.

25. Жавоб: Аввал она-бола филни кўз олдингизга келтиринг. Она фил боласини доимо ўз соясида олиб юради. Айнан жазирама офтоб уни қулоғига микроб туширади.

26. Жавоб: Эскимосларни билгани – билган. Айнан ўша жойни таги иссиқ бўлиши шимолликлар томонидан исботланган. Қишда ўтовни ерга эмас, денгиз устига ёки музлаган сувни устига қурса иссиқ бўлади.

27. Жавоб: Қўйлар тунда ҳечам пастга қараб юрмайди. Тепага томон ҳаракатланиш унга жуда қулай тажрибали чўпн турган жойидан қайси томон тепалиқ бўлса, ўша томонга юради.

28. Жавоб: Қаердан келади? Якшанбадан албатта. Якшанбада жуда кўп томошабинлар келишади. Ҳамма ҳар хил нарсалар бериб, уларни касал қилишади.

29. Жавоб: Амстердам, Истанбул, Осло, Лондон бу шаҳарлар порт шаҳарлар, буни устига шаҳар ичида кўплаб ариқлар оқиб ўтади. Мабодо ҳайдовчи машинаси билан сувга тушиб кетса, у ердан қандай қутулишни ўргатади.

30. Жавоб: Тўсиқлар оша сузиш.

31. Жавоб: Агар 11-аср бўлганда, уларни сони Осиёда анча бўлган. Чунки Эрон ва Муғулистонни ўзида энг ками 500 млн. бўлган. Икки немис бу Даймлер ва Бенц, америкалик эса Г.Форд. Уларнинг аввал автомобиллари шаҳардан уларни йўқотди. Кейин айнан уларнинг заводларида ишлаб чиқарилган “Фордзон” тракторлари далада ҳам уларни ишсиз қолдирди. Жавоби - отлар эди.

32. Жавоб: Ҳосили олиними билан тезда яна экилади. Бизда у ҳосил апрел-май ойларида пишади. Уни кўпроқ табиий ҳолда биз биламиз. Уни етиштириш учун ёмғир ва момақалди роқ зарур. Биз сўраган маҳсулотни кўзиқорин дейишади.

33. Жавоб: Эрталаб ишга кета туриб уни ўзингиз тўлдирасиз. Кечқурун ишдан келиб уни ўзингиз бўм-бўш қиласиз. Марҳамат, сандиқчани очиб кўрсатинг. Бу оёқ кийим пойабзал эди.

34. Жавоб: У инсонга ҳузур ҳам бахш эта олади, инсон бошига кулфат сола билади. Инсон уни ширин неъматлар билан эркалайди. Мусофирни муроди ҳам, оддий халқни нияти ҳам битта қорин ғами. У суллоҳ ва очофат нарса – ошқозондур.

35. Жавоб: Бу қурол орангиздагиларни ҳаммасида бор. Жобир, Рустам Жабборов, Нодирбек Қосимовларники жуда бизонни ағдармасаям, битта яримта бўрини қочириши тайин. Бу қуролнинг номи қичқириб, ҳайқириб, бақириб десаям бўлади.

36. Жавоб: Ҳар 10 кишига битта чодир олиб юрилган.

37. Жавоб: Агар кафтлар тепага қараса, одамлар борлигини ё келаётганини англатган, пастга қараса, ҳайвонлардан дарак бўлган. Биз сўраган ҳаракат ҳам одам, ҳам маҳлуқот маъносида ишлатилган. Демак, у қўрқинчли одам қабилада қўрқинчли одам ким? Қабила бошлиғи. Жавоб қабила бошлиғи.

38. Жавоб: Бизда ҳам у анчагина. Фақат биздагисида олим-алломаларни суратлари эмас, машҳур иншоотлар суратлари тасвирланган. Амир Темур ҳайкалидан ташқари. Энг ками иккитаси биринчиси Амир Темур ҳайкали, иккинчиси – боринг Регистон майдони. Бу миллий валюталардаги суратлар эди.

39. Жавоб: Аниқ жавоб, сиз кийикка яқинлашишингизда табиий усулдан фойдаланасиз. Яъни ўта сезгир ҳайвонни хидингиздан сезмаслиги учун шамол йўналишини топишингиз керак бўлади. Шамол кийик томонга эмас, аксинча кийикдан сиз томонга эсса, мақсадга етишингиз осон бўлади.

40. Жавоб: Алишер Навоий “Мажоис-ул нафоис” асарларида, инсон аъзолари ҳақида айта туриб, ўша жойга таъриф берганлар. Идора бўлмаса, итоатнинг борлиги ёлғон. Қўлингиздаги энг итоатгўй жой, бу идора қилинган, яъни ниманидур босиб турган

жой. Доно Навоий бобомиз тирноқ остига шундай кўп маъноли ўхшатишни қилганлар. Тирноқ идора қилиб тургани учун, ўша жой доимо итоатда.

41. Жавоб: Бу ҳолат 2 кишини ёлғиз қолиши, яъни бизнинг тилда юзма-юз деб аталади. Бизда, демак 2 та юздан фойдаланишади.

42. Жавоб: Биринчиси осонроғидан бошлай қолайлик, аввал эркак қаҳрамонлар, кейин аёл персонажлар. Унда неча Гамлет иккинчи турибди. Шекспирда яна бир сабаб бор эди. Эгаллаган мавқеи ҳам. Эркак қаҳрамонлар ичида биринчи мавқе қирол Полонийга тегишли. Иккинчи Гамлет Шахзода.

43. Жавоб: Саволни тинглаган бўлсангиз: Отанинг ўғиллари ва невараларининг умумий сони сўралди. Савол осон эди. Шунинг учун охирини бироз жумбоқ қўшдик, умум сонини сўраб. Умумий сони 42 та. Ўғиллар сони 12 та, қизлари 30 та. Оқ ва қора қизлар бу – тун ва кун бўлса, ота бўлса бу йил эди.

44. Жавоб: От спорти билан фақат ҳарбийларгина шуғулланган. Кейин ҳужжатлар текширилганда, уни ҳарбий эмаслигини билиб қолишган. 1948 йили шундай қонунлар бўлган.

45. Жавоб: Аббат. Энг катта ўғил отадан сўнг ота бўлиб қолади. Уни ота деб эмас, Аббат деб аташган.

46. Жавоб: Уни русча номи ҳам, юнонча номи ҳам “кровать”

47. Жавоб: Бермуд ороллари тангаси учбурчак шаклда бўлади.

48. Жавоб: Ҳаёт-мамот масаласини бош бармоқ бажариб келган. Ходимимизни қўлларга қаранг. Қўллар ўнг ва чапга бўлинади. Иккита қўлда албатта. Уларда эса 5 та бармоқлар мавжуд. Саволни жавоби эса бош бармоқ.

49. Жавоб: Ўзбеклар кўп ҳолларда худо берган қўлдан фойдаланамиз. Ҳатто қўл билан уни мазасиям, шифобахшлигим ортади. Марҳамат, сандиқни очиб кўрсатинг, бу – қошиқ эди.

50. Жавоб: Жавоб оддий. Ўша пайтларда Лаосда шаҳар кўчаларида ўнг томонлама ҳаракат, Таиландда аксинча чап томонлама ҳаракатланишга рухсат берилган. Қонун ҳаммага баробар деган шу бўлса керак.

51. Жавоб: Ўзбеклардаям шунга ўхшаш гап бор: Сухбат чой устида қизийди деган. Ўзбек халқи сермулоҳаза бўлгани учун чой деб қўя қолади. Биласиз, бизда чой билан бошланган сухбат, қуюқ-суюқ палов ош билан тугайди, тугаса агар... Венгерларда аниқ қилиб айтилар экан, қани буғдойимиз бор, узумимиз бор, каноимиз бор деб. Буғдой – нон, узум – вино, каноп бу дастурхон. Венгерларни азалдан дастурхони канопдан тўқилган.

52. Жавоб: Метрода Тошкентда 1977 йил.

53. Жавоб: Эрамиздан аввалги I-II асрларда яшаган Цай Лунь қоғозни кашф этган. Мусиқа шундай ёзилганки, ҳамма баробар нота қоғозини варақлаганда қоғоз овози эшитилиши керак бўлган. Шунинг учун бир вақтда варақлаш талаб этилган.

54. Жавоб: Марҳамат очинг ва кўрсатинг. Батон нон деймизу, батон сўзи қаердан келиб чиқганини ва у қандай маъно касб этишини гоҳо билмай қоламиз.

55. Жавоб: Чунки шерплар тоғни яхши билганлари билан бирга, уларни мазҳаби европаликлар ейдиган таомларни ҳам бемалол еяверишада эди. Тибет бу - Тибет ахир.

56. Жавоб: Хонага кирибоқ, у дардни нима кўзғатаётганини топади. Нафас сиқилиш табиий жунлар орқали ҳам келиб чиқади. У киши овчи деб айтдиқ. Бемор ётган уйда овчи ўзи ўлдирган айиқ терисини деворга осиб қўйган эди. Ўша уни нафасини қисаётган эди.

57 Жавоб: Шохномада пул солинадиган ҳалтани айнан шундай аташган. Миллий валютамиз ҳам бугун шундай аталади. Сандиқчадаги нарса – предметни ҳам аввал бошда халталиги шу сўз билан аталишига ундагандур. Очиб кўрсатинг, бу – аёллар сумкачаси. Форсча сўм сўзидан – пул солинадиган халта сўзидан олинган.

58 Жавоб: Истеъдодли кўзи ожизлар нима учун керак бўлиши мумкин. Биласиз, кўзи ожизларда эслаш қобилияти жуда ривожланган бўлади. Улар катта-катта дostonларни, илмий асарларни ёдда сақлаб, авлоддан-авлодга ўтказиб туришган. Токи қоғоз ва ёзув пайдо бўлгунча.

59. Жавоб: Агар қўйлар касалланса, у ерда бир-бирига юктириб юбориши мумкин. 3-чи кушанда қўй кўраси.

60. Жавоб: Шоир М.Юсуф раҳматли, унга суяниб ўлишга тайёр эдилар. Гарчи унга одамзод суяна олмайди. Шоирона ўхшатиш. Марҳамат, олиб чиқинг. Бу – ялпиз эди.

61. Жавоб: Товуқ гўшти ишлаб чиқариш имкон қадар тарқоқ бўлиш принципига асосланган. Парранда гриппи битта корхонадан чиқса, шу ерни ўзи ёпилади. Чунки кейинги паррандахона шундай масофада қурилганки, грипп унгача етиб бормайди. Шу билан тизимни узвийлигини таъминлаш мумкин.

62. Жавоб: Филлар биласиз, асабий жонивор. Жангда жароҳат олиб қутуриб кетиши мумкин. Шунда у жон ҳолатда ўзини жангчиларига ҳам зарар етказиб қўйиши мумкин. Иложсиз қолган филбон филни қоқ миясига ўткир қозиқни болға билан уриб қоқади.

63. Жавоб: Чунки Буффон дарвозани мустаҳкам қўриқлади, тўп қаерда бўлса, Буффон ҳам ўша ерда пайдо бўлиб қолавериши шарҳловчиларни операдан парча айтиб юборишга мажбур қилди. “Фигаро у ерда, Фигаро бу ерда”.

64. Жавоб: Ҳамма Олимпиада ўйинларига Юнонистоннинг Олимп тоғидан ёндирилган машъалалар қўлма-қўл олиб келинади. Пьер де Кубертеннинг беҳатар манзилга етиб боринг деган хитоби машъалани қўлма-қўл олиб борувчи спортчиларга қарата айтилган.

65. Жавоб: Гарри Поттер.



66. Жавоб: Елпиғичларга талаб кучайгач, уни ясовчи усталар ўз молларини кўринишига эътибор бера бошлашган. Бунинг учун уни кўриниши рангли тасвирлар билан безатилиши лозим бўлган. Бу иш учун уларга рассомлар зарур бўлган.

67. Жавоб: Чунки айнан шу пайтда ёмғир кам ёғади. Халқ кўчада бемалол байрам қилсин деган мақсадда қиролича туғилган куни июнда ўтказилади.

68. Жавоб: Табиатан эркакларни кўрсаткич бармоғи номсиз бармоғидан калта бўлади. У панжа изида эса аксинча бўлган. Оддий детал орқали у жиноятчи кимлигини аниқлаган.

69. Жавоб: Зарафшон водийси дедик, демак Бухоро томонлар. Айнан шу даврларда Бухоронинг машҳур минора-ю-масжидлари бунёд бўлган. Орадан шунча вақт ўтсаям, бино ғиштлари емирилмаган. От думига боғланган лой сувда эриб кетмаса, ундан ғишт қўйишган.

70. Жавоб: 268 рақами, яъни кун. Бизда ой куни яқинлашибди, дейишади. Немислар 268 кун деб ҳомиладорлик пайтини айтишади

71. Жавоб: Очиқ табиат қўйнида. Чунки чойни рангини, тиниқлигини ёруғда кўриш осон.

72. Жавоб: Чунки сиз биласиз, териларни бири пишиқ эканлигини. Ошлаш пайтида пишиқ терини хоҳлаганча ишлов бериш мумкинлигини. Иккинчи тери бироз бўшроқ бўлишига сабаб, табиат шу ерда ҳам уларни ажратган қаранг. Тери бозорида эркак молни териси қимматга сотилади. Урғочиники эса арзонроқ.

73. Жавоб: Оғиз бўшлиғини музлатилса, қишда оғиздан буғ чиқмайди. Актёрларга муз едиришади.

74. Жавоб: 1944 йил 13 июл куни Будапештда Эрне исмли болакай дунёга келади. 1975 йили ўзи яратган ўйинга фамилияси билан патент олади. Марҳамат очинг бу машҳур “рубик кубиги” ўйинчоғи эди.

75. Жавоб: Людовик-14 жуда узоқ ҳукмронлик қилган. Унинг даврида давлат бир кучайиб, бир кучсизланиб турган. Давлат ҳатто шундай ночор ҳолга тушиб қолганки, ўз қўллари билан тикилган сўзаналарни ёқишгача боришган. Чунки унинг иплари тилладан бўлган. Тилласини қолдириш учун ёқилган.

76. Жавоб: Орангизда бундай инсонлар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Аммо бу таърифга нолайиқлар ҳам бор. Айтмайман ё қўлим билан кўрсатмайман. Умар Ҳайём таърифлари ажойиб бўлган экан. Севги-муҳаббат майдони, айнан ишқ ўти у ердан алангаланди. Тўғри жавоб чиройли юз эди. Айнан юзни гўзаллигига берилган бу таъриф.

77. Жавоб: Кимда-ким яшил рангли кийим билан кўчага чиқса кўчада уларни безовта қилишлари мумкин. Бу оролда жуда чигирткалар кўп. Улар яшил нарсага парвонадек ўзини ураверади.

78. Жавоб: 1-чиси истеъдодсиз ҳунар, 2-чиси ҳунарсиз истеъдод, яъни санъат яратувчини ҳунар эгаси сифатида бермоқда.

79. Жавоб: 24. Бизда кечаю-кундуз (круглосуточно) бўлса, у ерда 24 ёзилса бас.

80. Жавоб: Янги таҳрирдаги гербда югуриб кетаётган от тасвирланган, эскисида югуриб кетаётган от устида чавандоз ҳам тасвирланган.

81. Жавоб: Шоир Чустий бу ғазалларига индамаслар олами деб сарлавҳа қўйганлар. Бир сўз билан аталувчи бу манзил – қабристон.

82. Жавоб: Бу пахталик дастрўмол эди. Чўнтагингизда шундай антиквар пул бор экану билмай юрган экансиз.

83. Жавоб: Бу мўмиёи асил эди.

84. Жавоб: Аниқ жавоб. Сандиқчадаги маҳсулотни от ва туяларга ортиб олишса, у от ва туя ҳидларини ўзига тортиб олган. Узоқ йўлдаги турли қўланса ҳидларни ўзига сингдириб, мазаси бузилган. Чунки у маҳсулотни ҳозир ҳам шундай хусусияти бор. Марҳамат сандиқчани очиб кўрсатинг. Бу – ичимлик чойи эди. Агар фақат чой деб, чойни ўзига ҳид олиш хусусияти тушунтирилмаганда, бу жавоб тўлиқ бўлмасди.

85. Жавоб: Муסיқа соҳасида. Ундаям ўлчов , вазн мавжуд.

86. Жавоб: Чивин. Бизни фақат урғочи чивин чиқади.

87. Жавоб: Тошлар учун эмас, айнан тош терадиган усталар камлиги учун, барча усталар Россиянинг янги пойтахтини қуришга сафарбар қилиш учун.

88. Жавоб: Дунёни хоҳлаган ерида швед столи бор.

89. Жавоб : Соат. Минут. Сония. Соат саркалари эди

90. Жавоб: 1946 йили Пьер Карден К.Диорда бичувчи бўлган.

91. Жавоб: Куз ойлари узум фарқ бўлиб пишган пайтда. Португалияда вино қилиш ибтидодий усулда амалга оширилади.Туристарнинг ўзлариям қатнашишлари мумкин.

92. Жавоб: Қизил икра Каспийдан келган Москвага, Волгадан эса қора икра. Бозорда қора икра йўқ эди.

93. Жавоб: Бензинга.

94. Жавоб: Бу фаррош(супурги,латта,челак)

95. Жавоб: Фото илк бора кашф этилганда расмга олиш узок вақт давом этган.

Одамлар пойлаб туравериб жиддийлашиб кетишган.

96. Жавоб : Мокдональдс .

97. Жавоб : Огиз барча касалликлар дарвозаси.

98. Жавоб : Тилга .

99. Жавоб: Герострад. Тарихда машхур Артемида ибодатхонасига ўт қўйган шахс.

100. Жавоб : Йуловчи сифатида факат аёлларни олишлари мумкун.

101. Жавоб: Пайшанба, у инъом пайшанбалик деб юритилган.

102. Жавоб: Бугун у хар кадамда учрайди. Бу нарсанинг номи - кузгу.

103. Жавоб: Флакони тулдириб денгиз сувидан ичишга мажбур килишган.

104. Жавоб: Никобнинг актёр учун кулайлиги актёрлар бир пьесада бир неча роллар уйнашлари мумкин булган.

105. Жавоб: Биласиз, бу дунёга ҳеч ким устун була олмайди. Нариги дунёга ҳамма курук кул билан кетади, тугрими. Мисколлаб йигиб-йигиб, ҳеч кимга тириклигида мурувват курсатмаган кишилар, умр буйи йигган молу-дунёсини сахийларча ташлаб кетадилар.

106. Жавоб: Уларнинг саройда битта вазифалари булган: хонга тортиладиган таомларни таъмини тотиб беришган. Таом мазаси ёки унга захар солинган ё солилмаганини билиб юрвчи кишилар булишган.

107. Жавоб: Чунки бу давлат армиясининг асосини куллар ташкил этган. Харбий кушни жуда катта куч булгани учун ҳам улардан чучишган.

108. Жавоб: Оркестр дирижери.

109. Жавоб: Бундан мақсад уша уйнинг эркаги ҳам оиланинг тусини, суянчиги, яъни тусинларнинг жуфти мана шу эркак хисобланган.

110. Жавоб: Алгебра фани пайдо булишига оилалардаги жанжаллар сабаб булган, минг йил олдин ҳам оилалардаги жанжаллар уша нарсдан келиб чикарди, яъни меросни тугри, теппа-тенг таксимлаш мақсади алгебра фанига асос солган.

Ал-Хоразмий ана шу зарурият учун яратган.

111. Жавоб: Масжидлар махалланинг марказида жойлашган. Минорани юкорисига чикиб азонни кузи очиклар айтса, уларнинг кузлари хонадонлар ичида юзлари очик холда юрган номахрамларга (аёлларга) тушмасин деб шундай усул куллашган.

112. Жавоб: Кўз докторларининг харфлар жадвали.

113. Жавоб: Туяси сахар пайти устига куп ёг ортирилгани учун зурикиб (ориглигидан), Шом, яъни Багдод шахри яқинида улган.

114. Жавоб: Инсон сочини олдирса хам барибир ўсаверади

115. Жавоб: У шахар кучаларини асфальтлашни таклиф этган ва бошлаб берган.

116. Жавоб: Ахлат қутиси.

117. Жавоб: Доно хожи подшодан шундай нарса сурайди, мени 40 йиллик хажим савобини 1 соатлик адолатингизга алмашаман дейди. Билингки, адолатдан бебахо нарса йўқдир.

118. Жавоб: Ут пуфагида газаб хосил булади.

119. Жавоб: Уларга шоирлар, хонандалар, раккосалар кирган.

120. Жавоб: Африкалик баликчилар уша неъматдан оёқлари ва баданларига суртиб бемалол дарёларга тушиб кетаверганлар, яъни тимсох унинг хидига яқинлаша олмаган. Бу уткир хидли шифобахш усимлик - саримсок.

121. Жавоб: Бугунги кунда уша давлат ахоли турмуш даражасининг усиши буйича 1-уринга чикиб олган. Жавоб кайси деб уйлайсиз, Люксембург.

122. Жавоб: Гимнастика.

123. Жавоб: Улар ўз таълимотларини оғзаки холда қолдиришган.

124. Жавоб: Чунки 2000 йил олдин энг киммат металл кумуш хисобланган.

125. Жавоб: Чунки 2 та хотинига 2 марта кайта уйланган.

126. Жавоб: Қовун. ковунга кадимий табиблар таърифи.

127. Жавоб: Қарз берган одамда бу чупни ярми колган, олган одамда ярми. У одам тонмаслиги учун шундай усул қўллашган.

128. Жавоб: Лашкарлар буйсунмас даражага боришганда албатта харбий юришлар бошлаб юборганлар.

129. Жавоб: 1-фарзанд куриш, 2-моддий маблағ орттириш, 3-ибодат.

130. Жавоб: Тепакаллик.

131. Жавоб: Қўнғирок.

132. Жавоб: гапирадиган-қуллар, гапирмайдиган хукизлар, жонсиз меҳнат куроллари эса арава-омочлардур.

133. Жавоб: Мушуклардан тайёрланадиган таомлар.

134. Жавоб: 3 ой қовун еса, 3 ой соғин сигир сути боқади, 3 ой қовокхурлик қилса, 3 ой чавок, яъни балиқ еб кун кўради дегани.

135. Жавоб: Эйфел минораси.

136. Жавоб: Бу икки давлатнинг байроклари ухшаш эди.

137. Жавоб: Чолгу асбоби.

138. Жавоб: Ялқовлик.

139. Жавоб: Мен жахон фукаросиман.

140. Жавоб: Чой.

141. Жавоб: Алфавит.

142. Жавоб: Шахмат уйнаш тўгрисида.

143. Жавоб: Хеч канча, чунки у гудаклигидаёк улиб кетган.

144. Жавоб: Франция.

145. Жавоб: Албания.

146. Жавоб: кишлок хужалик вазири.

147. Жавоб: Лифт.

148. Жавоб: АҚШга.

149. Жавоб: Мохандис Ганди.

150. Жавоб: Брахман.

151. Жавоб: Бу дунёдаги энг юкори тогли монастир

152. Жавоб: Фукаролик лавозимини.

153. Жавоб: Жаллод махкумнинг бошини бир чопишда олиши керак эди.

154. Жавоб: Агар қувурларнинг бирор ери тешилгудек бўлса, ўша ерга тўпланган йирткич қушлар қувур созловчиларга носоз ерни аниклашда ёрдам берар экан.

155. Жавоб: Яхудийлар.

156. Жавоб: Хидлаб куриш оркали, яъни саримсокнинг хидини билинтирмасликнинг иложи йук.

157. Жавоб: Денгизда туфон бошланганда денгизчилар узлари билан олган мушуклар денгизга улоктирганлар. Худоларга килинган бу курбонлик уларни улимдан асраб колишига умид килганлар.

158. Жавоб: Хасадгуйлар.

159. Жавоб: Шам ишлаб чиқарувчилар.

160. Жавоб: Чойнак кайнаб чиқаётганда энг мукаммал овоз чиқариши учун.

161. Жавоб: Рейн дарёси.

162. Жавоб: Агар ака-укам менга дўст бўлса.

163. Жавоб: Европа оилаларида болалар сони 3 та булган. XX аср 2-ярмидан сунг уртача болалар сони 2 тага тушиб колган.

164. Жавоб: Париж.

165. Жавоб: 5 долларлик пулда.

166. Жавоб: ёки хотинидан рухсат олгани хакидаги хужжатни курсатиш керак.

167. Жавоб: Пулемёт.

168. Жавоб: Стул. Японлар уйда ерда утиришади.

169. Жавоб: Албатта, Греция давлати.

170. Жавоб: Темир перо 19-аср 2-ярмидан кейин пайдо бўлган. Унгача ғозларнинг патидан фойдаланилган. Айнан ўнг қанот пати қўлда яхши турган.

171. Жавоб: Шоколаддан тиш оғрийди. Тиш оғримаслиги учун тиш чёткаси намойиш этилган.

172. Жавоб: У оролларда илон булмайди.

173. Жавоб: Эйфел минораси.

174. Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1-синф болалари учун совғаси.

175. Жавоб: У тухумини ерга қўяди, тулкиларни адаштириш учун.

176. Жавоб: Қироличанинг туғилган куни!

177. Жавоб: Пул.

